

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ
ИСТИТУТИ

ИНФОРМАТИКА ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ
КАФЕДРАСИ

Каримов У.Ф. Анорова Ш.А.

ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ

Ўқув қўлланма

Т О Ш К Е Н Т – 2007

ББК 73
К25 А64

Қўлланма «ИНФОРМАТИКА ВА ТЕХНИКА
ВОСИТАЛАРИ» кафедрасида (30.06.2006 йил) ва
Институт Илмий Кенгашида (03.07.2006 йил)
тасдиқланди.

Тузувчи: Техника фанлари номзоди., доцент
К25

У.Ф. КАРИМОВ

Техника фанлари номзоди., катта ўқитувчи:
А64

Ш.А. АНАРОВА

Такризчилар: Техника фанлари доктори, профессор

М.З.ЯКУБОВА

Техника фанлари доктори

М.А. РАХМАТУЛЛАЕВ

Ушбу ўқув қўлланма «Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари»
таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, электрон каталогга
доир тушунчалар келтирилган.

ББК 73

Мундарижа

Мундарижа	3
Сўз боши	4
1–боб. Кутубхона каталоги	8
1.1. Кутубхона каталоглари ҳақида	9
1.2. Каталоглаштиришнинг халқаро тамойиллари тўғрисида	17
2–боб. Электрон каталог	23
2.1. Электрон каталоглар	25
2.2. Электрон каталог тўғрисида қоидалар, ЭКнинг вазифалари, функциялари, таркиби ва юритиш технологияси	35
2.3. MARC форматлар ва каталоглаштириш қоидалари	39
2.4. ИРБИС тизимидаги электрон каталог	40
2.5. Электрон каталог яратиш	50
2.5.1. Электрон каталог яратишнинг техник таъминоти	50
2.5.1.1. Z39.50 протоколи	50
2.5.2. Электрон каталог яратишнинг дастурий таъминоти	50
2.5.3. Электрон каталогнинг тил таъминоти	53
2.6. Интернет ва электрон каталог	56
2.7. Каталогларни ретроспектив конверсиялаш (ташкилий ва технологик масалалар)	66
Тестлар	84
Адабиётлар	

Сўз боши

Жамиятнинг ахборотлашуви ижтимоий тараққиётнинг асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу инсон фаолиятининг барча соҳаларини интеллектуал меҳнат қуроли сифатида ахборотларни тезкорлик билан йиғиш, қайта ишлаш, жараён, воқеа ва ҳодисаларни моделлаштириш, уларни таҳлил қилиш имконини берувчи компьютерлаштирилган тизимлар ва бошқа ахборот технологиялари кириб келишини аңлатади.

Ахборот технологиялари ва компьютер коммуникация тизимларини барча соҳаларда қўллаш ҳозирги вақтда давр талаби бўлиб қолди. Мамлакатимизда жаҳон ахборот маконининг инфратузилмаси ва ахборот – компьютер тармоғига мос келувчи миллий тизимини яратиш бошқарув, иқтисодиёт, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Юртимизнинг ушбу соҳадаги асосий йўналиши қатор қонунлар, Республика Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида ўз аксини топган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 май куни имзолаган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги» фармонида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш, ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт–шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, унда компьютерлаштириш ва ахборот–коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур фармон ижроси юзасидан ва ахборот–коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга оширишга доир амалий чора–тадбирларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди.

Бу қарорда, хусусан, ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви ва бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашувнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилишга алоҳида аҳамият берилган.

Шунингдек, юртимизнинг ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматларни шакллантириш, ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Айниқса, «Электрон рақамли имзо тўғрисидаги» қонуннинг қабул қилиниши, юқоридаги фармон ва қарорнинг бажарилишини таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади.

Қонунда электрон рақамли имзо—электрон ҳужжатдаги рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо тарзида таърифланган.

Электрон ҳужжат—муайян ҳужжатнинг компьютерда тайёрлаб, унинг хотираси ёки у билан боғлиқ электрон ахборот ташувчиларда сақланаётган кўриниши. Электрон ҳужжат ўзининг анъанавий, яъни қоғоздаги кўринишига қараганда анча ихчам бўлади.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ (махфий) калити—имзо кўювчи шахснинг ўзигагина маълум бўлган белгилар кетма—кетлиги. Электрон ҳужжатдаги ахборот ана шу калит асосида яратилади. Ёпиқ калит маълум электрон ташувчида сақланиб, унга фақат имзо эгасигина кириши мумкин.

Электрон рақамли имзонинг очик калити—компьютер техникаси воситаларидан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи белгилар кетма-кетлиги бўлиб, ахборот тизимида эркин истеъмолдадир.

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган ташкилот амалга оширади.

Махсус ваколатли орган рўйхатга олиш марказларининг фаолиятига лицензия беради ва бу марказлар сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан фойдалана олишини таъминлайди.

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги тўғрисидаги қонун ахборот алмашувининг электрон шаклларига ўтиш, электрон тижоратни татбиқ этиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашда асосий йўриқнома вазифасини бажарувчи норматив ҳужжат бўлиб, шу соҳа тараққиётига ижобий таъсир кўсатиши шўҳбасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999—йил 5—февралдаги «Жаҳон ахборот тармоқларига киришни тартибга солиш ва маълумотларни узатиш Миллий тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш» қарори ва дастури қабул қилинди.

Қабул қилинган қарорга асосан маълумотларни узатиш Миллий тармоғини ривожлантиришда асосий тамойиллар сифатида қуйидагилар кўрсатилди:

- Давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаро, корхона, муассаса ва ташкилотларни уларнинг хўжалик юритишидан қатъий назар, ахборотга

бўлган талабларини ҳар томонлама қондириш мақсадида электрон ахборот алмашишни амалга ошириш;

- Республикада ягона ахборот муҳити транспорт-коммуникация асосларини яратиш ва жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришни таъминлаш;

- Тармоқ провайдерлари республика маълумотларини узатишда жаҳон тармоғига, шу жумладан Интернетга марказлашган ҳолда кириш;

- Давлат ҳокимияти ва бошқаруви электрон ҳужжат айланишини таъминлаш учун шароитлар яратиш;

- Ахборот ресурсларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ташкилий техник чораларни кўриш, маънавиятни бузувчи, конституциявий тузумни куч ишлатиш йўли билан ўзгартириш, миллий ва диний нифоқлар, инсон қадр қимматини ерга урувчи мазмундаги ва жорий қонунлар билан таъқиқланган ахборотлар тарқалишининг олдини олиш.

Миллий тармоқ ҳўжалик ҳисобидаги UzPak корхонаси асосида ташкил қилиниб, бугунги кунда бу корхона маълумотларни узатиш тармоғининг миллий–провайдери мақомини олди. Айни дамда республикада 70дан ортиқ интернет–провайдерлар мавжуд.

Дастурни амалга оширишни таъминлаш уч босқичда амалга оширилиб келинмоқда:

I босқич–1999 йил UzPak мавжуд тармоқлари модернизация қилинди, алоқа каналларидан фойдаланиш Маълумотларни узатиш миллий тармоғи провайдерларининг жаҳон ахборот тармоқларига чиқиши марказлаштирилди;

II босқич–1999–2000–йиллар тармоқ регионал тугунлари ўрнатилади ва барча вилоят марказлари тармоққа уланди. Республика маркази даражасида вилоят марказларининг электрон маълумот алмашуви йўлга қўйилди;

III босқичда тармоқ қобилиятини ва қувватини кенгайтириб бориш, унинг ишончлилиги ва ҳимояланганлиги ошириш, вилоят марказлари–туман марказлари даражасида электрон ахборот аламашинуви ташкил қилинмоқда.

Маълумотларни узатиш Миллий тармоғининг таркибий тузилиши ҳам юқоридаги каби 3 даража асосида қурилиши назарда тутилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда давлатни бошқариш органларида қуйидаги йирик ахборот тизимлари мавжуд.

- Вазирлар Маҳкамасининг ахборот хизмати кўрсатиш автоматлаштирилган тизими;

- Ўзбекистон Республикаси банк ахборотларни узатиш телекоммуникация тармоғи ва электрон тўловлар тизими;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг компьютер тизими;

- Йўлдош алоқа тизимига уланган Ўзбекистон Республикаси Солиқ ташкилотлари ахборот компьютер тизими.

Қабул қилинган Дастурга асосан Республиканинг вазирликлари, муассаса ва ташкилотларини ахборот тизимлари ва тармоқларини бирлаштириш йўли билан республикада ягона ахборот майдони шакллантирилмоқда.

2001–йилнинг 23–майида қабул қилинган «2001–2005–йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, Интернет халқаро тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисидаги» қарор бу соҳада қилинаётган ишларни янада чуқурлаштириш етук мутахассислар тайёрлаш масъулиятини юклайди.

Республикаимиз Хукумати томонидан қабул қилинган қарор ва дастурлар борасида демократик тамойилларга асосланган жамият учун ахборотлашган жамиятга ўтишнинг иқтисодий, ҳуқуқий, технологик, маданий шарт–шароитлари яратиб берилмоқда.

Ҳозирги кунда республикаимизда маълум маънода ахборотлашган жамиятга ўтиш технологик асослари яратилди деб баралла айтиш мумкин ва бунга такомиллашган дастурий таъминотга эга бўлган коммуникация тармоқлари, компьютер марказлари ва интернет «кафе» ларни мисол келтириш мумкин. Кейинги муҳим ва масъулиятли қадам–фаолиятнинг барча бошқарув, илмий–техник, таълим, кўнгилочар ва бошқа кўринишларида ахборот маҳсулотлари ва хизматлари яратишдир. Республикаимиздаги мавжуд қулай шарт–шароит ва кадрлар салоҳияти бу борадаги ишларни тез фурсатларда амалга оширишга имкон яратмоқда.

Юқоридаги фикрларни ҳисобга олиб «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» йўналишида ўқитилаётган талабларга «Электрон каталог» фани ўтила бошланди. Электрон каталог фанининг ўрганилиши ўз навбатида ушбу фандан ўқув қўлланма, дарслик ёзишни тақоза этади. Шунинг учун қуйидаги ўқув қўлланма 2та боб, 12та мавзу асосида баён этилди. Ҳар бир мавзуда ЭК ҳақидаги тушунчалар, ЭК яратиш ҳолатлари ўрганилади. Ўқув қўлланмада талабага керак бўлган жуда кўп маълумотлар мавжуддир.

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
Тошкент Давлат Маданият институти
«Ўқув ишлари ва ахборот технологиялари»
бўйича ректор ўринбосари, профессор.

1–боб. Кутубхона каталоги

1.1. Кутубхона каталоглари ҳақида

Электрон каталог борасида фикр юритар эканмиз, анъанавий кутубхоналарда ишлатиладиган турли каталоглар таърифларни келтириб ўтамиз:

Алфавитли каталог (АК)—кутубхона каталоги бўлиб, унда муаллифлар, ташкилотлар ва ҳужжатлар номларининг библиографик ёзувлари алфавит тартибда жойлаштирилган бўлади.

Муаллифлар каталоги—муаллифлар ва ташкилотларнинг алфавитли каталоги.

Сарлавҳа каталоги—ҳужжатлар сарлавҳасининг алфавитли каталоги.

Хронологик каталог—кутубхона каталоги бўлиб, унда ҳужжатларнинг библиографик ёзувлари нашр этилган йиллари ёки биринчи нашр этилган йили бўйича жойлаштирилган бўлади.

Рақамли каталог—кутубхона каталоги бўлиб, унда библиографик ёзувлар ҳужжатларнинг тартиб рақами билан жойлаштирилган бўлади

Жуғрофий каталог—кутубхона каталоги бўлиб, унда библиографик ёзувлар ҳужжатларнинг нашр жойига мос алфавитли тартибда жойлаштирилган бўлади.

Топографик каталог—кутубхона каталоги бўлиб, унда библиографик ёзувлар ҳужжатларнинг тоқчаларида туришига мос равишда жойлаштирилган бўлади.

Аниқ каталог—кутубхона каталоги бўлиб, у ҳужжатларнинг мазмунини очиқ беради.

Систематик каталог (СК)—кутубхона каталоги бўлиб, унда библиографик ёзувлар билим соҳалари бўйича ҳужжатларни аниқ таснифлаш тизимига мос жойлаштирилади.

Предметли каталог (ПК)—кутубхона каталоги бўлиб, унда библиографик ёзувлари предметли рукнларнинг алфавитли тартибда жойлаштирилган бўлади.

Луғатли каталог—кутубхона каталоги бўлиб, унда библиографик ёзувлар муаллиф исмлари, ташкилотларнинг номлари, ҳужжатларнинг сарлавҳалари ва предмет рукнлари алоҳида алфавит тарзда жойлаштирилади.

Минтақавий каталог—кутубхона каталоги бўлиб, ундаги адабиётлар ўз мазмунига кўра аниқ минтақага тегишли ва систематик ёки предметли тартибда ташкиллаштирилган.

Мамлакатшунослик каталоги—минтақавий каталог бўлиб, ундаги мавжуд ҳужжатлар ўз мазмунига кўра бирор аниқ мамлакатга тегишлидир.

Ўлка каталоги—минтақавий каталог бўлиб, мазмунига кўра бир ўлкага тегишли ҳужжатларни акслантиради.

Китобхон каталоги—кутубхона каталоги бўлиб, у китобхонлар ихтиёрига тақдим этилган.

Электрон каталог—машина ўқий оладиган кутубхона каталоги бўлиб, у реал вақт режимида ишлайди ва китобхонлар ихтиёрига тақдим этилган.

Хизматчи каталог—кутубхона каталоги бўлиб, у кутубхона ходимлари фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Бош каталог—кутубхона каталоги бўлиб, у алмашув ва захира фондидан ташқари бутун кутубхона фондини акс эттиради.

Йиғма каталог—кутубхона каталоги бўлиб, у бир неча мустақил кутубхона ёки минтақавий тармоқдаги кутубхоналар фондини акс эттиради.

Марказий каталог—кутубхона каталоги бўлиб, кутубхона ва унинг барча филиалларининг фондларини акс эттиради.

Кутубхона каталоги—Кутубхона ёки ахборот маркази захирасининг таркиби ва мазмунини очиб берувчи маълум бир қоида бўйича жойлаштирилган

1.2. Каталоглаштиришнинг халқаро тамойиллари тўғрисида

«Париж тамойили» номи билан машҳур бўлган тамойиллар ҳақида қоидалар 1961–йили каталоглаштириш тамойиллари бўйича ўтказилган Халқаро конференцияда маъқулланган эди. Унинг мақсади—каталоглаштиришда халқаро стандартлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилиш – шубҳасиз амалга ошириш: каталоглаштириш бўйича шу вақтгача бутун дунёда ишлаб чиқилган кўпгина қоидалар айнан ёки, ҳеч бўлмаганда, кўп жиҳатдан Париж тамойилларига мос келарди.

Қирқ йилдан ошди вақт ичида каталоглаштиришнинг умумий халқаро тамойиллари янада зарурроқ бўлиб қолди, чунки ҳамма каталогчилар, ҳам китобхонлар бутун дунёда *ОРАС* электрон каталогларни кенг қўллай бошладилар.

Эндиликда, яъни ХХІ аср бошида, *ИФЛА* Париж тамойилларини электрон каталоглар ҳамда маълумотларнинг бошқа библиографик базаси олдида қўйишган вазифалар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда мослаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу вазифаларнинг ичида энг дастлабкиси – каталогни фойдаланувчиларга қулай қилишдан иборат.

Мазкур янги тамойиллар Париж тамойилларининг қўлланиш доирасини янада кенгайтириб, уларнинг таъсирини матнли асарлардан тортиб ҳар қандай материалга татбиқ қилиш мумкин, чунончи нафақат сарлавҳаларни танлаш, балки унинг шаклини библиографик ва кутубхона каталогларида фойдаланиладиган қоидаларда ҳам қўллаш имконини беради. Тамойилнинг лойиҳаси қуйидаги соҳаларга ҳам қўлланилади:

- Қўлланиш соҳаси;
- Объектлари, атрибутлари ва алоқалари;
- Каталог функцияси;
- Библиографик шарҳи (таснифи);
- Кириш нуктаси;
- Нуфузли қайдлар;
- Излаш имкониятларининг асослари.

Ушбу янги тамойиллар жаҳоннинг энг бой каталоглаштириш анъаналарига, шунингдек, ИФЛА томонидан «Библиографик таснифларга функционал талаблар» (*FRBR:Functional Requirements of Bibliographic Records*) ҳамда «Нуфузли таснифлар ва уларни номерлашга функционал талаблар» (*FRANAR:Functional Requirements and Numbering of Authority Records*) ҳужжатларда ишлаб чиқилган концептуал моделларга асосланади, улар эса Париж тамойилларини мазмунан каталоглаштириш соҳасига қўллайди.

Мазкур тамойиллар библиографик ва нуфузли маълумотларнинг халқаро алмашинувида ёрдам беради ҳамда каталоглаштириш қоидаларини тузувчиларга каталоглаштиришнинг халқаро қоидаларини ишлаб чиқишда ёрдам беради деб умид қиламиз.

1. Қўлланиш соҳаси

Ушбу ҳужжатда белгиланган тамойиллар каталоглаштириш қоидаларини ривожлантириш учун қўлланма сифатида хизмат қилишга мўлжалланган. Улар библиографик ва нуфузли таснифлар ҳамда замонавий кутубхона каталогларига қўлланилади. Ушбу тамойиллар шунингдек кутубхоналар, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган библиографиялари ва файлларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Тамойиллар тавсифли ва мазмунан каталоглаштиришнинг барча турларига келишувчанлик билан ёндошишни белгилайди.

Каталоглаштириш қоидаларини ишлаб чиқишда асосий эътибор каталогдан фойдаланувчиларга имкон қадар қулайлик яратишга қаратилган бўлиши керак.

2.Объектлари, атрибутлари ва алоқалари

2.1. Библиографик таснифларнинг объектлари

Библиографик таснифларни тузаётганда, интеллектуал ёки бадиий ижод маҳсулотларини ўзида мужассамлаштирган қуйидаги объектлар эътиборга олиниши лозим:

- Асар;
- Ифодаланиш;
- Тимсоли;
- Жисмоний бирлик.

2.1.1. Библиографик таснифлар одатда тимсолларни акс эттиради. Улар ўзида асарлар тўплами, алоҳида асар ёки асарнинг таркибий қисмини мужассам этади. Тимсоллар бир ёки бир нечта жисмоний бирликда берилиши мумкин.

Қоида бўйича ҳар бир жисмоний формат учун алоҳида библиографик тасниф яратилиши керак.

2.2. Нуфузли таснифлар объекти

Нуфузли таснифлар, энг камида, шахс исми, авлодлар номи (сулола номи), ташкилот ва предметлар номланишини назорат шаклида ёзиб қўйилади. Асар предмети сифатида қуйидаги объектлар қўлланилиши мумкин:

- Асар;
- Ифода;
- Тимсол;
- Жисмоний бирлик;
- Юзи;
- Насл–насаби (сулоласи);
- Концепция/ғоя;
- Предмети;
- Ходиса;
- Жойи.

2.3. Атрибутлари

Ҳар бир объектни айнан ўхшатувчи атрибутлар библиографик ва нуфузли таснифларда маълумотлар элементи сифатида фойдаланилиши лозим.

2.4. Алоқалари

Объектлараро библиографик аҳамиятга эга бўлган алоқалар каталогда ўз аксини топиши керак.

3. Каталогнинг функциялари

Каталогнинг функциялари–мижозга қуйидаги имкониятларни яратишдан иборат:

3.1. Жамғармада библиографик манбаларни топиш (реал мавжуд ёки виртуал), яъни атрибутлар ёки манбалар алоқавийлигидан фойдаланилганлар.

3.1.1. Битта манбанинг ўрнини аниқлаш;

3.1.2. Манбалар гуруҳининг ўрнини аниқлаш.

Битта асар билан алоқадор барча манбалар;

Мазкур шахс авлод (сулола) ёки ташкилот асарнинг ифодаланишининг барча шакллари;

Ушбу мавзу бўйича барча манбалар;

Бошқа критерийлар билан характерланадиган барча манбалар (чунончи, тил, нашр мамлакати, нашр соҳаси, физик ҳажми ва ҳ.к.) одатда улар қидирув натижаларини чекловчи қўшимча критерийлар сифатида қўлланилади.

Иқтисодий сабабларга кўра баъзи кутубхоналарнинг каталоглари асарларнинг таркибий қисми ёки бошқа асарлар таркибига кирган мустақил асарларга алоҳида библиографик қайдлар қилиш имкониятига эга эмасдир.

3.2. «Агент» ёки манбани идентификация қилиш (яъни қайта тасвирланган объект номаълум объект ёки ўхшаш характеристикали бир ёки бир нечта объектларга мувофиқ бўлиш керак);

3.3. Фойдаланувчининг талабларига мос келадиган библиографик манбаларни танлаш (яъни мазмун нуқтаи назаридан, физик фортмати ва ҳ.к. миқдорнинг сўровига мос келмаслиги сабабдан рад этиш);

3.4. Тавсифланган физик бирликни сотиб олиш ёки рухсат олиш (яъни китобхонни излаётган китобини сотиб олиши ёки вақтинча фойдаланиши

учун керакли ахборот билан таъминлаш ва ҳоказо, ёки он-лайн алоқаси орқали электрон доирага киришини таъминлаш);

3.5. Каталогда йўналишни тўғри аниқлаш (библиографик ахборотни мантиқан ташкил эта олиш ва қидирув усулининг аниқ тавсия ёрдамида асарлар, иборалар, тимсоллар ва физик birlikларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш).

4. Библиографик тавсиф

4.1. Библиографик таснифларнинг тавсифий қисми мълум бир халқаро стандартга асосланган бўлиши керак;

4.2. Тавсиф каталог ёки библиографик файлнинг мақсадига қараб маълумотларнинг тўлиқлиги даражасини таъминлаши зарур.

5. Кириш нуқтаси

5.1. Умумий қоидалар

Библиографик ва нуфузли таснифларни излаш учун кириш нуқтаси умумий тамойилларга мувофиқ тарзда шаклланиши керак; (1–банд қўлланиш соҳасига қаралсин). Улар назорат қилинадиган ҳамда назорат қилинмайдиган бўлиши мумкин.

Назорат қилинмайдиган кириш нуқтасида асосий сарлавҳалар қандай бўлса шундайлигича киритилади, шунингдек библиографик тавсифнинг хоҳлаган жойида учраши мумкин бўлган муҳим сўзлар қўшимча равишда киритилиши мумкин.

Назорат қилинадиган кириш нуқтаси манбалар гуруҳини излашда зарур бўлган бир хилликни таъминлайди ва улар стандартга мувофиқ шаклга келтирилиши лозим.

5.1.1. Кириш нуқтасини танлаш

Библиографик қайдларни кириш нуқтаси сифатида асар сарлавҳаси ва ибора (назорат қилинадиган), тимсол номи (одатда назорат қилинмайдиган), шунингдек, асарни яратганларнинг исмларининг назорат қилинадиган шакллари фойдаланилади.

Библиографик қайдларга қўшимча кириш нуқталари бошқа шахсларнинг назорат қилинадиган шакли қўлланилиши мумкин.

5.1.1.2. Нуфузли қайдларда кириш нуқтаси сифатида объектнинг номи шунингдек унинг вариантли шакли нуфузли кириш нуқтасига қўшилади.

Қўшимча кириш нуқтаси алоқадор номлар хизмат қилиши мумкин.

5.1.2. Муқобил сарлавҳа

Объект учун муқобил сарлавҳа объектни тегишли шаклда идентификация қилувчи номланиши, яъни тимсолда устунлик ёки номнинг энг мақбул шаклида бўлиши, ҳар ҳолда, каталогдан фойдаланувчига қулай (масалан, «умумқабул қилинган ном») бўлиши лозим.

5.1.3. Тили

Агар номланиш бир неча тилда тақдим этилган бўлса, ахборотга асосланган сарлавҳа асл нусха тилида ва ёзувида берилган тимсол афзал кўрилади.

5.2. Шахс номларининг шакллари

5.2.1. Агар шахс номи бир неча сўздан иборат бўлса, бошланғич сўзни танлаш шахс номи шаклига мувофиқ тарзда, яъни муаллиф фуқароси бўлган мамлакат қоидалари асосида аниқланади ёки

5.2.2. Агар фуқаролигини аниқлаш имкони бўлмаса, асосий шахс яшайдиган мамлакатда қабул қилинган номланиш шаклига мувофиқ, ёки

5.2.3. Ушбу шахс асосан айнан қайси мамлакатда яшашлигини аниқлаб бўлмаса, номнинг бошланғич сўзи шахс одатда фойдаланадиган тил бирлигига мувофиқ тарзда танланади. Танлов тимсоллар ёки асосий маълумотларга асосланади.

5.3. Авлодлар номланиши шакллари (сулолалар номланиши)

5.3.1. Агар авлоднинг номи (сулола номи) бир нечта сўздан иборат бўлса, бош сўз ушбу авлод (сулола) қайси мамлакатда ассоциацияланган бўлса ўша шаклга мувофиқ аниқланади, ёки

5.3.2. ушбу авлод (сулола) қайси мамлакат билан ассоциациялангани аниқлаш мумкин бўлмаса, унда мазкур авлод (сулола) одатда қайси тил нормаларидан фойдаланса ўшанга мувофиқ танланади.

5.4. Ташкилотларни номлаш шакллари

5.4.1. Юрисдикция учун нуфузли сарлавҳа ушбу каталогдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тарзда замонавий шаклда ҳудуд номи тили ва ёзувида ифодаланиши керак.

5.4.2. агар ташкилот ўз мавжудлиги даврида турли номланишлардан фойдаланган бўлса, унда аҳамиятга молик бўлган ҳар бир ўзгаришга ҳудди янги объектдай қаралиши ва тегишли нуфузли қайдлар ҳар бир объект учун маълум далиллар билан боғланиши – шунингдек қаралиши (олдин/кейинчалик) лозим.

5.5. Унифи қацияланган сарлавҳалар шакли

Унификацияланган сарлавҳа мустақил ёки бошқа номлар комбинациясида ишлатилиши мумкин, ёки сарлавҳа ташкилот номи, манзиди, тили, санаси каби идентификацияловчи элементлар билан тўлдирилиши мумкин.

5.5.1. Унификацияланган сарлавҳа сифатида оригинал сарлавҳасидан ёки ушбу асар тимсолларида энг кўп учрайдиган сарлавҳадан фойдаланиш мумкин. Баъзи ҳолатларда асл сарлавҳаси ўрнига асос сифатида нуфузли сарлавҳа учун каталог тили ва ёзувида умумқабул қилинган сарлавҳа танланиши мумкин.

6. Нуфузли тасниф(қайд)лар

6.1. Нуфузли таснифлар шахс, авлод (сулола), ташкилот, асар, ифода, тимсол, физик бирлик, концепциялар, предметлар, ҳодисалар ва манзил каби объектларга кириш нуқтаси сифатида қўлланиладиган нуфузли ном ва далил шакллари н назорат қилиб туриш учун яратилади.

6.2. Агар шахс, авлод (сулола) ёки ташкилот вариантли номлар ёки вариантли шакллари қўлласса, битта исм ва битта ном шакли ҳар бир конкрет шахс учун нуфузли сарлавҳа сифатида танланади. Агар асарнинг

сарлавҳасининг бир нечта вариантлари бўлса, унда битта сарлавҳа унификацияланган сарлавҳа учун танланади.

7. Қидирув имкониятларининг асоси

7.1. Қидирув ва қидирув натижалари

Кириш нуқталари бўлиб қуйидаги библиографик қайдлар хизмат қилади:

1) Библиографик ва нуфузли таснифлар ва улар билан алоқадор библиографик манбалар қидирув натижаларини ишончлигини таъминлайди ва

2) Қидирув натижаларини чеклайди.

7.1.1. Қидирув усуллари

Мазкур каталог ёки библиографик файлда исм ва номланиш қидирув объекти бўлади, масалан, исмлар, калит сўз, ибора, қисқартиш ва бошқалар.

7.1.2. Библиографий ва нуфузли таснифнинг ҳар бир объектидан асосий характеристика ва алоқаларда яширинган кириш нуқталари мажбурий ҳисобланади.

7.1.2.1. Библиографик таснифларда мажбурий кириш нуқталари қуйидагилар;

- Ижодкорнинг номи ёки агар ижодкорлар бир нечта бўлса улардан биринчи кўрсатилган ижодкор номи;
- Каталоглаштирган ходим томонидан ифодаланган асосий сарлавҳа ёки сарлавҳа;
- Нашр ёки алоҳида нашрнинг чиқарилган йили;
- Унификацияланган сарлавҳа (асар учун/ифода учун);
- Предметли рубрикалар ва тематик терминлар классификацияли индекслар;
- Тасвирланаётган объект учун стандарт номерлар, идентификациялар ва «муҳим сарлавҳа».

7.1.2.2. Нуфузли тасниф учун мажбурий кириш нуқталари қуйидагилар:

- Объектнинг нуфузли номи ёки сарлавҳаси;
- Мазкур объект номланишининг вариантли шакллари ёки сарлавҳаси.

7.1.3. Қўшимча кириш нуқталари

Библиографик тасвир ёки нуфузли таснифларнинг бошқа соҳадаги атрибутлари факультет кириш нуқталари сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу библиографик қайд атрибутлари чекланмаган ва улар қуйидагиларни жамлайди:

- Биринчидан ташқари бошқа ижодкорларнинг номини;
- Ижодкорнинг номини, шунингдек шахслар, авлодлар ва ташкилотлар номини, улар яратувчи бўлмаслиги мумкин, лекин бошқа вазифани бажариши мумкин;
- Параллел сарлавҳа, муқова сарлавҳаси ва ҳ.к.;
- Серияларнинг унификацияланган сарлавҳалари;
- Библиографик таснифларнинг идентификациялари;
- Тили;

- Нашр қилган мамлакат;
- Физик шакли.

Нуфузли таснифлар учун мазкур атрибутлар, шунингдек, чекланган ва у ўзида қуйидагиларни жамлаши мумкин:

Алоқадор объектларнинг номи ва сарлавҳаси нуфузли таснифларнинг идентификаторлари.

ИЛОВА

Каталоглаштириш қоидаларини яратувчилар учун асосий вазифалар

Каталоглаштириш қоидаларини яратувчилар бир қатор вазифалар турибди. Энг муҳими вазифа эса—фойдаланувчилар учун қулайлик.

Каталогдан фойдаланувчилар учун қулайлик

Кириш учун тасвир ва назорат қилинадиган номлар шаклини яратиш тўғрисида қарор қилишдан олдин фойдаланувчини ёдда тутиш лозим.

Умумқабул қилинган иборалар

Киришда тасвир терминологияси кўпинчалик ўқувчиларнинг тушунчаларига мос бўлиши керак.

Тушунча

Тушунчалар ва назорат қилинадиган номлар шаклидаги объектлар объектнинг ўзи нимани ифодалашига эътибор қаратилади.

Аниқлик

Тасвирланаётган объект аниқ - равшан ифодаланиши лозим.

Етарлилик ва муҳимлик

Фойдаланувчи объектни беҳато идентификация қилиш учун назорат қилинадиган кириш нуктасига фақат айрим маълумотлар келтирилади.

Муҳимлик

Библиографик нуктаи назардан элементлар муҳим бўлиши керак.

Фойдалилик

Агар мақсадга турли воситалар йўллар билан эришиш мумкин бўлса унда энг иқтисод бўладиган йўлини танлаш керак.

Стандартлаштириш

Кириш нукталари тасвири ҳамда шаклланиши имкон қадар стандартлаштирилиши керак. Бу ўз ўрнида бир хилликни таъминлайди ва библиографик ҳамда нуфузли таснифлар алмашинувини енгиллаштиради.

Интеграциялаш

Барча турдаги материаллар тасвири ва объектларнинг назорат қилинадиган ном шакллари иложи борица умумий қоидаларга асосланиши керак.

Каталоглаштириш қоидалари ихтиёрий эмас, асосланган бўлиши керак.

Тўғри, баъзида шароитдан келиб чиққан ҳолда чекинишлар бўлиши мумкин, шунда шароит тақозосига қарор қабул қилинади.

2– боб. Электрон каталог

2.1. Электрон каталоглар

Ахборот технологияларининг ривожланиши ва кенг қўлланилиши замонавий ҳаётнинг барча жабҳаларида; жумладан, иқтисодиёт соҳаси, давлат бошқаруви, фан ва таълим соҳаларига тубдан таъсир кўрсатмоқда. Ахборот ва билим савияси асосий аҳамиятга эга бўлган жамиятда “ахборотлашган жамият” атамаси вужудга келди. Ахборот ва билим муайян иқтисодий фактор, шунингдек, муҳим миллий ресурс ҳисобланади. Миллий ахборот ресурсларини сақлаш, унинг ривожлантириш ва унумли фойдаланиш давлат аҳамиятидаги масаладир. Миллий ахборот ресурсларини 2та таркибий: анъанавий (қўлёзма ва нашр материаллари, рассомлик санъати, ҳайкалтарошлик, архитектура, аудиоёзувлар, фотосуратлар, кино ва видеофильмлар ва ҳ.к.) ва электрон (турли ахборот объектларининг рақамли тури) шаклига ажратиш мумкин. Булар орасидаги фарқ нафақат ахборотни ифода этиш, балки уни сақлаш, тарқатиш ва модификациялаш (кўринишини ўзгартириш)дадир.

Анъанавий турдаги қўлёзма, нашр ва бошқа турдаги ҳужжатларни сақлаш ва ундан фойдаланиш шу соҳа мутахассислари томонидан тадқиқот ва амалий ишлар давомида ўзлаштирилган. Лекин, шубҳасиз, анъанавий шаклда сақланадиган ахборотлар ҳажмини сақлаш, тарқатиш ва қидириш, ҳисобга олиш каби самарали ишларда қийинчиликлар туғдиради. Бу масалаларни ҳал қилиш йўллари замонавий ҳисоблаш техникаси, ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ахборотни электрон шаклга айлантириш билан узвий боғлиқ.

Таъкидланган ахборот ресурсларининг ташкил қилувчилари параллел ривожланаётган бўлса—да, келажакда анъанавий ахборот ташкил қилувчиларининг сезиларли-қисми, сўзсиз, электрон шаклда ифода этилади. Бир томондан охириги ўн йилликда фақат электрон шаклдаги ёки шу шаклда яратилган ахборотлар ҳажми азалдан бор бўлган босма, аудио, видео ва бошқа нашрларга нисбатан кескин ўсди. Россияда (ахборот саноати жабҳасида унчалик тараққий этмаган давлатда) фақат расмий рўйхатга олинган маълумотлар базаларидаги ахборотлар ҳажми Россия давлат кутубхонасида сақланаётган барча ахборот ҳажмларидан ошиб кетади. Давлат статистик қўмитасининг 1996-йилги текширувидан ўтган ташкилотларининг маълумотлар базаларининг умумий сони деярли 800 мингга, шунингдек, 400 мингга яқини хусусий ишлаб чиқарувчилар ташкил этди. Барча маълумот базаларининг умумий ҳажми 15 Тб (мустиқил МБ ларининг ҳажми эса 5 Тб дан ортиқ) дан ортиқни ташкил қилди. Интернет орқали олинган электрон ҳужжатларнинг миқдори 2000–йили 300 млн., 2001–йилнинг охирида бу рақам 3 млрд.га етди. Яндекс маълумотларига кўра 2001–йил июнда 650 Гб га яқин, 2002–йил мартда 1Тб га етган.

Бугунги вақтда электрон шакл ахборотни ишонарли ва ихчам сақлайди, уни сезиларли даражада тез ва кенгроқ тарқатиш, бундан ташқари у билан кўпгина бошқа шаклларда бажариш мумкин бўлмаган ишларни қилиш

мумкин. Шу тарзда ахборотни электрон шаклда бериш, электрон ҳужжатлар яратиш, унинг электрон кўринишини ташкил этиш, турли электрон коллекциялар ва электрон кутубхоналар ташкил этиш расм эмас, балки муҳим эҳтиёжга айланди.

«Электрон каталог» хусусида сўз юритишимиздан олдин, биз юз йиллар аввал пайдо бўлган карточкали каталогларга тўхталишимиз лозим. Боиси анъанавий каталогларнинг нафақат илгари, балки кўпгина кутубхоналаримизда айна дамда ҳам кўмаги катта бўлаяпти. Бироқ ахборот манбалари йилдан-йилга кўпаймоқда ва карточкали каталогдан қидириш мураккаблашмоқда. Шунингдек, замонавий информацион технологияларнинг ривожланиши ҳам ахборотларни каталоглаштириш ва қидиришнинг анча илғор усулларига ўтиш имкониятини беради. Бинобарин, электрон каталоглаштириш кутубхоналарни автоматлаштиришнинг ажралмас қисмидир.

«Электрон каталог» тушунчаси бизга АҚШдан кириб келган. Бундай каталоглар икки кўринишда бўлиши мумкин. Биринчиси «*Online catalog*» деб аталади ва у доимий равишда тўлдирилиб бориладиган библиографик ёзув (БЁ) массивига тўғри йўлни таъминлайди. Бизда эса бундай каталоглар айрим ҳолатларда «вақтнинг реал режимида ишловчи» каталоглар деб аталади. Уни мулоқат ёки интерактив деб аташ ҳар доим ҳам тўғри эмас, чунки унинг бошқа кўриниши масалан, СД ёки дискеталарда «*Offline catalog*» (тармоқдан ўчирилган)да ҳам фойдаланувчининг мулоқатда ишлашига йўл қўйувчи дастури мавжуд бўлиши мумкин.

Чет элларда ОРАС (*Online Public Access Catalog*) аббревиатураси кенг тарқалган бўлиб бу тушунча америка луғатларида қуйидагича талқин этилади. «*An online catalog that is available for use by the general public*» («Оммавий фойдаланиш имконини берувчи реал тартибда ишловчи каталог»). Бундай таъриф тўлиқ равишда «ўқувчилар каталогли» терминига тўғри келади. Шу тарзда америка амалиётида машина ўқий оладиган каталоглар ўқувчиларнинг фойдаланишига таклиф этилганлигига қараб аниқ иккига бўлинади. «*Public access*» олдиндан кутубхона ходими билан мулоқатда бўлиш шарт эмаслигини таъминлайди.

Маълумотлар базаси (МБ) шундай маълумотлар мажмуи ки ўзида мавжуд ахборотларни қайта ишлашни автоматлаштириш имкониятига эга. Маълумотлар базасининг қоғоздаги (карточка) яъни қўлда ишлатиш учун мўлжалланган кўринишни биз картотекалар деб атаймиз. Бу эса «библиографик МБ» тушунчасини беради.

«Картотека» ва «каталог»—турли тушунчалардир. *Каталог* деганда библиография ёзувининг асосий элементи ҳисобланган ҳужжат сақлашнинг шифри, унинг таркиби ва маъносини очиқ берадиган аниқ бир фондга мослиги тушунилади. *Картотека* эса юқоридаги мажбуриятлардан холи бўлиб, уни каталогдан олиш махсус қоида билан чегараланган.

Буларнинг барчаси қандай бошланган эди. 1964–йил Конгресс кутубхонаси «*Machine-Readable Cataloging*» лойиҳаси барча изланишларини

бошлади. Шу тарзда бутун дунёга таниш булган *MARC* аббревиатураси ҳосил бўлади. Бир йилдан сўнг машина томонидан ўқиладиган ёзув формати пайдо бўлади.

1965–1968–йилларда эса *MARC2* лойиҳаси амалда қўлланила бошланди. 1968–йилдан *MARC2* формати билан ишлаш йўлга қўйилди ва унинг биринчи босқичида инглиз тилидаги китоблар каталоглаштирилди. Кейинчалик эса библиографик ёзувлар формати архивланган дастурлар, аудиовизуал материаллар компьютер файллари, филмлар ва ҳ.к.лар учун ишлаб чиқилди. Библиографик ёзувларни ўнлаб тилларда киритиш мумкин.

MARC кўпгина давлатларда тез тарқалди. У даврга бориб Конгресс кутубхонасида унинг навбатдаги таҳрири тайёрланган ва бунгача бир нечта версиялари мавжуд эди. АҚШда қайта ишланган *MARC*ни *USMARC* деб номлашга келишилди (аслида у *MARC3* эди). Бу тўхтамга келиш айрим англашилмовчиликларни келтириб чиқарди. Миллий стандартларнинг айрим қисмлари *USMARC* асосида ишлаб чиқилад бошланди, лекин уларнинг аббревиатуралари бу фактни намоиш эта олмадилар. Форматнинг охириги таҳрири оригинал ном олди, у *MARC21* эди.

MARC форматининг пайдо бўлиши аввалом бор АҚШ кутубхоналарида Online каталогларини ҳосил қилишга олиб келди, улар тез ва деярли ҳамма ерда, жумладан Конгресс кутубхонаси ёки НҲЮ-ЙОРКнинг катта китоб сақлаш жойларида ҳам қўлланила бошлади.

Мулоқатда ЭКлар билан ишлаш хусусиятлари

Дастлабки ахборотлар сирасига қуйидаги саволларга жавоблар киритилган:

- компьютер қандай қўйилади;
- мулоқат учун тил қандай танланади;
- ўз ҳатосини тўғирлаш қандай амалга оширилади;
- жавоб учун қанча вақт берилади ва қандай узайтирилади;
- ўқувчининг ўқувчилик билети номери машина томонидан қандай ҳисобга олинади ва акс ҳолда ўзи ҳақидаги маълумот қандай киритилади.

ЭКлар фақатгина қидирувчи функция бўлиб қолмай балки *Circulation* модуль ишини ҳам таъминлайди. Бу маълумотлар фойдаланувчи учун анъанавий бўлган шаклда, масалан, монитор ёнида жойлашган кичик кўрсатма кўринишда таклиф этилса мақсадга мувофиқ бўлади. АҚШда бундай мулоқатларнинг умумий кўриниши ишлаб чиқилган эди. Бу эса ҳисоблаш техникасининг натижавийлигини оширади ва фойдаланувчида машинага нисбатан ишонч пайдо бўлади.

1. Мулоқат содда тилда олиб борилиши зарур, масалан, «Ҳа» буйруғи фойдаланувчининг розилигини ифода этади ва «У» тугмаси ёрдамида ҳосил бўлади, ёки «йўқ» буйруғи N тугмаси орқали ифодаланилади ва ҳакоза.

2. Мулоқат маълумотлар киритишнинг иккита турли системаси ёрдамида ҳосил қилинади. Агар фойдаланувчига танлаш имкони берилса у бўлимларнинг (опция) тўлиқ рўйхати билан танишади.

Тўғри хулоса—экранга уларнинг рўйхатини келтириш ва танлаш имкониятини фойдаланувчини ўзига қўйиб бериш.

Айрим ҳолларда фойдаланувчи конкрет маълумот масалан, муаллиф номи ёки асар номи ва ҳақозаларни бериши зарур бўлса, у ҳолда мониторда маскалар бланки ҳосил бўлади.

3. Экранга библиографик ахборотларни чиқаришдан олдин қидириш натижаларидан статистик маълумот бериш зарур. Барча ҳолларда маълумотларни излаш учун, келтирилган ёзувларнинг барчасини кўздан кечириш кўп вақт олади, бундай вазиятда фойдаланувчи томонидан қўшимча ўлчамлар киритилиши лозим.

4. ЭК ўқувчи томонидан талаб қилинган барча хизматларни бажариш керак.

ЭК бу ишнинг қулайлигини таъминловчи техник асбоб ҳисобланади, у ёрдамида фойдаланувчидан анча олисда бўлган ахборотларни ҳам олиши мумкин.

Худди шу вазифалар қўлда бажарилса анча вақт йўқотилиши мумкин.

ЭК ахборотни қайси шаклда беради?

Каталогларни автоматлаштиришнинг бошланишида фойдаланувчи сўровига «*машина*» икки хил кўринишдаги маълумотни беради: биринчиси библиографик ёзувдан ва иккинчиси айтайлик сўралган китобни қайси кутубхона фондидан топиш мумкинлиги ҳақида маълумот.

Америка кутубхоналарининг кўпчилиги картотекалик каталогдан электрон каталогга ўтиш, ахборот бериш форматини ўзгартирилишига олиб келиши шарт эмас деб ҳисоблайдилар. Улар компьютер экранларида оддий корточкалар бирин-кетин пайдо бўлиши керак деган фикрдадилар.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай фикрларни кўпгина ўқувчилар ҳам қўллаб қувватлайдилар. Кам ҳолларда ўзгариш оммавий кутубхоналар системаларда кўринади.

Эндиликда мазкур янги йўналишга ўтиш учун нималар қилишимиз керак? Аввалом бор, электрон каталогдан турли хил қидирув белгилари, яъни калит сўзлар, муаллифлар, предметли, китоб номи, йиллар ва ҳақозалар воситасида ахборотни қидириб топиш, қидирувни муайян муддат оралиғида чегаралаш ва бошқи қулайликларни яратиш зарурлигини таъкидлаш жоиз.

Америка кутубхонасининг ЭК ва «атроф муҳити»

Дастлаб ЭКлар АҚШда 1970–йилларда пайдо бўлади. Лекин фондлар ҳимояси системаларида бу аллақачон тадбиқ қилинган эди. ЭКнинг пайдо бўлишидан олдин рўйхатга олинмаган нашрларни ҳисобга олиш муаммоси ҳал қилинган бирорта кутубхонани учратиш қийин. Биз биламизки, америка «*Electronic collection security*» системаси билан қўлга олиш 1964-йилдан бошланган ва бу жараён бир неча ойни ўз ичига олган. Бу эса кутубхоналарда ёқимли психологик микроиклим яратилишида катта фойда келтирди.

Элементар техник саволларга жавоб топилмагандан кейин электроника билан шуғулланиш шартми деган савол туғилди.

Компьютерларнинг кенг тарқалиши ОРАС билан умуман боғлиқ бўлмаган «circulation»ни киритишга рухсат берди. Бунда китоб фонд ҳисобида ва ўқувчилар ҳам номерланган бўлгандан кейин, компьютер фақатгина шу рақамларни солиштиради ва натижада экранда шу ўқувчи ҳақидаги маълумотлар пайдо бўлади. Бу эса кутубхоналарда учрайдиган турли ноҳушликларнинг олдини олади. Фойдаланувчи ҳақидаги маълумотлар кўп ҳолларда қўлда киритилади.

Кўрсатилган ҳар иккала техник янгилаклар ўзаро боғлиқ.

Қидириш асбоблари

АҚШ оммавий кутубхоналари 19-асрнинг бошларида бори-йўғи битта каталогга эга эдилар. У луғавий (луғатли) деб аталар эди. Америкалик ўқувчилар унга мумкин бўлган барча сўровлар билан мурожаат қилар эдилар (худди энциклопедик луғатлардан фойдалангандай).

АҚШ– назарий ва амалий предметлаштириш ватанидир

Предметлаштириш ва предметли каталогни бошқариш ҳақидаги асар тарихида биринчи бўлиб 1976–йил Америкада Ч.Кеттер томонидан нашр этилган. У асосида 1995–йили «луғатли каталогдан фойдаланиш учун предметли мақалалар рўйхати» нашр этилди. Шундай қилиб бутун дунёга таниш бўлган Конгресс кутубхонасининг предмет рукнлари рўйхати (Library of Congress Subject Heading) дунёга келди. Бу рўйхат жуда улкан ҳажмга эга бўлиб, у «публичек» тармоғи учун катталик қилар эди. Унинг учун 1923–йилда унча катта бўлмаган кутубхоналар учун рўйхатлар ташкил этилди.

Синфлаштириш

Классификация–қандай амалга оширилади? Айнан АҚШ синфлаштириш системасининг ватани ва у замонавий оламда кенг тарқалган синфлашлардан бири ҳисобланмайди.

Умуман олганда АҚШнинг оммавий илмий ва академик кутубхоналарининг очиқлиги ва оммавий бўлиши шартларидан бири эди. Биз ҳозир замонавий университетларнинг кутубхона фондлари очиқ бўлишини тасаввур қилишимиз қийин. Шунинг учун синфлаштириш системалари каталогда эмас балки фонддида иш олиб боришган ва фаннинг ички тармоқ (соҳа) тизулиши бўйича излаш имконини берган.

Ҳозирда адабиётлар ҳақидаги маълумотлар бир марта киритилади, бу шундай маънони берадики, айтайлик битта кутубхонада маълум адабиётлар фонди рўйхати киритилган ва у интернетга қўйилган бўлса бошқа кутубхона фондига унинг киритилиши шарт эмас у тўғридан-тўғри олинаверади. Бу эса библиографик ёзувлардан фойдаланиш хизматини енгиллаштиради.

Кутубхоналарнинг ЭКлари ишини бошқарувчи системалар талайгина билан бир–бирдан фарқ қилади. Масалан унинг номларини келтирамыз:

MARC 21, AACR 2R, LCSH ёки Sears, ДДС. Бундан келиб чиқадики тармоқ каталогидан фойдаланувчиларнинг кутубхонаси доимо зарур адабиётлар каталогли карточкалари билан таъминланган бўлади.

Бу хизматларнинг барчаси муаммолардан ҳоли эмас албатта, ихтиёрий кутубхона шуни қилиши мумкинки, агар адабиёт «*бузун ва ҳозир*» зарур бўлса, уни ҳеч қандай муаммосиз тўғри фонддан ёки карточкали каталогдан топиш мумкин.

Айрим ҳолларда биз «*Дунё ахборот ресурслари*» деган иборани учратамиз. Бу шундай, тармоқ чегарасидаги Библиографик ёзувни унга чиқиш учун OCLC хизматидан фойдаланилади ва у фойдаланувчи (ўқувчи) учун текин, лекин кутубхона учун анча маблағ талаб этади. OCLC каталогда ўз фондларини намоиш этиш учун, унга аъзо бўлиш кифоядир. OCLC фақатгина АҚШ ёки канада учун хизмат қилмайди, агар сиз OCLC нинг Web–сайтини (oclc.org)ни очиб кўрадиган бўлсангиз, унинг 6 тилда ишлаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Ҳозирги кунда OCLC хизматидан 82 давлатнинг 41 мингдан ортиқ кутубхонаси фойдаланилади. OCLC хизмати марказининг бюджети аудиторлар ёрдамида текширилади ва йиллик ҳисоботларда чоп этилади. Йил давомида кутубхоналарга катта миқдордаги пул кредит сифатида берилади. OCLC каталоги авваллари OLUC (Online Union Catalog-Онлайннинг келтирилган каталоги) деб аталар эди, лекин 25 йилдан сўнг у янги World Cat (Бутундунё каталоги) номини олди. 2002–йилда бу каталогда 49млн. атрофида библиографик ёзувлар бор эди. Ҳар 15 секундда янги ёзув киритилади ва бу ҳужжатлар 864 млн нусхада намоиш этилади. Ахборотлар дунёнинг 400 тилида келтирилди. Рус тилида ҳужжатлар инглиз тилига қараганда 30 марта кам намоиш этилган, лекин улар World Catга Америка кутубхоналари томонидан киритилган. Рус кутубхоналари фондларининг OCLC намоиш этилишига бутун дунё тарафдордир.

Назорат учун саволлар

1. Электрон каталог фанининг вазифаси?
2. Электрон каталог тушунчаси нима?
3. Электрон каталог тушунчаси бизга қаердан кириб келган?
4. Электрон каталог ахборотни қайси шаклда беради?
5. OPAC («Online Public Access Catalog») аббревиатураси нима маънони англатади?
6. Нечанчи йили Конгресс кутубхонаси «Machine-Readable Cataloging» лойиҳаси устида иш бошлади?
7. OCLC нинг WEB сайти қандай номланади ва нечта тилда ишлайди?
8. Ҳозирги кунда OCLC нинг хизматидан нечта мамлакат фойдаланилади?

2.2. Электрон каталог тўғрисида қоидалар, ЭКнинг вазифалари, функциялари, таркиби ва юритиш технологияси

Умумий қоидалар

1. Кутубхонанинг электрон каталоги машина ўқий оладиган кутубхона каталоги бўлиб, у реал вақт тартибида ишлайди, кутубхона маълумот-қидирув аппарати–таркибий қисми ва автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимининг марказий звеноси ҳисобланади.

2. Электрон каталог (ЭК) кутубхона фондини ташкил қилувчи босма, аудиовизуал электрон ҳужжатлар таркиби ва мазмунини очиб бериб кутубхонанинг ахборот ресурсларига фойдаланувчиларни эркин кириб боришларини таъминлайди ва кўп аспекти ахборот қидирувини амалга оширишга хизмат қилади.

3. ЭК яратиш тезкорлик билан барча тоифадаги фойдаланувчилар ахборот сўровларини тўлиқ қондириш орқали мутахассислар тайёрлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга йўналтирилгандир.

4. ЭК ўз ичига ягона қоидалар, умумий тамойиллар ва меъёрлар асосида ташкил қилинган библиографик ёзувларни олиб, у ахборотларга бир маротаба ишлов бериб уларни ихчам кўринишида сақлаш ва улардан кўп маротаба фойдаланиш имкониятини яратади.

5. ЭК алфавитли, системали, предметли ва бошқа кўринишдаги каталоглар функцияларини ўзида мужассамлаштирган.

Электрон каталогнинг асосий вазифалари

- Кутубхона фонди таркиби ва мазмунини ҳар тамонлама очиб бериш;
- Кутубхона фондида мавжуд ҳужжатлар ҳақидаги ахборотларни кўп қиррали тезкор қидирувини таъминлаш;
- Кутубхона ресурсларини Интернет тармоғи орқали жаҳон ахборот ресурслари билан интеграциялашувини таъминлаш;
- Ахборотларни ҳимоя қилиш;
- Фойдаланувчиларга ахборотлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш.

ЭК нинг бажарадиган асосий функциялари

- Ҳужжатларга библиографик ишлов беришнинг меъёрий талаблари асосида ҳужжатларни каталоглаштиради;
- Фойдаланувчиларни кутубхона фондига келиб тушаётган янги нашрлар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлайди;
- Фойдаланувчиларни кутубхона фондида сақланаётган ҳужжатлар ҳақидаги библиографик маълумотлар (тавсиф сарлавҳаси, мавзулар бўйича чиқиш маълумотлари, очкич сўзлар, инвентар номери ва бошқа маълумотлар) билан таъминлайди;
- Ҳужжатнинг кутубхонадаги йўли ҳақидаги маълумотлар: унинг фондга келиб тушишидан бошлаб ишлов бериш, китобхонларнинг ундан

фойдаланишлари ва хужжатни фонддан чиқариб ташлашгача бўлган маълумотлар ҳақида ахборот беради;

- Интернет халқаро тармоғи, корпоратив тармоқлари ва локаль тармоқларидан фойдаланган ҳолда кутубхона маълумотлар базасига киришни таъминлайди;

- Ахборотларни ишончли сақлашни таъминлайди: электрон ресурсларнинг резерв нусхалари, ишчи ва суғурта архивларини;

- Кутубхона ахборот ресурслари ҳимоясини таъминлайди, муаллифлик ҳуқуқини ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилади, ахборотларни йўқ бўлишини ва бузилишининг олдини олади;

- Фойдаланувчиларнинг мустақил равишда қидирув ўтказишларига (ахборотлар фазосида навигация хизматлари кўрсатиш ва ўзининг дўстона интерфейси орқали) ёрдам беради.

Электрон каталог таркиби

Кутубхонанинг электрон каталоги, ягона каталог сифатида ёки хужжатларнинг кўринишларига қараб тузилган бир неча маълумотлар базалар; «Китоблар», «Диссертациялар», «Даврий нашрлар», «Норматив хужжатлар» асосида ташкил қилишини мумкин.

Электрон каталогдан фойдаланиш ва юритиш технологияси

Кутубхонанинг электрон каталогини яратиш ва ундан фойдаланиш қуйидаги асосий тамойилларига асосланади:

- ЭК тизимида фойдаланилаётган техника воситалари ва дастурий таминонинг очик ҳарактердалиги;

- Мамлакатимиздаги ва чет эллардаги нашрларнинг библиографик тасвирларни бир маротаба каталоглаштириш ва улардан кўп маротаба фойдаланиш;

- Тизим ички форматида стандарт коммуникатив форматларда фойдаланиш ва библиографик маълумотларни импорт-экспорт қилишга мўлжалланган конвенторнинг мавжудлиги;

- ЭК тизимига телекириш интернет тармоғи, http ва Z39.50 протоколлари ёрдамида бажарилади;

- Библиографик маълумотлар базасида ахборотлар қидириш қуйидаги белгилар: муаллиф (ёки муаллифлар), сарлавҳа, предмет рубрикаси, УДК ва ББК индекси, очкич сўзлар, серия номи, нашр этилган жой, нашр вақти, хужжатнинг сақланаётган жойи ва бошқа бир қатор белгилар асосда бажарилиши мумкин.

Электрон каталог билан ишлаш ўз ичига, каталоглаштиришнинг асосий технологик жараёнларини:

- Хужжатларни каталоглаштириш;

- Кўп аспекти библиографик қидирув, чиқиш формаларини (формуляр, корточка, кўрсаткич ва бошқаларни) шакллантиришни олади;

- Фойдаланувчи, электрон каталогдан олинаётган натижаларни компьютер экранида кўриши, принтерда босиб чиқариши ва дискетга ёзиб олиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. ЭКнинг асосий вазифалари нималар?
2. ЭКнинг асосий функциялари нималардан иборат?
3. ЭКнинг таркиби нима?
4. ЭКдан фойдаланиш қандай ташкил қилинади?
5. ЭКнинг юритиш технологияси нималардан иборат?
6. Электрон каталог нима?

2.3. MARC форматлар ва каталоглаштириш қоидалари. MARC форматларининг келиб чиқиши, ривожланиши ва такомиллашуви

Кутубхона жараёнларини автоматлаштиришда MARC-форматларининг ўрни бекиёсдир. АҚШ Конгресс кутубхонаси томонидан 1960–йиллар охирларида яратилган MARC–форматлар библиографик ахборотларни машина ўқий оладиган ёзув шаклда ифодаладиган стандартдир. Жаҳондаги жуда кўп йирик кутубхоналар бу стандартдан каталоглаштириш ва маълумотларни алмаштиришда фойдаланишмоқда. Бугунги кунда MARC-форматларнинг 50дан ортиқ кўринишлари мавжуд. Булар, миллий хусусиятларни ҳисобга олиб яратилган миллий коммуникатив форматлардир: *USMARC* (АҚШ), *UKMARC* (Буюк Британия), *Яп MARC* (Япония) ва бошқалар. Форматнинг номлари ҳамма вақт ҳам у яратилган мамлакат номига мос тушавермайди. Масалан, *ANNAMARC*-Италияда яратилган формат, Амстердам университети томонидан яратилган форматлар–*UBVUMARC*, *OCLC-MARC*, Франция ва Белгия томонидан яратилган формат *INTERMARC* деб юритилади.

MARC–форматларининг пайдо бўлиши, ўн миллионлаб ёзувларга эга бўлган йиғма электрон каталоглар яратиш учун ҳам жиддий туртки бўлди. Масалан, АҚШдаги OCLC марказида сақланаётган ёзувлар сони 35млн.дан ошиб кетган. Жаҳонда энг кўп тарқалган форматлардан бири бу–*USMARC* дир.

70-йилларнинг охирларида компьютер технологиялари асосида ахборот тармоқларини яратиш авж олди. Натижада библиографик ёзувлар мослигини таъминлаш учун биргаликда ечимлар қабул қилиш эҳтиёжи туғилди. Турли туман форматларнинг кўпайиб кетганлиги, ахборотлар алмаштиришда муаммолар пайдо қила бошлади. Турли ахборот агентликлари (кутубхоналар, ташкилотлар) орасида библиографик ахборотларни алмаштириш имкониятини берувчи «*воситачи-формат*» яратиш эҳтиёжи туғилди. Бу формат ёрдамида жаҳон ҳамжамияти ўзаро ахборот алмаштириш имкониятига эга бўлади.

1977–йили IFLA томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан ҳалқаро универсал коммуникатив формат *UNIMARC* ишлаб чиқилди. Бу ишчи гуруҳ таркибига АҚШ Конгресс кутубхонаси вакиллари ва бошқа давлатлардан мутахассислар киритилган эди. *UNIMARC*–формати махсус мавқега эга бўлиб, унга ўхшаш бошқа MARC–форматлардан фарқи шунда эдики, у MARC–форматлар орасида «воситачи» лик вазифасини бажариши лозим эди. Умуман олганда библиографик ёзувларнинг конвертация муммоси АҚШда ва Англияда MARC– форматларнинг параллел равишда ишлаб чиқилиши билан бошланган эди. Бу соҳада параллел олиб борилаётган тадқиқотлар, америка-англиянинг ҳамкорликда MARC–II лойиҳасини амалга оширишга туртки бўлди. MARC–форматларнинг кўпайиб бориши,

MARC–форматлар оиласига тегишли ихтиёрий форматни бошқа форматга конвертация қилувчи, ягона базавий конвертор яратиш ғоясини туғдирди. Базавий коммуникатив формат сифатида UNIMARC қабул қилинди. Табиийки UNIMARC-формати баъзи бир маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олмайди. Масалан, ўзбек алифбоси кодировкасини. Шунинг учун ҳам библиографик ёзувларни тасвирлашнинг халқаро стандарти UNIMARC асосида миллий хусусиятларни ҳисобга олган миллий коммуникатив формат (UZMARC) яратиш мақсадга мувофиқ. UNIMARCдан ахборот алмаштириш асоси сифатида фойдаланиш, келажакда халқаро ахборот фазосига чиқиш учун имконият яратади. UNIMARCдан асосий ахборот алмаштирувчи сифатида фойдаланиш келажакда халқаро ахборотлар фазосининг бир қисми бўлишга шароит яратади. Ягона ҳудудий электрон кутубхона архитектураси, маълумотларни сақловчи марказ ва лойиҳада қатнашувчиларнинг маълумотлар базасидан фойдаланувчилар орасида ахборотлар алмаштириш учун универсал механизм яратишни кўзда тутди. Бундай механизмнинг асоси сифатида маълумотларни алмаштиришга мўлжалланган халқаро библиографик формат UNIMARCнинг танланиши мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, турли ахборот манбаларини каталоглаштириш муаммосини ҳал қилиш йўли топилди. Бундан ташқари, бундай ёндашув мавжуд ахборотларни шакл алмаштирувчи конверторлар яратиш орқали ҳам мавжуд муаммоларни (ҳозирги пайтда турли ташкилотлар фондларни ҳисобга олишнинг турли технологияларидан фойдаланишмоқда) ҳал қилишга имкон беради.

1980-1990-йилларда UNIMARC ва USMARC форматлари такомиллаштирилди. Мазкур форматларни қўллаш бўйича турли қўлланмалар, йўриқномалар, маълумотномалар ишлаб чиқилди. Форматлар, библиографик ёзувларни тасвирлашдан ташқари, авторитет, классификациялаш ва бошқа типдаги маълумотларни ишлов беришга мўлжалланган қўшимча қўлланмалар билан таъминланди. Жаҳонда кенг тарқалган USMARC формати халқаро ахборот алмашув формати вазифасини бажара бошлади, баъзи бир ҳолларда эса фақатгина халқаро алмашув формати ролинни бажарибгина қолмай, балки баъзи ташкилотларнинг ички алмашув формати ролини ҳам бажара бошлади.

АҚШда библиографик, авторитет, классификациялаш, фонд ҳақидаги маълумотлар ва жамиятга тегишли ахборотларни ифодалаш ва машина ўқий оладиган шаклдаги алмаштириш стандартларининг бешта коммуникатив формати мавжуд.

USMARC Format for Bibliographic Data (Библиографик маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Authority Data (Авторитет маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Classification Data (Классификация типдаги маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Holdings Data (фонд тўғрисидаги маълумотлар учун USMARC формати);

USMARC Format for Community Information (Жамиятга тегишли маълумотлар учун USMARC формати);

Жаҳон тажрибаси, Коммуникатив формат ва Каталоглаштирувчи формат орасида фарқ борлигини кўрсатмоқда. Масалан, Франция Миллий кутубхонаси *INTERMARC* форматида каталоглаштиради, *UNIMARC* форматида библиографик ахборотларни алмаштиради. Худди шундай ҳолат Италияда: *ANNAMARC* ва *UNIMARC*, Германияда: *MAB* ва *UNIMARC*, Финландияда: *FINMARC* ва *UNIMARC* ва бошқа давлатларда кузатилмоқда. Аммо бундай ҳолат ҳамма жойда ҳам ўринли эмас, масалан, АҚШдаги библиографиялаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ёзувларни *USMARC* форматида каталоглаштирадилар ва алмаштирадилар. Бошқа томондан қараганда, бундай фарқ мавжуд бўлган мамлакатларда ягона формат асосида ишлашга интилиш сезилади. Масалан, юқорида биз мисол сифатида келтириб ўтган Франция ва Италияда ҳам *UNIMARC*дан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Хусусан Италия *UNIMARC* асосида ўз миллий форматини яратган *UNIMARC (BNI UNIMARC)* бўлсада, ягона формат сифатида, каталоглаштирувчи формат, масалан, *USMARC*, ёки коммуникатив формат *UNIMARC* олиниши мумкин.

Биринчи ҳолда, ёзувларни алмаштиришни ташкил қилиш, қатнашчилардан, каталоглаштиришнинг ягона қоидаларига бўйсунитиш талаб қилади, иккинчи ҳолда эса, коммуникатив форматда каталоглаштириш мумкинми? деган саволга жавоб берилиши лозим бўлади.

Юқорида айтилганларидан, формат–прототипини танлаш учун қуйидаги мулоҳазалар келиб чиқади:

Ихтиёрий форматни прототип сифатида танлаш бу мазкур формат асос бўлган каталоглаштириш қоидалари бажарилишини талаб қилади. Агар прототип сифатида, *USMARC* танланса, (адаптация қилинмаган ҳолда) англо–америка каталоглаштириш қоидаларидан (*AACR*) фойдаланишга мажбур бўламиз.

Агарда, *USMARC* форматини ўз каталоглаштириш қоидаларимизга мослаштирсак, бундай ҳолда биз соф миллий форматимизга эга бўламизки, халқаро коммуникатив формат масаласи очиқ қолади.

UNIMARC халқаро коммуникатив формати, *ISBD* халқаро каталоглаштириш қоидалари асосида яратилган бу эса ўз навбатида коммуникатив форматда, мамлакатимизда қабул қилинган библиографик тасвирларни тузишнинг ягона қоидалари асосида каталоглаштириш имкониятини беришга ишонч уйғотади.

Коммуникатив формат бу–бирор бир мамлакатдаги библиографиялаш билан шуғулланувчи йирик ташкилотлар томонидан қабул қилинган ва библиографик ахборотларни алмаштиришга мўлжалланган ва айти пайтда Миллий библиографияни тузишда кооперациялашга мўлжалланган форматдир.

Каталоглаштириш формати—маълумотлар базасида библиографик ёзувларни ички тасвирлашга мўлжалланган бошланғич форматдир.

Каталоглаштиришнинг Миллий Формати бу—библиографик маълумотлар базасини тўлдириш учун форматда амалга оширилган тавсиялар бўлиб, у, Информация, кутубхоначилик ва нашриёт иши бўйича стандартлар тизими (СИБИД) стандартларига, библиографик тасвирлар тузишнинг ягона қоидаларига ва Миллий коммуникатив форматга мос келади.

Каталоглаштиришнинг Миллий формати мамлакатимиз кутубхоналаридаги маълумотларни тасвирлашнинг бошланғич ички формати сифатида қабул қилиниши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз MARC форматига эга эмас. MARC формати Республикада кутубхоначилар тайёрловчи ягона факультетда ҳам тўлиқ ўрганилмайди. Республика кутубхоначиларининг жуда кўпчилиги MARC форматлар ҳақида аниқ бир тасаввурга ҳам эга эмас. Бунинг сабаби кутубхоналаримизга ахборот технологияларини тадбиқ қилишнинг ниҳоятда сустлигидадир. Юқридагилардан келиб чиқадики: Республика кутубхоналарнинг халқаро ахборотлар фазосига чиқиши учун, яна ҳам аниқроқ айтидиган бўлсак, жаҳондаги етакчи илм ўчоқларидаги билимлар хазинасидан баҳраманд бўлишни хоҳласак, илғор техника–технология тўғрисидаги энг сўнгги маълумотларга тезлик билан эга бўлишни хоҳласак ва айни пайтда Ўзбекистонлик олимларнинг, мутахассисларнинг яратган илмий ишланмаларини, буюк меросларимизни, кадриятларимизни жаҳон ҳамжамиятига тақдим этишни хоҳласак, Республика кутубхоналаридаги библиографик ёзувларни жаҳон кутубхоналардаги библиографик ёзувларга алмаштириш имкониятини яратувчи миллий (UZMARC) форматини яратишга киришишимиз лозим.

RUSMARC формати яратиш тажрибасидан

Россияда MARC форматлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар, Я.Л. Шрайбергнинг фикрича, 1970–йилларда бошланиб уч босқичда давом этган. Биринчи босқичда, библиографик ёзувларнинг ягона форматини яратиш автоматлаштирилган кутубхона–ахборот тизимларининг технологик асоси сифатидаги имкониятлари ўрганилган. Иккинчи босқичда, тадқиқот натижалари ГПТНБ ва бошқа кутубхоналарда тажриба тариқасида синаб кўрилган. Учинчи босқичда кутубхона мутахассислари ҳам коммуникатив формат учун давлат стандартлари ва СЭВ доирасида халқаро форматлар ишлаб чиқишга жалб қилинган.

1970–1972–йилларда ГПНТБ да тузилган 30дан ортиқ кутубхона ва инфор­мацион ташкилотлар мутахассисларни бирлаштирган ишчи гуруҳ томонидан «Коммуникативный формат библиографической записи на магнитной ленте» ва форматни тўлдиришга мўлжалланган «Предмашинный формат библиографической записи» структуралари учун ГОСТлар лойиҳалари тайёрланди. Коммуникатив форматдаги ёзув структураси тасвири, ISO2709 халқаро стандартга мос эди. Машина олди форматини

тўлдириш маълумотлар элементларини аниқлаш ва уларни уч белгили кодлаштириш даражасига келтирилди. Коммуникатив форматни тўлдирувчисини ишлаб чиқишда чет эл тажрибалари, хусусан, MARC форматлари оиласига кирувчи USMARC формати ўрганилди.

1990–йилдан бошлаб Россия бозорида автоматлаштирилган кутубхона–ахборот тизимларининг пайдо бўлиши (АИБС «МАРК»–НПО Информсистема ва «Библиотека»–(МДУ–илмий кутубхонаси маҳсулоти) билан USMARC формати Россияда тадбиқ қилина бошланди. Форматларни ўрганиш ва тадқиқот қилиш аввал ҳам бўлган аммо, уларни реал тадбиқ қилиш юқорида келтирилган автоматлаштирилган кутубхона–ахборот тизимларининг яратилиши билан бағлиқ.

Ишлаб чиқилаётган форматлар ҳалқаро стандартлар ва Россиядаги стандартлар ва қоидаларга мос келиши лозим. Бундай талабларнинг бажарилишига, USMARC и UNIMARC форматлари жавоб бериши маълум бўлди. Таҳлиллар натижасида UNIMARC формати Россия миллий форматини яратиш учун асос қилиб олинди. Уч йил давомида Россиянинг 17та кутубхонасидан таклиф қилинган 52та мутахассис иштирокида қуйидаги форматлар ишлаб чиқилди;

«Россиянинг библиографик ёзувларни тасвирловчи коммуникатив формати. Китоблар ва серияли нашрлар»;

«Россиянинг авторитет/норматив ёзувларни тасвирловчи коммуникатив формати» (UNIMARC/Authorities нинг Россия варианты)».

Бу форматлар IFLA нинг UNIMARC бўйича Доимий қумитаси томонидан UNIMARCнинг миллий формати сифатида тан олинди ва унга RUSMarc ҳалқаро коди берилди. RUSMarc формати бу код билан Z39.50 протоколи бўйича ҳам қўмитадан рўйхатдан ўтган. Демак, RUSMarc формати Z39.50 протоколи билан ишловчи барча тизимларда ишлай олади.

Нашр қилинган форматлар Россиянинг 500та кутубхонасига тарқатилди ва мазкур форматларни ўрганиш бўйича семинарлар тизими ташкил қилинди.

Маданият Университети Кутубхоначилик факультети ўқитувчиларини RUSMarc формати билан ишлашга ўргатиш мақсадида қўшимча дастур яратиш режалаштирилди.

RUSMarc формати бўйича каталоглаштиришни кўрсатувчи «Российский формат машиночитаемой каталогизации» - ҳужжатни нашрга тайёрланди ва нашр этилди.

RUSMarcга киритилаётган барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар (<http://www.rba.ru:8101/rusmarc/>) Россия кутубхоналари ассоциацияси сайтига киритилиб туради.

RUSMarc форматига тегишли UPDATE1 тайёрланди ва фойдаланувчиларга тарқатилди. RUSMarc формати бўйича аналитик тасвирларни тузишга мўлжалланган услубий тавсиялар ишлаб чиқилди ва тарқатилди.

Миллий MARC форматни яратиш тамойиллари

Форматнинг етарлича тўлиқлиги: лойиҳалаштирилаётган библиографик ёзувларнинг машина ўқий оладиган формати, ихтиёрий даражадаги кутубхона эҳтиёжларини қондирувчи элементлар мажмуидан иборат бўлиб у алмаштирувчи формат функциясини бажариши лозим. Ўйиға каталогда сақланувчи ёзувларнинг тўлиқлиги кооперациялашган каталоглаштиришни амалга оширувчи ташкилотларнинг муаммосидир. Формат эса ёзувларни максимал тўлиқ таркибда сақланишини таъминлаши лозим;

Формат лойиҳасини босқичма–босқич яратиш: формат қамраб оладиган турли кўринишдаги ҳужжатлар доирасини бирин-кетин кенгайтириб бориш. Аввало барча кутубхоналар учун керак бўлган ҳужжатлар: китоблар, серияли нашрлар, кейинчалик эса диссертациялар, диссертация авторефератлари, нота ҳужжатлари ва товушли ҳужжатларни формат ёрдамида ифодалашга киришилади;

Миллий коммуникатив форматни тўлдириш қоидаларини имкон қадар ISBD каталоглаштириш қоидаларига мос келтириш лозим. Ёзувларда қисқартиришлардан воз кечиш шарти билан;

UNIMARC форматини тўлдиришни, 1994–йилдаги иккинчи таҳрири ва унга 1996–йили ва ундан кейинги киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бажариш;

UNIMARC форматидagi IFLA томонидан тавсия қилинган ва халқаро алмашинувга мўлжалланган библиографик ёзувларни ифодаловчи, мажбурий майдон ва майдонистиларнинг минимал сонига риоя қилиш; Библиографик ёзувларнинг жаҳонда кенг тарқалган формати, UNIMARC таклиф қилаётган, майдонларни тўлдиришнинг мажбурий ва тавсия қилинаётган элементларини ҳисобга олиш. Формат функционал имкониятлари фақат миллий хусусиятлар ҳисобига тўлдирилиши мумкин;

Библиографик ёзувларнинг вертикал (46_) ва горизонтал алоқаларида, (4--) боғланишлар блокидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

Россия ва МХДдаги миллий коммуникатив форматлар яратиш тажрибасини ўрганиш ва бу соҳадаги ютуқлардан унумли фойдаланиш.

MARC21–XXI аср формати

MARC21 Format for Bibliographic Data (1999), ISBN 0-8444-0989-8

Мазкур формат 1965–66–йилларда MARC I номи билан АҚШ Конгресс кутубхонаси томонидан ишлаб чиқилди ва ривожлантирилди. Шунга ўхшаш иш, Англияда, Британия миллий библиография кенгаши томонидан BNB MARC лойиҳаси сифатида бажарилган эди. 1968–йили англия-америка лойиҳаси «стандарт коммуникатив формат MARC II» ишлаб чиқишга киришилди. Миллий библиографик тасвирларни тузиш қоидаларидаги фарқ, MARC форматлари яратишдаги икки йўналишнинг (UKMARC ва USMARC) ҳам сақланиб қолишига асосий сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам 1968–йили нашр қилинган англия–америка каталоглаштириш қоидалари (AACR) АҚШ ва Англияда турлича эди. Ягона каталоглаштириш қоидаларини жорий

килиш мақсадида қилинган ҳаракатлар 1978-йили AACR2нинг нашр қилинишига олиб келди ва у китобларни тасвирлашнинг стандарти сифатида қабул қилинди. 1980-йиллардан бошлаб AACR2 инглиз тилида сўзлашмайдиган бир қатор мамлакатларда каталоглаштириш қоидаси сифатида қабул қилинди ва қўлланила бошланди. Форматлар яратиш бўйича 1970–йилдан бошланган эволюция MARC оиласига мансуб форматларнинг 50дан ортиғини яратилишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида библиографик ёзувларни тўғридан-тўғри алмаштириш имкониятини чеклади, алмаштирилаётган ёзувларни таҳрир қилиш зарурати туғилди. Бундай муаммони ҳал қилиш мақсадида халқаро UNIMARC формати яратишга киришилди. Дастлаб у монография ва серияли нашрларни тасвирлашга мўлжалланган эди, 1987–йилдан бошлаб эса бошқа типдаги нашрларга ҳам тадбиқ қилина бошланди. Мазкур формат UNIMARC нинг доимий кумитаси томонидан қўллаб қувватланади ва ривожлантирилади. 1999-йили USMARC формати CAN/MARC ва USMARC нинг синтези бўлмиш **MARC21**, спецификаси билан алмаштирилди. У ўз ичига **Format for Bibliographic Data**, **Format of Authority Data**, **Format of Classification Data**, **Format of Community Information** ва **Format of Holdings Data** форматларини олди. MARC21 (**MARCXML**) ёзувларини бошқаришга мўлжалланган XML–схема 2002–йили эълон қилинди.

Metadata Object Description Schema (MODS) муқобил схемаси MARC майдонларининг майдоностиларини XML воситалари ёрдамида норақамли, яъни матнлар теглари ёрдамида ифодалашни таъминлайди.

MARC21дан фойдаланиш

MARC21 библиографик маълумотларни алмаштиришга мўлжалланган стандарт сифатида тан олинган ва Европадаги кутубхона тизимларининг 69%да қўлланилмоқда. Афсуски турли мамлакатларда қўлланилаётган мазкур форматда оз бўлсада фарқлар мавжуд. USMARC асосидаги OCLC нинг маълумотлар базаси 30миллиондан ортиқ библиографик ёзувларга эга бўлиб, улар 400тилда ёзилган, улардан 61дан ортиқ мамлакатнинг 20000дан ортиқ кутубхонаси фойдаланади. Маълумотлар базаси бир қатор йирик кутубхоналар томонидан шакллантирилиб, тўлдирилиб борилади, базага ҳар ҳафтада 34000дан ортиқ ёзувлар қўшиб борилади.

2000–йилда ўтказилган махсус тадқиқотлар натижаси Британия кутубхонасини MARC21 форматини тадбиқ қилиш ҳақида қарор қабул қилишга сабаб бўлди. UNIMARC формати Европа иттифоқига аъзо бир қатор мамлакат кутубхоналари учун библиографик ёзувларни алмаштириш формати сифатида қабул қилинди. Шунингдек у Европа тадқиқотлар кутубхоналари консорциуми маълумотлар базасининг формати сифатида ҳам қабул қилинган бўлиб, ARCHVIEW, CHIOS, COVAX, SANDALYA лойиҳаларида ҳам фойдаланилмоқда. Мазкур форматлар билан боғлиқ тадқиқотлар, **CoBRA-CHASE** **CoBRA-UNIMARC** ва **USEMARCON** лойиҳаларида келтирилган.

UNIMARC формати. *UNIMARC форматини яратишдан мақсад*

70-йиллардан бошлаб MARC форматлар оиласига мансуб форматлар сони 20тадан ошиб кетди. Бу форматларнинг хилма-хиллиги улар таркибидаги маълумотларнинг бир-биридан фарқ қилиши ва уларни алмаштиришдан олдин таҳрир қилиш заруратини туғдирди. Форматлар орасидаги бундай номутаносибликка барҳам бериш мақсадида халқаро MARC (UNIMARC) формат ишлаб чиқишга киришилди. Мазкур формат ёрдамида ихтиёрий форматдаги библиографик ёзувни қабул қилиш ва узатиш имконияти яратишга ҳаракат қилинди. Бирор бир миллий форматда яратилган библиографик ёзувлар MARC (UNIMARC) форматга конвертация қилинади, сўнгра бу ёзувлар бошқа бир ихтиёрий миллий форматга махсус дастур асосида конвертация қилинади. Демак, MARC (UNIMARC) формати бир миллий форматдаги ёзувларни бошқа бир миллий форматда ўқилишини таъминлаш мақсадида яратилган. Шундай қилиб бирор бир миллий форматда яратилган библиографик ёзувларни бошқа бир миллий форматда ўқиш учун у дастлаб UNIMARC форматига конвертация қилинади, сўнгра UNIMARC форматидан ихтиёрий миллий форматга конвертация қилинади. Бу эса ўз навбатида турли форматлардан библиографик маълумотларни ўқиш учун турлича форматлар яратишга чек қўяди. Демак, ҳар бир миллий хизмат фақат икки дастур тузиш орқали (бир дастур миллий форматдан UNIMARCга конвертация қилса, иккинчи дастур UNIMARCдан миллий форматга конвертация қилишни бажаради) библиографик ёзувларни конвертация қилиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, UNIMARC форматини яратишдан асосий мақсад: машина ўқий оладиган шаклдаги маълумотларни миллий библиографик хизматлар орасидаги халқаро алмашинувига кўмаклашиш, библиографик бирликлар тасвирини содда ва қулай шаклда тузиш, уларни қидириш ва назорат қилиш самарасини ошириш.

UNIMARC форматининг USMARC форматидан фарқи

USMARC формати учун ўринли бўлган бир қатор тушунчалар (майдон, метка, индикатор, маркер, маълумотнома ва бошқа тушунчалар) UNIMARC форматидан ҳам қўлланилади. Шунинг учун ҳам UNIMARC форматидан қўлланиладиган асосий тушунчалар ва таърифларни батафсил келтирмаймиз. Бу икки форматнинг фарқ қиладиган жиҳатларига тўхталамиз.

UNIMARC ва USMARC форматлари орасидаги асосий фарқ: майдонлар, майдонистилар, индикаторлар ва бошқаларнинг мос келмаслиги (аниқроқ айтганда майдон, майдонистил ва индикаторлар меткаларининг мос келмаслиги). UNIMARC форматидан майдонлар сони USMARC форматидан майдонлар сонига тенг эмас. UNIMARCда майдонлар сони USMARCдаги майдонлар сонидан кўп. Бу ерда гап шундаки UNIMARC формати USMARCга қараганда кейинроқ яратилган ва шунинг учун ҳам бу форматда майдонлар сони кўпроқ. UNIMARC ва USMARC орасидаги кейинги фарқлар кичикроқ бўлиб улар юқоридагилардан келиб чиқади ва асосан UNIMARC форматининг USMARC форматига қараганда «ёшроқ» (масалан, майдондаги майдонистилар сони, майдон узунлиги,

индикаторларни белгилашни турлича эканлигида) эканлиги билан боғлиқдир.

MARC форматларини яратишда ишлатиладиган асосий тушунчалар ва таърифлар

Сарлавҳа: Муаллиф ёки ношир томонидан, ҳужжатни идентификация қилиш ва қидиришга мўлжалланиб ўрнатилган ёки тасдиқланган (сўз, жумла, ҳарф ёки сўз, жумла ёки ҳарфлар гуруҳи) ном.

Асосий сарлавҳа: Титул варақасида биринчи бўлиб жойлаштирилган ёки полиграфик усул билан ажратиб кўрсатилган сарлавҳа.

Алтернатив сарлавҳа: Ҳужжатнинг иккинчи сарлавҳаси бўлиб, биринчи сарлавҳа ёки унинг эквиваленти билан «ёки» боғловчиси орқали боғланган ва асосий сарлавҳанинг қисми ҳисобланади;

Параллел сарлавҳа: Ҳужжатнинг бошқа тилдаги ёки асосий сарлавҳа графикасидан бошқа графикада ёзилган асосий сарлавҳа;

Сарлавҳага тегишли маълумот: Асосий сарлавҳани очиб берувчи, тушунтирувчи, ҳужжат характери ва уни йўналишини кўрсатувчи маълумот.

Жавобгарлик ҳақида маълумот: Асар яратишда ҳисса қўшган ва унинг мазмуни, нашр этилишига жавобгар бўлган шахслар ва (ёки) ташкилотлар ҳақида маълумот;

Маълумотларни конвертация қилиш: Такдим қилинаётган маълумотларни, маълум бир қоидалар асосида, улардаги мазмунни сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш;

Ахборот (маълумот) ташувчи: Ахборотларни (маълумотларни) ҳисобга олувчи, сақловчи ва узатувчи восита;

Ахборотларни кодлаштириш: Маълумотларни такдим қилиш ва (ёки) шакл ўзгартириш жараёни;

Формат: Ахборот ташувчида маълумотларни такдим қилиш ва жойлаштириш усули;

Ёзув: ёзув маркери, маълумотнома ва маълумотлар майдонини ўз ичига олувчи майдонлар мажмуи.

Илова: Агарда библиографик мақсадларда керак бўлса, алоҳида ёзувлар орасида алоқа ўрнатиш мумкин ва ёзувларни ёзувостиларга ажратиш мумкин.

Ёзувостиларга ажратиш: мазкур ёзув тузилишини аниқ бир алмашув форматида қўллаш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатлар асосида бажарилади;

Майдон: Ўзгарувчан узунликка эга бўлган ёзув қисми бўлиб, маълум бир категориядаги маълумотларга мўлжалланган, у маълумотномадан кейин келади ва унинг бирор-бир мақоласи билан боғлангандир.

Илова: Майдон бир ёки бир неча майдоностиларга эга бўлиши мумкин; **Идентификатор (майдоности):** Бир ёки бир неча белгидан иборат бўлган маълумот элементи. У бевосита майдоностидан олдин келади ва уни идентификация қилади.

Индикатор: маълумотларнинг биринчи элементи, агар мавжуд бўлса, қандайдир маълумотлар майдони билан боғлиқ ва майдон мазмуни, мазкур майдон ва ёзувдаги бошқа майдонлар орасидаги боғланиш ҳақида ёки маълумотларга аниқ бир ишлов беришда керак бўладиган операциялар ҳақида қўшимча ахборот беради;

Маълумотнома: Ёзувдаги маълумотлар жойлашган жойни кўрсатувчи кўрсаткич;

Ёзув маркери: Ҳар бир ёзув бошида жойлашадиган майдон бўлиб, унга ишлов берувчи параметрларни сақлайди.

Маълумотнома режаси: Маълумотномадаги мақолалар таркибини аниқловчи параметрлар мажмуидир;

Майдонни ажратувчи: Маълумотларни шартли равишда, мантиқий ва баъзи бир ҳолларда иерархик маънода, гуруҳларга ажратишга мўлжалланган бошқарувчи белги;

Майдоности: Маълум бир бирлик ахборотни сақловчи, майдон қисми;

Ёзувости: Яхлит ёзув сифатида қабул қилинадиган, бир ёзув доирасидаги майдонлар гуруҳи;

Структура: Ёзувни ташкил этувчи компонентларнинг жойлашиш схемаси;

Майдон меткаси: майдон билан боғлиқ ва майдонни идентификация қилишда ишлатиладиган уч белги.

Бир томли ва кўп томли нашрлар—китобларни библиографик ёзувларини машина ўқий оладиган шаклда ифодалаш

Умумий қоидалар

Коммуникатив форматдаги ҳар бир ёзув ўз ичига ёзув маркерини, маълумотномани ва ўзгарувчан узунликдаги маълумотлар майдонини олади. Ёзув охирида ёзувни ажратувчи белги келтирилади. Ёзув маркери 24 белгидан иборат. У ёзув структурасига оид маълумотлардан иборат бўлиб, унинг таърифи ISO 2709 стандартида кўрсатилган.

Ёзув маркеридан сўнг маълумотнома келади, у автоматик равишда шаклланади. Маълумотнома, ҳар бир маълумот майдони, майдон узунлиги ва ёзув ичидаги бошланғич белги позицияси учун уч белгили меткадан иборат. У ҳақидаги ахборот UNIMARC MANUALда келтирилган.

Маълумотлар майдони уч белгили метка билан идентификация қилинади. 001 майдонидан ташқари ҳар бир майдон икки индикатордан ва ундан кейин келувчи ихтиёрий сондаги майдоноснилардан тузилган бўлиб, уларнинг ҳар бири майдоносниларни ажратувчилар ва майдоноснининг ҳарфли бир белгили идентификаторидан иборатдир. Майдоности идентификаторидан кейин кодлаштирилган ёки библиографик ёзувларнинг матнли маълумотлари келади.

UNIMARC машина ўқий оладиган форматдаги майдон ва майдоносниларни ажратувчилар ISO646 стандартига мос ҳолда келтирилади. UNIMARC MANUALда келтирилган мисолларда улар \$, #, % белгилар билан белгиланган. Машина ўқий оладиган формада \$ белгиси IS1 кодига

(майдонности идентификатор белгиси), # белгиси IS2 кодига (майдон охири белгиси), % белгиси IS3 кодига (ёзув охири белгиси) мос келади. Мазкур ажратувчилар магнитли ташувчиларда «раскодировка» бўлганда улар маълум бир график кўринишдаги белгилар сифатида тасвирланади (қаранг, UNIMARC MANUAL J6-жадвал, 295 бет). Индикаторларда қўлланиладиган пробеллар «_» белги билан белгиланган. UNIMARCда ишлатиладиган тўлдирувчи-белги, маълумотларнинг элементлари ҳақида маълумот бўлмаганда «|» (вертикал чизик) график белги билан белгиланади.

Саралашда қатнашмайдиган белгилар (артикллар, формулалар, рақамли белгилар) икки томондан ҳарфли кодлар билан ажратилади.

Назорат учун саволлар

1. MARC форматлар яратиш тарихи нималардан иборат?
2. UNIMARC форматининг яратилаш тарихи қандай?
3. Воситачилик вазифасини бажарувчи формат қайси ва бунга сабаб нима?
4. RUSMARC формат яратилиш тарихи қандай?
5. Миллий MARC форматини яратиш тамойиллари қайсилар?
6. MARC форматдаги таърифлар ва асосий тушунчалар нималар?
7. MARC формат ҳақидаги умумий қоидалар қандай?
8. MARC форматдаги майдонлар рўйхати ва ёзув макери нима?

2.4. ИРБИС тизимидаги электрон каталог

ИРБИС–Интегрированная расширяемая библиотечно-информационная система) Интеграл кенгайувчи кутубхона–ахборот тизими.

Ишланма муаллифи: Государственная публичная научно-техническая библиотека России. Россиянинг оммавий илмий–техникавий давлат кутубхонаси.

ИРБИС тизими замонавий кутубхоналарга қўйиладиган барча халқаро талабларга жавоб берадиган ва айни пайтда кутубхоначилик ишининг кўпқиррали анъаналарини ҳисобга олувчи асосий кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган тизимдир.

Тизимнинг асосий характеристикаси:

- Ихтиёрий типдаги локаль ҳисоблаш тармоғида ишлайди ва ундан фойдаланувчилар сони чекланмаган;

- Корпоратив кутубхона тизимларига ва технологияларига қуйидаги асосда тўлиқ интеграллашади;

- Web-технологиялари ва Z39.50 протоколи асосида ишлай олади;

- Халқаро форматлар UNIMARC, USMARC ва RUSMARC билан мос ҳолда ишлай олади;

- Электрон каталог таркибидаги ихтиёрий сондаги маълумотлар базаси билан ишлай олади;

- Луғатларни автоматик равишда шакллантирувчи технология ва у асосида библиографик тасвир элементлари бўйича тезлик билан қидирувни амалга ошириш;

- Авторитет файлларни юритиш ва фойдаланиш воситалари, УДК ва ББК ларга алфавит-предметли кўрсаткичлар ва Тезауруслар;

- Анъанавий қоғоз технологияларини ҳам бажара олиш: буюртмалар варақасини босиб чиқаришдан бошлаб, то каталог карточкаларининг барча турларини босиб чиқаришгача;

- Китоб экземплярларидаги ва китобхон гувоҳномаларидаги штрих-кодлардан фойдаланиш технологиясининг мавжудлиги;

- Тўлиқ матнлар, график маълумотлар ва ташқи объектлар (Интернет ресурслари ҳам бўнга киради) билан ишлай олиш имкониятлари; Фойдаланувчининг интерфейсини бошқа тилларга таржима қилиш воситаларининг мавжудлиги;

- Фойдаланувчи интерфейсининг қулай ва кўргазмалилигини таъминловчи, киритишни соддалаштирувчи, ҳатоликларни бартараф қилувчи ва ахборотларни такрор киритишга йўл қўймайдиган воситаларнинг мавжудлиги;

- Аниқ бир кутубхонага мослаб қўллаш имкониятларининг мавжудлиги;

Тизимнинг очиклиги: мустақил равишда кириш ва чиқиш шакллари ўзгартириш ва асл иловалар яратиш имкониятларининг мавжудлиги.

Тизимда кутубхона технологияларининг барча турлари амалга оширилган: фондни бутлаш, системалаштириш, каталоглаштириш, китобхон кидируви, китоб бериш ва бошқалар. Тизим ўз ичига 5та автоматлаштирилган иш жойини олади: «Бутловчи» (Комплектатор), «Каталоглаштирувчи» (Каталогизатор), «Китобхон» (Читатель), «Китоб таркатувчи» (Книговыдача), «Маъмур» (Администратор).

«Бутловчи» (Комплектатор)нинг АИЖ

Китоблар ва бошқа нодаврий нашрларга буюртма беришни расмийлаштириш ва дастлабки тасвирлаш;

Бажарилган буюртмаларни кузатиб бориш, бажарилмаган ва тўлиқ бажарилмаган буюртмаларни назорат қилиш;

Йиғма ҳисобга олиш Китобига (КСУ книга суммарниги учёта) киритиш мақсадида кутубхонага тушувчи китобларни рўйхатга олиш;

Олинган китоблар тасвирларини автоматлаштирилган тарзда Электрон каталогнинг маълумотлар базасига жўнатиш;

Электрон каталог базасини қўшимча тўлдирилган китоблар тавсифи ҳақидаги маълумотлар билан автоматлаштирилган равишда тўлдириб бориш имконияти;

Кутубхона бўлимлари учун даврий нашрларга обуна бўлиш (абонемент карточкалари ва буюртмалар варақалари);

Обуна бўлинган нашрнинг биринчи сони олингандан сўнг даврий нашр тасвирини Электрон каталог базасига жўнатиш ва кейингилари олингандан сўнг уларнинг тасвирларини «Каталоглаштирувчи» АИЖга ҳисобга олиш учун жўнатиш;

Нашрларга аввалги обуна маълумотларини сақлаган ҳолда навбатдаги обунани автоматик равишда бажариш;

Фонддан чиқарилаётган ва бошқа бўлимга ўтказилаётган адабиётларни рўйхатдан ўчириш;

Чиқиш формаларининг турли шакллари: Инвентар рўйхатлар, КСУ варақлари (1,2,3 бўлимлар), тушаётган китоблар ҳақидаги якуний хужжатлар, адабиётларни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги далолатномалар ва бошқалар.

«Каталоглаштирувчи» (Каталогизатор)нинг АИЖ

Турли кўринишдаги нашрларга, ноанъанавий нашрлар-аудио ва виеоматериаллар, компьютер файллари, дастурлар, картографик материаллар, ноталар ва бошқаларга ишлов бериш ва тасвирлаш;

Даврий нашрларни (газета ва журналлар) тасвирлашнинг оригинал технологиясининг мавжудлиги бу бир томондан нашрни йиғма яхлит равишда тасвирлаш имкониятини берса, иккинчи томондан, нашр алоҳида номерини тасвирлаш имкониятини берадики, натижада ундаги мақолалар тўғрисида маълумот олиш мумкин;

Нашрларга автоматлаштирилган ҳолда лингвистик ишлов бериш: (системалаштириш, предметлаштириш), ГПНТБ классификатори ёрдамида

мавзулар бўйича навигация бажариш, УДК ва ББК нинг алфавит-предметли кўрсаткичи бўйича, авторитет файллар ва тезауруслар бўйича;

Ўхшаш ва ўзаро боғлиқ библиографик ёзувларни такрор киритишни бартараф қилувчи, хусусан, кўптомлик нашрларни ишлов беришда ва мақолаларга аналитик ишлов беришда жуда қўл келадиган махсус технологиянинг (маълумотларни кўчириш) мавжудлиги;

Маълумотларни киритишда хатоликларни бартараф қилувчи формал-мантикий назоратнинг алоҳида олинган библиографик ёзувлар даражасида ёки яхлит тасвир даражасида амалга оширилиши;

Электрон каталогга библиографик ёзувларни такрор киритилишини бартараф қилувчи (автоматик равишда «дублет» ёзувларни назорат қилиб боровчи, оригинал технологиянинг мавжудлиги;

Чиқиш формалари: кўрсаткичлар, инвентар рўйхатлар, кутубхонага тўшмаган журналлар ва бошқаларнинг рўйхатлари;

«Маъмур» (Администратор)нинг АИЖ

Маълумотлар базаси устида амаллар бажарувчи ва уни доимо ишга тайёр ҳолда бўлишини таъминловчи мутахассиснинг иш жойи.

«Китоб берувчи» (Книговыдача)нинг АИЖ

Буюртмаларни бажариш ва шакллантириш учун навбатни юритиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Реал вақт давомида тезкорлик билан янгиланиб турадиган ахборотлар; буюртирилган адабиётларнинг мавжудлиги, китобхонга берилган адабиётлар, китобхон ҳақида маълумотлар ва бошқалар;

Китобхон томонидан китобларнинг қайтариб берилганлиги ва китобнинг «бўш» эканлигини ҳисобга олувчи технологиянинг мавжудлиги;

Берилган ва қайтариб олинган адабиётлар ҳақидаги барча маълумотларни китобхоннинг индивидуал карточкасида ҳисобга олиш;

Қарздорлар, қайтариб берилмаган адабиётлар ва берилган китоблар сони ҳақидаги маълумотлар асосида статистика юритиш;

Штирх–код технологияси асосида китоб беришни назорат қилувчи махсус технология мавжудлиги.

«Китобхон» (Читатель)нинг АИЖ

У махсус билимга эга бўлмаган китобхонларга мўлжалланган бўлиб, қулай ва «дўстона» интерфейсга эга.

Фойдаланувчилар тайёргарлик даражасининг турли эканлиги ҳам ҳисобга олинган, яъни бир хил натижага икки йўл билан эришиш мумкин: тажрибаси кам фойдаланувчилар, кетма-кет бажариладиган бир неча операцияларни бажариб эришадиган натижага, тажрибали фойдаланувчилар бир операция бажариш орқали эришишлари мумкин.

Библиографик тасвир барча асосий элементлари ва улар комбинациялари асосида ЭК маълумотлар базасида тезкорлик билан қидирувни таъминловчи, қидирув воситаларининг мавжудлиги.

ЭКни ташкил этувчи бир неча маълумотлар базалари билан ишлаш имконияти.

Буюртмаларни шакллантириш ва хужжатларни беришда қоғозсиз технологиянинг мавжудлиги.

Назорат учун саволлар

1. ИРБИС тизими қайси мамлакатда яратилган?
2. ИРБИС тизими қайси WEB-технология асосида ишлайди?
3. Тизим ўз ичига нечта АИЖларни олади?
4. Каталоглаштирувчининг АИЖнинг вазифаси нима?
5. Китобхоннинг АИЖнинг вазифаси нима?
6. Китоб берувчининг АИЖларининг бажарадиган функциялари нималардан иборат?

2.5.Электрон каталог яратиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони хамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ қилиш, таълим муассасалари, биринчи навбатда олий ўқув юртлари профессор–педагог ходимлари ва талабалари томонидан жаҳондаги фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини янги ахборот технологиялари асосида ўзлаштирилишини тақозо қилмоқда, зеро илғор техника ва технологиялар билан қуролланган мутахассисларгина ижтимоий-иқтисодий, фан ва техника соҳасида катта ютуқларга эриша оладилар. Кундан-кунга кескин суръатларда ортиб бораётган оқимлари орасидан кераклисини топиш тобора қийинлашиб бормоқда. Бундай шароитда кутубхоналарни автоматлаштириш долзарб муаммога айланади.

Олий ўқув юрт (ОЎЮ)ларидаги кутубхоналар таълим тизимида муҳим аҳамият касб этади. Янги ахборот технологияларни кутубхона-библиографик ишларида қўллаш, олий ўқув юртларида таълимнинг ва жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим соҳасидаги маълумотларга тезлик билан эга бўлиш, замонавий билимлар асосида илмий–таълимий жараёнларни юритиш ва шунга ўхшаш бир қатор муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

Кутубхоналарни автоматлаштириш–бу кутубхона фаолиятининг барча кўринишларига замонавий ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари асосидаги ахборот технологияларини қўллаш бўйича олиб бориладиган илмий, лойиҳавий, техник ва ташкилий тадбирларнинг комплексиدير. Бундай ишларнинг бажарилиши натижасида автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлари (АКАТ) яратилади. Кутубхона ходимлари ва китобхонларнинг иш жойларида компьютерлар ёки электрон ҳисоблаш машиналарига уланган терминаллар ўрнатилади, яъни кутубхоначининг, библиографнинг, китобхоннинг, каталоглаштирувчининг, маъмурий бошқарувдаги ходимларнинг автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) яратилди.

Бугун биз сизлар билан Автоматлаштирилган кутубхонанинг таркибий қисми ҳисобланган «Электрон каталог» яратиш борасида суҳбатлашамиз.

ЭК хусусида сўз юритишимиздан олдин, биз юз йиллар аввал пайдо бўлган карточкали каталогларга тўхталишимиз лозим. Боиси анъанавий каталогларнинг нафақат илгари, балки кўпгина кутубхоналаримизда айни дамда ҳам кўмаги катта бўляпти. Бироқ ахборот манбалари йилдан-йилга купаймоқда ва карточкали каталогдан қидириш мураккаблашмоқда. Шунингдек замонавий информацион технологияларнинг ривожланиши ҳам ахборотларни каталоглаштириш ва қидиришнинг анча илғор усулларига ўтиш имкониятини вужудга келтирди.

ЭКга бир неча кўринишда таърифлар бериш мумкин. Масалан,

Таъриф1. ЭК–вақтнинг реал режимида ишлайдиган ва кутубхона китобхонлари ихтиёрига тақдим этилган машина ўқий оладиган кўринишдаги кутубхона каталогидир.(ГОСТ.7.76–96)

Таъриф2. ЭК–кутубхона фондида сақланаётган барча манбаларнинг библиографик ахбороти ёзилган маълумотлар базаси.

Таъриф3. ЭК–машина ўқий оладиган кутубхона каталогидир. («Online catalog» ёки «Offline catalog»).

Таъриф3. ЭК–машина ўқий оладиган кутубхона каталоги бўлиб, у реал вақт режимида ишлайди, кутубхона маълумот қидирув аппарати таркибий қисми ва тизимнинг марказий бугини ҳисобланилади.

Электрон каталог яратишнинг бир неча кўринишдаги вариантларини келтириш мумкин. Қуйида икки хил кўринишдаги варианты келтирилди.

ЭК яратиш этаплари:

1- вариант

- Машина ўқий оладиган библиографик ёзувларнинг мажмуасини ташкил қилиш;

- Самарали қидирув тизимини яратиш;

Қидирувлар натижаси (библиографик рўйхатлар, кўрсаткичлар, талаблар) бўйича чиқиш тартибини (кўринишини) тузиш;

Қидириш ва китобхонларга ҳужжат тарқатиш орасидаги алоқани, қидириш ва кутубхоналараро абонентни йўлга қўйиш;

ЭКни расмийлаштириш ва унинг рекламаси.

2- вариант

- Кутубхона фондида мавжуд китоблар тавсифи–картотекаларни сканер қилиш яъни уларни электрон кўринишини ҳосил қилиш;

- Маълумотлар базасига кутубхона фондида мавжуд китоблар тавсифи–картотекаларни киритиш яъни Ретроконверциялаш;

- Маълумотлар базасига киритилган ёзувларга асосан ахборот-қидирув тизимини яратиш;

- Электрон тасвирдаги маълумотлар учун ҳимояланган, ишонарли сақлагичлар ва фойдаланувчилар эркин кириши учун тизим ташкил этиш.

2.5.1. Электрон каталог яратишнинг техник таъминоти

Техника таъминоти юзасидан айни пайтда Ўзбекистон кутубхоналарида икки хил манзарани кузатиш мумкин:

1. Барча диққат-эътиборини кутубхоналарни замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашга қаратилган. Катта маблағ эвазига келтирилган техникани ишга тушириб, иш унимини ошириш учун шу соҳани мукамал эгаллаган малакали кадрлар танқислиги кўзга ташланади.

Бугун келтирилган компьютер эртага эскириб, фақат матн кўчириш учун фойдаланишга халос. Соат сайин жаҳон сахнасида компьютерларнинг, умуман замонавий техниканинг янгидан-янги русумлари яратилаёпти. Демокчимизки, давлат маблағининг беҳуда сарфланишини олдини олиш учун техника таъминоти билан кадрлар таъминотига тенг эътибор қаратиш лозим.

2. Кутубхоналар яратишга боғлиқ барча муаммолар ечими моддий, маънавий таъминот маблағ–масаласига бориб тақалади. Ушбу муаммони ҳал этиш учун, аввало, кутубхоналарда қўшимча даромад келтирадиган хужжатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлов бериш фаолиятини йўлга қўйиш керак. ЭК яратишда:

Компьютер;

Модем;

Тармоқларнинг ўрни бекиёсдир.

Маълумки компьютер турлари бир нечта бўлиб, ЭК яратишимиз учун ишчи станциясида процессори Pentium3дан, оператив хотираси 128Мб, видео хотираси 64Мбдан кам бўлмаган ва ундан юқори бўлишлиги мақсадга мувофиқ. Сервер компьютер эса процессори Pentium4дан, оператив хотираси 256 Мбдан ва ундан юқори, қаттиқ диски 40Гб ва ундан юқори, частотаси 2000Мбгерц/с бўлишлиги керак.

Модем–модуляция, демодуляция сўзларидан олинган бўлиб, узлуксиз сигналларни рақамли (модуляция) ва рақамли маълумотларни узлуксиз (демодуляция) сигналга алмаштириб берадиган қурилмадир. Унинг асосий вазифаси компьютерда алоқани ўрнатишдир. У ўзининг коммуникацион дастурларига эга бўлиб, бу дастурлар ёрдамида маълумотларни узок масофаларга узатиш ва қабул қилиш мумкин. Модем ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички модем плата кўринишида компьютер ичига махсус жойга ўрнатилади. Ташқи модем эса, ҳам факс, ҳам модел ролини уйнайди ва алоҳида қурилма сифатида компьютерга уланади.

Тизим–деганда, ягона мақсад йулида бир вақтнинг ўзида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаолият кўрсатувчи бир неча турдаги элементлар мажмуаси тушинилади.

«Тизим» тушунчасига «Информацион» сўзини қўшилиши, унинг белгиланган функциясини ва яратилиш мақсадини акс эттиради.

Информацион тизим-белгиланган мақсадга эришиш учун информацияни узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун қўлланиладиган усуллар, шахслар ва воситаларнинг ўзаро боғланган мажмуасидир.

Информацион тизимларда юз берадиган жараёнларни шартли –равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Ташқи ёки ички манбалардан маълумотларни киритиш;

- Киритилган маълумотларни қайта ишлаш ва уни қулай кўринишда тавсия этиш;

- Маълумотларни талабгорларга етказиб бериш ёки бошқа бир тизимга узатиш;

- «Тескари боғланиш», информацион тизим фойдаланувчиларининг маълумотларни ўзгартиришга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва унинг билан бевосита имкониятларини яратиш.

Компьютер тармоғи-алоқа каналлар ёрдамида маълумотларни тармоқланган қайта ишлашнинг ягона тизимига уланган компьютерлар ва терминаллар бўлиб, у кўп машинали бирлашманинг энг юқори шаклидир.

Компьютер тармоғи «Тармоқ абоненти», «Станция» ва «Физик узатиш муҳити» каби таркибий қисмлардан таркиб топган.

Тармоқ абонентлари—тармоқли ахборотни юзага келтирувчи ёки уни истеъмол қилувчи объектдир.

Алоҳида ЭХМлар, ЭХМ мажмуалари, терминаллар, саноат роботлари, дастурли бошқарувчи дастгоҳлар ва шу кабилар тармоқ абонентлари бўлишлари мумкин.

Тармоқнинг ҳар бир абоненти станцияга уланади.

Станция-ахборот узатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи объект.

Абонент ва станция биргаликда «абонент тизими» деб аталади. Абонентларнинг ўзаро алоқасини ташкил этиш учун физик узатиш муҳити мавжуд бўлиши мумкин.

Физик узатиш муҳити—электр, радио ёки бошқа сигналлар ёрдамида амалга ошириладиган алоқа канали ва маълумотларни узатиш, қабул қилиш қурилмасидир.

Физик узатиш муҳити негизида абонент тизимлари ўртасида ахборот узатишни таъминловчи коммуникацион тармоқ ташкил этилади. Бундай ёндашув ҳар қандай компьютер тармоғини абонент тизимлари ва коммуникацион тармоқ йиғиндиси сифатида кўриш имконини беради.

Абонент тизимларининг ҳудудий жойлашувига қараб компьютер тармоқларининг учта асосий туркумга ажратиш мумкин.

1. Локал тармоқлар (LAN-Local Area Network);
2. Минтақавий тармоқлар (MAN-Metropolitan Area Network);
3. Глобал тармоқлар (WAN-Wide Area Network).

Локал компьютер тармоғи унча катта бўлмаган ҳудуд чегарасида жойлашаган абонентларни бирлаштиради. Одатда бундай тармоқларнинг доирасида 2–2.5 км билан чекланади.

Минтақавий компьютер тармоғи бир-биридан қанча узоқ масофада жойлашган компьютерларни ва локаль компьютер тармоқларини ўзаро боғлайди. У катта шаҳар, иқтисодий минтақа ва алоҳида мамлакат доирасидаги абонентларни ўртасида ўнлаб юзлаб километрни ташкил этади.

Глобал компьютер тармоқлари турли мамлакатлар ёки қитъаларда жойлашган абонентлар ўртасидаги алоқа телефон, радиоалоқа ва космос алоқа тизими негизида амалга оширилади.

Глобал минтақавий ва локаль компьютер тармоқларининг бирлашуви кўп тармоқли иерархияни ташкил этиб, умумжаҳон ахборот ресурсларини бирлаштириш ва улардан жамоа равишда фойдаланиш имкониятларини яратади.

Z39.50 протоколи—ахборот узатишнинг етти даражали моделини қўллаб, юқори даражада ишловчи, фойдаланувчиларга маълумотлар базасида тўлиқ қидирув бажариш ва турли дастурлар ишини бошқариб турувчи дастур.

2.5.1.1. Z39.50 ПРОТОКОЛИ

Кейинги икки–уч йил давомида кутубхона соҳаларида, на фақат уларда, кутубхоналарни автоматлаштириш, ахборотларни қайта ишлаш, маълумотларга эришишга имкон бериш соҳаларида **Z39.50** протоколини қўллаш бўйича суҳбатларни тез–тез эшитиш мумкин бўлиб қолди.

Хўш, бу протокол ўзи нима ва унинг ҳамма учун одат бўлиб қолган HTTPдан қандай афзалликлари бор?

Z39.50 стандарт (ANSI Z39.50–1995, ISO/FDIS 23950)га мувофиқ аниқланган). **Z39.50**ни Халқаро Стандартлар Ташкилоти (ISO) ишлаб чиққан етти даражали эталонлар модели доирасидаги амалий даражадаги протоколдир. Шунинг учун у транспорт (узатиш) даражаси реализацияси (амалиёти)га боғлиқ бўлмаган ҳолда алоқаларнинг турли типлари тармоқлари (масалан, TCP/IP, IPX/SPX, OSI)га жорий қилиниши мумкин. Унинг вазифаси «мижоз» компьютер режимида ишлаётган кишига ахборот сервери сифатида ишлаётган бошқа компьютердан ахборот қидириш ва ахборот олиб беришдан иборатдир.

Стандарт мижоз–компьютерлар учун ахборот захираларининг яхлит тартиби–кутубхона каталогларини сақлайдиган серверларни аниқлаб беради.

Ҳозирча протоколнинг ишлаш тартиби тафсилотларига берилмасдан, айтиш мумкинки, **Z39.50** стандарти турли маълумотлар базасини бирхиллаштиришга имкон берадиган компьютерларнинг ўзаро алоқалари қоидаларини аниқлайди. Бошқача айтганда, атиги биргина мижоз – компьютер иловасидан фойдаланувчи, турли структура ва ахборотларни етказишининг турлича форматларига эга бўлган узокда жойлашган маълумотлар базасидан ҳам ахборотларни қидириши мумкин.

Стандарт тарихи

Z39.50 стандарти АҚШ Конгресси Кутубхонасида 80–йиллар бошидан ишлаб чиқилган.

1989–йилда конгресс кутубхонаси доирасида, ҳозирги пайтда протоколни баъзи йўналишларидан фойдаланишини ривожлантирувчи ва стандартнинг янги версияларини тавсия қилувчи махсус бўлим – **Z39.50**ни қўллаб–қуватлаш агентлиги (**Z39.50 Maintenance Agency**) (<http://icweb.ios.gov/z3950/agency/>) nprbkufy/ тузилган. Бу агентлик, шунингдек **Z39.50** протокол учун дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш реестри (қайдлари)ни ҳам олиб боради.

Белгиланган вазифаси

Z39.50 протоколи даставвал библиографик ахборотларни ишлаб чиқиш учун мўлжалланган эди. Аммо ҳозирда протокол молиявий, химиявий, техник ахборот, тўлиқ матнлар ва тасвирлар каби турли маълумотларни сақлаб туриш учун етарлича ривожланган.

Z39.50 протоколини ишлаб чиқиш учун омил бўлган қатор сабабларни кўрсатиш мумкин. Энг мураккаб ва умумий бўлган асосий сабаб, кутубхоналар ҳамкорлигида (фақатгина уларда эмас), ахборотларнинг турли

шакллардаги абсалют тассуротларини, маълумотларни, ахборотлардан фойдаланиш усуллари сақлайдиган, улкан миқдордаги ахборот–қидирув тизимлари, электрон каталоглар, автоматлаштириш тизими мавжудлиги фактидир. Ушбу катта муаммонинг бир нечта таркибий қисмларини ажратиш мумкин.

Биринчидан, табиийки, турли маълумотлар базалари ахборотни сақлашнинг турли структурасига эга. Бу эса МБларини (хужжатлар) айна бир майдонларда ёзишнинг ҳар бир аниқ ҳолатида турлича номланиши, талқин қилиниши мумкин деганидир, бундан эса маълумотлар турли тизимларда турлича тўлдирилиши келиб чиқади. Мисол учун ҳар қандай библиографик хужжатда учрайдиган МУАЛЛИФ майдонини кўриб чиқайлик. Турли МБларида ахборотлар турли стандартларга (баъзан ишлаб чиқувчилар қандай лозим топса ўшандай ҳеч қандай стандартсиз) сақланади. Табиийки, бунда майдонлар мутлақ бошқа маъноларни сақлаши мумкин. Масалан, хужжат структураси MARC форматидаги ёзувга мувофиқ бўлса, МУАЛЛИФ майдони, кўпроқ биринчи МУАЛЛИФ фамилиясини сақлаган бўлади (яъни USMARC форматининг 100 майдонида). Бироқ МБ майдони бошқа мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳам шаклланган бўлиши мумкин. Бунда МУАЛЛИФ майдони такрорланувчи маънолардан, нафақат биринчи МУАЛЛИФ, балки манбанинг барча МУАЛЛИФлари маъносидан иборат бўлади. Бундай вазият хужжатнинг асосий сарлавҳаси ажратилиб, бошқалари (ички сарлавҳа, муқобил сарлавҳа ва бошқалар) бир майдонга киритилганда бошқа майдонлар билан ҳам рўй беради. Табиийки, бундай ноаниқлик ахборотни қидирганда бўлгани каби, уни фойдаланувчига беришда ҳам маълум бир ноқўлайликларни келтириб чиқаради.

Бундан кейин, турли тизимларда турли қидирув тилларида, яъни МБда ахборотларни қидирув сўровларининг турли қоидаларидан фойдаланилади. Бу ерда кесишувларни белгилаш учун турли белгилардан фойдаланиш ёки қидирув ифодасида сўз бирикмаларини англатадиган қоидалардан фойдаланишни мисол сифатида келтириш мумкин.

Шунингдек, берилаётган ахборотни тавсия қилиш усуллари ҳам фарқланади. Турли тизимлар сўров бўйича бериладиган ёзувларнинг чиқиш форматини турлича белгилайдилар. Қаердадир ёзувлар оддий рўйхат шаклида берилиши мумкин бўлса, қаердадир ёзувлар карточкалар каталоги шаклида берилади. Айрим жиддий тизимларда эса чиқиш форматини танлаш имконияти ҳам бор ва фойдаланувчи биров ғайрат қилиб, ўзига керакли форматни танлаб олиши мумкин. Кейинги пайтда MARC оиласига мансуб форматлар коммуникатив форматларда ахборот беришнинг жиддий қидирув тизимларини тавсия қилмоқдалар.

Бироқ, санаб ўтилган ушбу бир нечта фарқларнинг ўзи ҳам, ҳар бир тизим маълумотларни сақлаш форматларидан фойдаланиш, қидирув тиллари ва маълумотларни бериш формасига қатъий йўналтирган ўз хусусий фойдаланиш интерфейси бўлишига олиб келади. Ўз навбатида ахборотлардан фойдаланишга эга бўлишни бундай чеклаш, ҳар бир алоҳида

тизим билан мулоқот қилиш учун фойдаланувчидан унинг, сўровларни тузиш қоидаларини фарқлашни, ҳужжатларни талаб қилинган форматда эмас, балки системада сақланаётган шаклда олишга рози бўлишни, интерфейсини ўрганишни талаб қилади.

Z39.50 пайдо бўлгунча сақланаётган ахборотларни тарқатишнинг асосий протоколи НТТР эди. Бироқ НТТР–умумий мўлжалланган протокол бўлиб, масалан турли турдаги ахборотларни умумлаштиришга эга бўлиш ёки МБга қидирув сўровларини тузишга имкон бермай, амалда ҳечқандай ихтисослашган имкониятга эга эмас. Маълумки, НТТР протоколи базасида бу муаммоларни ечиб бўлмайди. Бироқ бунинг учун қўшимча турли воситаларни қўллаш, дастурлаш тиллари, кутубхона вазифаларидан фойдаланиш мумкин. Булар барчаси бизни мулоҳазаларимизни нимадан бошлаган бўлсак, яна ўшанга олиб келади: Ҳар бир мутахассис ўзи эришиши мумкин бўлган хусусий механизмлар, технология ва моделлардан фойдаланиб, бундай муаммоларни ечишнинг ўз йўлини, ўз тизимини топади. Натижада алоҳида олинган қидирув тизими, кўпинча мавжуд стандартларга мувофиқ келмайдиган, ўзининг хусусий структураси, маълумотларни сақлашнинг хусусий форматларига эга бўлади. Яъни биз ахборотни кўпинча уларни тавсия қилаётган тизим форматларида оламиз ва бу ахборотлардан йўқотишларсиз ёки қўшимча ўзгаришларсиз фойдаланиш, бошқа тизимлар ва маълумотлар базаси билан ҳамда қиёслаш учун ҳеч қандай кафолат бўлмайди.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса ташвишли бўлади. Яъни **Z39.50** протоколидан фойдаланилмай тузилган системалар турличадир ва улар билан ишлашда кўпгина қийинчиликлар туғилади ҳамда бундан кейин ҳам улар фойдаланиш учун тавсия қиладиган ахборотлар ишончли бўлмайди

Протокол Z39.50 янги ҳаммабоп нимани тавсия этади?

Ҳозирча тафсилотларга киришмай, **Z39.50** протоколини бошқа протоколлардан фарқлаб турадиган икки асосий хусусиятларини белгилаб олсак:

1. Протокол асосига қўйилган ахборотларни тавсия қилиш модели, бу моделдан фойдаланувчилар учун ҳеч қандай ахборотлар манбаига боғлиқ (қарам) бўлмайди. Бошқача айтганда мижоз ва сервер ҳамкорлигининг ҳар бир босқичида протокол ахборотларнинг умумий абстракт моделини тавсия қилади.

2. **Z39.50** протоколи мижоз ва сервер ҳамкорлигининг давомийлигини, изчиллигини тўлиқ таъминлайди. Бу хусусият протокол асосига қурилган ва сервер тизими бўлмасин, дастур–мижоз тизими бўлмасин, барчасида, барча иловаларида амалга ошади.

Z39.50 протоколининг асосий қоидалари (ҳолатлари)

Z39.50 протоколи билан ишлашда асосий ғоя маълумотлар базаси қандай бўлишдан қатъий назар ахборотларни аниқ структурадан абстраклаштириш (умумийлаштириш) замирига қурилган. Бунинг учун

стандартда МБ абстракт моделининг тавсифи баён қилинган. Бу модел ахборотларга эга бўлиш ва уларни ишлаш учун зарур бўлган МБда сақланаётган ҳужжатларнинг тўлиқ барча элементларини қамраб олган. Абстракт модел нафақат имкониятдаги қидирув майдонлари ёки ахборотларни бериш форматларини алоҳида элементлар шаклида тавсиф қилади, балки сервер томонидан бажариладиган барча операцияларни ҳам тушунтиради.

Ушбу абстракт моделдаги ҳар бир элемент бир маъноли талқингача батафсил баён қилинади ва уникал умумлаштирувчи—OID билан стандартлашади. Ҳар бир аниқ МББТ билан ишлаш фақат шу абстракт модел билан, объектлар белгилари бўйича умумийлашган изчилликни сақловчи, маълумотлар пакетларини айирбошлаш йўли (APDU) билан ташкил қилиниши керак. Стандартда объектларнинг қўйидаги синфлари тавсифланган:

- Иловалар матни (context)
- APDU
- Атрибутлар (attributeSet)
- Диагностика (diagnostic)
- Ёзувлар структураси (record Syntax)
- Ўзгаришлар синтаксиси (transfer Syntax)
- Захиралар бўйича ҳисобот (resource Report)
- Кириш назорати (access Control)
- Кенгайтирилган сервис Extended Service)
- Фойдаланиладиган ахборот. (user InfoFormat)
- Элементлар (element Spec)
- Вариантлар (variantSet)
- Маълумотлар чизмаси. (schema)
- Белгилар чизмаси.

Синфлар ичида объектлар синф рақамини тўлдириб, рақамлар билан уйғунлашади. Масалан, recordSyntax 1.2.840.10003.5 қуйидаги объектларга эга: OID : Unimare 1.2.840.10003.5.1 Usmare 1.2.840.10003.5.10 SUTRS 1.2.840.10003.5.101 ва бошқалар.

Қидирув сессияси давомида ташаббускор сифатида кўпинча мижоз чиқадиган мижоз билан сервер ўртасида ARDU алмашинуви бўлиб ўтади. Асосий ARDUлар қуйидагилардир:

- Init
- Search
- Present
- DeleteResultSet
- Scan
- Sort
- Segment

- ExtendedServices
- Close

Шундай қилиб протокол томонидан тавсия қилинган МБ абстракт модели мавжуд маълумотлар базасининг аниқ моделида мавжуд бўлади. Бунда мутахассиснинг вазифаси протокол маълумотларининг абстракт моделини МБнинг мавжуд структурасида кўрсата олиш ва мувофик элементлар билан қиёслашдан иборат бўлади.

Мижоз ва сервер мулоқоти

Энди биз маълумотларнинг абстракт модели ҳақида айрим тасаввурларга эга бўлгач, **Z39.50** протоколи бўйича мијоз ва сервер мулоқотлари хусусиятларига мурожаат қилишимиз мумкин. Бунда энг аввало, сессияли ўзаро ҳамкорлик имкониятларига тўхталамиз.

Биринчидан сессия нима эканлигини аниқлаб оламиз. Сессиянинг расмий таърифи тахминан шундай бўлади:

Сессия ҳар бири (операциялар) алоҳида транзакция тармоғи доирасида бажариладиган, мантиқан яхлит натижа олишга қаратилган функционал жиҳатдан ўзаро боғлиқ сеансларнинг изчиллигидир.

Бошқача айтганда, –ўзаро боғлиқ операцияларнинг изчиллиги бўлиб, ҳар бир кейинги операция фақат аввалги операция якунлангач, унинг натижаларига асосан бажарилади.

Аввало, қўшилишнинг номланиши жараёни бўлиб ўтади. Мијоз таклифи серверга бирлашув учун савол юборади. Айни пайтда ўзи ҳақида, протоколнинг фойдаланилаётган версияси, ёзувларнинг максимал ҳажми, кириш мумкин бўлган операциялар тўғрисида маълумотлар йўллайди. Бундай сўров мувофик келадиган ARDU–InitializeRrequestда узатилади. Бунга жавобан сервер мијозга ўз маънолари билан ўша ўлчамлар йиғиндисини ARDU–InitializeResponseда йўллайди. Шундай қилиб томонлар сессия давомида протоколнинг қандай имкониятларидан фойдаланиш ҳақида «Шартлашиб оладилар». Бу сессия давомида фойдаланувчи қидирув-саволларини тузиши ва серверга жўнатиши, қидирув натижаларини кўриб чиқиши, берилган маълумотларни саралаш, қидирув индексларини кўриши, қидирув натижаларини йўқотиши ва ҳ.з. қилиши мумкин. Сессия ёки серверга ARDU Close йўллаган мијоз таклифи ташаббуси билан, ёки мијоздан узоқ муддат бирор бир сўров олмаган сервернинг ўз ихтиёри билан тугатилиши мумкин.

Қидирувга сўров мијоз таклифи билан ARDU SearchRequestда юборилади. Бу ARDU ўзида қидирув ўтказиладиган маълумотлар базаси, бериладиган сўров типи, сўровнинг ўзи ва зарурли баъзи параметрлар ҳақидаги ахборотни қамраб олади. **Z39.50** протоколи сўровларнинг бир неча типини қувватлайди, аммо мутахассисликда RPNquire деб юритиладиган 1–тип сўров–қайта жавоб сўралган шакли мажбурий ҳисобланади.

Қидирув мазмуни бошқачароқ, кўплаб натижалари кўрсаткичи ёки атрибутлар комбинацияси, қидирув терминларидан иборат ҳам бўлиши мумкин. Бу ерда атрибутлар (аниқловчилар) дейилганда ҳар бир терминни

ахтариш қоидасини характерлайдиган ўлчамларнинг йиғиндиси тушунилади. Атрибутлардан 99 қидирув атрибутларини(қамраб олган) Use гуруҳига кирувчи Bib–1 OID **Z39.50 3 1** атрибутлар йиғиндиси анча кенг тарқалган. Атрибутлар мажмуаси ҳақида тўлиқ маълумотни мана бу ердан олиш мумкин: RPN–сўровининг кенгайтирилган мисрасига автори “Jhon” дан бошланадиган ва майдоннинг ҳар қандай позициясида учрайдиган ёзувларга қидирув сўроғи мисол бўла олади:

Бу ерда

- authorга мувофиқ
- текис
- майдондаги ҳар қандай позиция
- ўнгдан кесишув
- қидирув атамаси

Табиийки, серверга сўровнинг мисраси эмас, балки ҳар бир жуфт «атрибут–мазмун» алоҳида элемент билан келтирилган дарахт кўринишидаги RPN–структура юборилади. Сўровлар тизимини бундай ташкил қилиш, бир томондан конкрет СУБД сўроғи синтаксисидан сўров мантиғини бир хил маънода мавҳумлаштириш имкони, иккинчи томондан, сўров доимо маълумотлар базасининг аниқ қидирув майдонларидан, масалан, Bib–1дан шакланганидан келиб чиқади. Бундан ташқари Bib–1 маълумотларнинг библиографик базаси билан ишлашга йўналтирилгани учун, ҳозир атрибутларнинг бошқа мажмуалари ҳам стандартлашган. Масалан, илмий-техник ахборотлар учун STAS –2000, геинформацион тизимлар учун GEO–2000 атрибутлари бор.

Z39.50да RPN (Type–1) сўровлари мумкин бўлган сўровлар типининг яғонаси эмас. 1995 йил стандарти (3 версия) Type–0 да конкрет МББТ синтаксиси сўровларига имкон беради. Type–2 Common Command Language (CCI–ISO 8777) синтаксисида сўровларга жавоб беради. Ҳозирги пайтда CQI синтаксисда сўровларга **Z39.50**ни киритиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Қидирув сўровларига жавоб сифатида, топилган ёзувлар миқдори ва навбатдаги ёзувлар рақами ҳақидаги ахборотга эга бўлган ARDU хизмат қилади. Протокол сессиядаги ўзаро ҳамкорликга мўлжаллангани ва ҳар бир кейинги ҳаракат фақат аввалгиларнинг натижасига қараб бажарилгани учун, биз бирданига топилган ёзувларни кўриб чиқа олмаймиз ARDUда топилган ёзувларни ахтаришга жавоб узатилмайди. Бунинг учун серверга PresentRequestда керакли ёзувларни бериш ҳақида сўров йўллаш керак.

Бериш сўровида серверга биз ёзувларни қараб чиқадиган, қараб чиқиш бошланадиган ёзув рақами, бериладиган ёзувлар миқдори, бериш формати ва элементлар йиғинидиси (бутун майдон ёки унинг бир қисми)ни кўриб чиқадиган кўпгина натижа берувчи саволларни узатамиз. Бундай сўровномани олган сервер зарурий ёзувларни саралайди, уларни талаб қилаётган шаклга айлантиради ва ARDU PresentResponseда мижозга қайтаради.

Маълумотлар базасидан ёзувларни олиш жараёнида маълумотларнинг ўзи изчил мавжуд бўлади ва бир неча турли тақдим кўринишларига эга.

1. Конкрет МББТида маълумотларнинг ички тақдими–маълумотлар шу шаклда сақланади.

2. Сервернинг ички абстракт тақдими–маълумотлар шу шаклда сервер томонидан ишлаб чиқилади.

3. Ташқи тақдими–маълумотлар шу шаклда мижозга берилади.

Фойдаланувчининг сўровига жавобан топилган ёзувларни сервер **Z39.50**да талаб қилинган миқдордаги ёзувларни ташқи тақдимнинг зарурий форматида мижозга қайтаради. Тақдим қилиш қуйидаги синфларда стандартлаштирилган: RecordSynnax {**Z39.50 5**} ва **MARC** форматлари **ISO–2709 (Unimare, Usmare, CCF, SBN** ва бошқалар, структурлашмаган матн формати **SUTRS**, структурали форматлар (**GRS–1, Summary**), махсус форматлар (**HTML, XML, PDF, TIFF, GIF**) ҳамда бошқалардир. Структурали форматлар маълумотни тармоқ орқали жўнатгач, бошқа форматлардан фарқли равишда ёзувнинг дастлабки структурасини сақлаб қолади ва бу тарқатувчи тизимлар учун муҳим аҳамиятга эга. Стандартга мувофиқ ҳар бир Z–сервер ахборотни минимум **SUTRS** форматда–структурлашмаган кўринишда тақдим қилишга мажбур. Бироқ кераклича ривожланган кўпгина серверлар бу билан чекланишмайди. Жуда кўпгина серверлар ёзувларни беришни–**MARC** форматларда, қоидага кўра, **Usmarc** ёки **Unimarc** ёки агар биз мамлакат сервери билан ишлаётган бўлсак, **Rusmarc**да амалга оширишади.

Олинаётган ёзувлар катта узунликка эга бўлиши ва уларнинг майдони маълумотларнинг турлича типига доирлиги мумкинлиги сабабли, стандарт ёзувлардан чегараланган рўйхатларни олиш имконини беради. Бундай рўйхатлар «элементлар йиғиндиси» деб юритилади. Элементлар йиғиндисининг минимал олиш даражаси иккита–**Full (F)** ва **Brief (B)**дир.

Қидирув ва беришнинг кўриб чиқилган операцияларидан ташқари бошқа қуйидаги имкониятлари ҳам мавжуд: топилган библиографик тавсифларни саралаш, сервернинг қидирув индексларини кўриб чиқиш, манбага буюртма бериш, ёзувларни тўлдириш ёки ўзгартириш.

Хулоса

Ушбу амалиётга анча яқин обзоримизга якун ясар эканмиз, **Z39.50** библиография ахборотларига эга бўлишни ташкил қилишда энг мақбул протокол деб, унга хос хусусиятларни яна бир аниқлашни, таъкидлашни лозим деб ҳисоблаймиз. Бу ўзига хосликлар қуйидагиларда кўринади:

1. Сессияли ўзаро ҳамкорликни қўллаб–қувватлаш ва бу ҳамкорликнинг аниқ тартибини белгилаб бериш. Бошқача айтганда: ахборотни узатиш усулини умумийлаштириш;

2. Маълумотларнинг абстракт модели ғояси–берилган ахборотларни умумийлаштириш;

3. Маълумотларни беришни стандартлаштириш принципи. Буларнинг барчаси **Z39.50** протоколининг жаҳон бўйича жуда кўплаб ташкилотлар ва кутубхоналарда эътироф этилиши ва кенг миқёсда қўлланишига олиб келди.

1.5.2. Электрон каталог яратишнинг дастурий таъминоти

Дастурий таъминот, асосан, компьютер дастурлари бўлиб, кутубхона жараёнини автоматлаштиришга мўлжалланган воситалар мажмуаси ҳисобланилади. Бунга автоматлаштирилган кутубхона тизимининг ташкил қилувчи дастурлар, ахборот қидирув тизими, штрих кодлаш ва шу кабилар киради.

Компьютер ишини ва қурилмалар ишини махсус дастурлар амалга оширади. Бу дастурлар мутахассислар томонидан яратилади ва ишлашга жуда қулай. Улар компьютернинг дастурий таъминоти деб аталади. Дастурий таъминот 3 турга бўлинади:

1. Операцион тизимлар;
2. Амалий программалар;
3. Дастурлаш тиллари.

Компьютер билан фойдаланувчи ўртасидаги мулоқатни операцион тизимлар бажаради. Ҳозир компьютерлар Windows 98, 2000, Linux, Unix, OS/2 ва бошқа операцион системалар асосида ишлайди.

Амалий программалар фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлади. Улар компьютер бажара оладиган барча амалларни фойдаланувчига қулай ҳолда амалга оширади.

1.5.3. Электрон каталогнинг тил таъминоти

ЭКнинг тил таъминоти ҳам электрон каталогни яратишдаги шартли воситалардан биридир. Аммо бунда ечимини кутаётган кўп муаммоларга дуч келамиз, чунки тил таъминоти деганда биринчи навбатда форматларни тушунамиз. Кўпгина мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган форматлар ўз ижобий натижасини бераётганини инкор этиб бўлмайди, албатта.

Информацион технологияларнинг ривожланиши ва ахборот оқимларининг тобора ортиб бориши, маълумотларнинг тез ўзгариши каби ҳолатлар инсониятни бу маълумотларни ўз вақтида қайта ишлаш чораларини қидириб топишга ундайди.

Маълумотларни сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш учун маълумотлар базаси (МБ)ни яратиш, сўнгра ундан кенг фойдаланиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Кутубхонанинг электрон каталогини яратиш ва ундан фойдаланиш қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- ЭК тизимида фойдаланилаётган техника воситалари ва дастурий таъминотнинг очиқ характердалиги;
- Мамлакатимиздаги ва чет эллардаги нашрларнинг библиографик тасвирларни бир маротоба каталоглаштириш ва улардан куп маротоба фойдаланиш;

- Тизим ички форматида стандарт коммуникатив форматлардан фойдаланиш ва библиографик импорт-экспорт қилишга муволафланган конверторнинг мавжудлиги;
- ЭК тизимига кириш Интернет тармоғи, http ва Z3950 протоколлари ёрдамида бажарилади;
- Библиографик маълумотлар базасида ахборотлар қидириш қуйидаги белгилар: муаллиф (ёки муаллифлар), сарловха, предмет рукнлари, УДК ва ББК индекси, очкич сўзлар, серия номи, нашр этилган жой, нашр вақти, хужжатнинг сақланаётган жойи ва бошқа бир қатор белгилар асосида бажарилиши мумкин.

Электрон каталог самарадорлигининг асосий кўрсаткич қуйидагилар ҳисобланади:

- Карточкали каталогларга нисбатан электрон ёзувларда юқори тезликда қидириш;
- ЭКни тез суръатларда кўпайтириш имкониятининг мавжудлиги яъни зарурат туғилганда ЭКни керакли нусхада кўпайтириш мумкин;
- ЭКга масофадан туриб кириш;
- ЭК қисқа вақт оралиғида катта ҳажмдаги ахборотларни кўриб чиқиш ва керакли адабиётни танлаб олишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда карточкали каталогдан электрон кўринишли каталогга ўтиш бир неча йўллар орқали амалга оширилмоқда:

1. Матн библиографик карточкадан ЭК маълумотлар базасига клавиатура билан терилади;
2. Библиографик карточка (БК) нусхаси сканер қилинади ва ЭКда библиографик ёзувлар бўйича қидирув амалга ошириш ҳамда мос библиографик карточкаларнинг тасвирини қоғозга босиб чиқариш учун уларнинг асосий элементлари клавиатура орқали тахрир қилинади;
3. Карточка тасвирини сканерлаш йўли билан киритиш ва уларни ЭКда оддий қидирув белгилари (алифбодаги ҳарфлар, ББК индекслари) бўйича содда, кетма-кет кўриб чиқиб қидирилади;
4. Библиографик ёзувлар БКдан ёки кейинчалик аниқлаш мақсадида босма каталоглар саҳифаларини сканерлаш йўли билан киритилади.

Биринчи усул сермехнат бўлса, иккинчиси фақатгина юқори сифатли матн бўлганда яхши натижа беради. Учинчи усул ЭКни анъанавий каталог билан солиштирганда қидирув имкониятларини чегаралайди. Кўпмиллионлик библиографик карточкаларни қайта ишлашнинг энг самарали усули-белгиларини кейинчалик аниқлаш мақсадида сканерлаш йўли билан киритиш ҳисобланади. Бу усулдан фойдаланилганда, бошқа усулларга нисбатан маълумотларни киритиш таннархи камаяди, унинг тезлиги, ишончлилиги ошади. Аммо бу усулни қўллаш бир қатор муммоларни хал қилишни талаб этади.

БКни кейинчалик тасвирини аниқлаштириш шарти билан киритиш 2 босқичга бўлинади:

1. Сканер қилиш;

2. Аниқлаштириш.

Ҳозирги вақтда маълумот киритишнинг техник муаммоси ҳал қилинган. Махсус сканер шу жумладан, БКнинг етарлича аниқликдан тасвирини яратишни таъминловчи икки томонлама сканерлаш қурилмалари мавжуд. ЭК яратишдаги асосий муаммо аниқлаштириш муаммосидир. Охир–оқибат аниқлаштириш жараёнини ташкил қилиш маълумот киритишнинг тезлигини ишончлилигини ва таннархини аниқлайди.

ЭК кутубхона фондини ташкил қилувчи босма аудиовизуал электрон ҳужжатлар таркиби ва мазмунини очиб бериб кутубхонанинг ахборот ресурсларига фойдаланувчиларни эркин кириб боришларини таъминлайди ва кўп аспектли ахборот қидирувини амалга оширишга хизмат қилади.

ЭК яратиш тезкорлик билан барча тоифадаги фойдаланувчилар ахборот сўровларини тўлиқ қондириш орқали мутахассислар тайёрлаш илмий–тадқиқотлар ўтказиш ва китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга йўналтирилгандир

ЭК ўз ичига ягона қоидалар, умумий тамойиллар ва меъёрлар асосида ташкил қилинган библиографик ёзувларни олиб у ахборотларга бир маротоба ишлов бериб уларни ихчам ва улардан кўп мартаба фойдаланиш имкониятини яратади.

Электрон каталогни яратган сўнг қандай самарадорликка эришиш мумкин? Унинг истиқболди қандай.

- Қидириш жараёнининг тезлашиши;
- Тез суръатда кўпайтириш имкониятининг мавжудлиги, электрон каталогни керакли нусхада кўпайтириш мумкинлиги;
- Электрон каталогга масофадан туриб кириш ва керакли манбаларни олиш;
- Электрон каталогда қисқа вақт ичида катта ҳажмли ахборотларни кўриб чиқиш, зарур манбаларни танлаб олиш ва ҳақоза имкониятларнинг мавжудлиги. Мухими, электрон каталогни яратиб фойдаланаётган кутубхоналар бўйлаб қисқа вақт ва катта тезликда виртуал алоқа қилиб мавжуд манбалардан хабардор бўлиш мумкин.

Назорат учун саволлар

1. ЭК гост.7.96га асосан қандай? ЭКнинг таърифлари қанақа?
2. Электрон каталог яратиш этаплари ва вариантлари қандай?
3. Электрон каталогнинг техник таъминоти?
4. Z39.50 протоколи нима ва у қандай таърифланади?
5. Электрон каталогнинг дастурий таъминоти?
6. Электрон каталогнинг тил таъминоти?
7. Электрон каталог яратишнинг аҳамияти нимада?

2.6. Интернет ва электрон каталог

Сўнги вақтларда Интернет ресурс бозорларида электрон каталог энг асосий ва энг Машҳури бўлиб келмоқда. Унинг бизнеси қиёсий даражада эски текширилган имкониятлар ташкилотидир. Аммо дастурлаш доимо бир жойда турмайди. Янги, пухта программа махсулотини Online System Group (OSG) компанияси ишлаб чиқарган. Ишлаб чиқилган программа кенг имкониятларни қамраб олган. Албатта биринчи навбатда электрон каталог бу аъло даражадаги систематизатордир. У ташқи копоратив орқали фойдаланилади ёки мижозлар билан ишланади. У жуда ҳам арзон босма нашрга нисбатан юқори ва қулайдир.

Бир марта каталогни сотиб олсангиз шунга кўра оддий, ўз вақтида маълумотларни ўзгартиради. Бу шунинг учунки, тираждаги олдиндан қимматлашиши мумкин бўлган қоғозлар вариантларидан хабар бериши учун. Шу билан бирга сиз ўзингизнинг интернет каталогингизни сотиб олувчилар учун офлайн вариантыни CD дискларида тақдим этишингиз мумкин.

Бу тақдимот маросимларида, конференцияларда, кўргазмаларда реклама тарзида тақдим этишда жуда қулайдир. Интернет магазинлардаги электрон каталогнинг асосий томони унинг ташкилий томонидир, яъни харидорбоп саватидир. Аммо унинг биринчи талаби буюртмачи каталогни электрон магазинга айлантириш учун унга мослашиши лозим. Каталог базада информацион коммерсия портали ҳам яратилиши мумкин. Бу интернетда ўз ишини бошламоқчи бўлганлар учун ҳам жуда қўл келади. Электрон каталог тармоқлараро бизнесда нафақат унинг ишбилармонларига, балки мижозларига ҳам ёрдам беради. Қидирув йўли механизмининг таъсири билан қўлланувчиларга сиз тақдим этаётган махсулотни танлаш имконини беради. Қидирув йўли механизмининг таъсири билан қўлланувчиларга сиз тақдим этаётган махсулотни танлаш имконини беради. Қидирув йўли орқали бирор харидор ўзи қидираётган нарсани тезда топиши, уни кўриши, ёзилганларни ўқиши ва техник таъминоти бўйича сизнинг мижозингиз бўлиши мумкин. Каталог бўйича қидириш жуда ҳам қулай. Агар тажрибали фойдаланувчилар сайтга назар солсалар, у ерда интерфейс ва тенги йўқ дизайнларни кўриши мумкин.

Электрон каталог осонлик билан Web–ташкилотчи буюртмасига мослашди. Электрон каталогнинг имконияти кенг бўлиб, почта тарқатмаларини юбориш имконияти ҳам кенгдир. Сиз бу хизматдан фойдаланишда ҳеч қандай қиммат асбоб–ускуналардан ва маслаҳатчиларнинг маслаҳатидан фойдаланмаган ҳолда каталогнинг муҳим вазифаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишингиз мумкин.

OSG электрон каталогидан ҳар қандай Windows 95/98 компьютери орқали фойдаланиш мумкин. Электрон каталогдан кенг миқёсида фойдаланиш учун алоҳида билим ва кўникмага эга бўлган мутахассис бўлиши ва ноёб китобларни сотиб олиши шарт эмас. Каталогни бошқариш учун ҳамкасб ташкилотлар билан алоқада бўлиш мумкин. Фойдаланувчи ўзи мустақил равишда каталогни жойлаштириши, фубликацияларни олиши,

расмларни юбориши мумкин. Бунинг учун HTML мастери бўлиши шарт эмас. Бошқарувчи шаблонбўйича махсулотларнинг нусхасини олиши, Янги товарларни ўзгаришини тўлдириши мумкин. Каталог саҳифаларида рекламаларни ўзгартиришмахсус товар ва хизматларга таклиф киритиш, арзонлаштириш, турли хил соҳалрни ютиб олиш ўйинларини ташкиллаштириш мумкин. Буюртмачининг хоҳишига кўра OSG мутахасислари автор дизайнини ишлаб чиқишлари, кейинчалик туғдирган саволларга беришлари мумкин. Баъзида қўшимча ҳақ олиш йўли орқали берилаётган саволларга турли хил тиллар билан жавоб беришлари айтилиб Онлайн ресурси MSExcel форматида сақлашлари мумкин. Электрон каталог бу матнларни мужассамлиги жам бўлган товарлар дастуридир. Сўнги пайтларда электрон каталог бу матнларни мужассамлиги жам бўлган товарлар дастуридир. Сўнги пайтларда электрон каталог кенг миқёсида қулайдир. Босма каталогга нисбатан қулай, самарали, арзон ва албатта тартиб доирасида хизмат қилади.

Нима учун электрон каталог босма нашрга нисбатан қулай?

Биринчи сабаб–хотира қуватидир. Ҳаммамизга маълумки, дискнинг хотира қуввати 750мб. У ўзида совет энциклопедиясининг бир қанча томларини жойлаштириши мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Диска қанча каталогни жойлаштиришимиз мумкин. Фақат юкланиши мумкин бўлган 100г, аслида энг қулайи кенг миқёсидаги ахборотларни кичик ҳажм ва енгил ўлчамда ташкил этишдир.

Иккинчи сабаб босма каталогда қидирув йўли қулай эмас. Электрон каталогда эса бу жуда қулай ва осондир. Унда истаган дастурдан қидирилаётган ахборотни олиш мумкин. Қўлингиз билан саҳифаларни варақлаб қидиргандан кўра компьютерда уни қидириш қулай.

Нима учун электрон каталог босма нашрга нисбатан аъло даражада?

Электрон каталог динамик жиҳатдан босма нашрга нисбатан юқори қўламда. Бунга мисол тариқасида миждозларнинг диққатини тортиш учун яхши асбоб эканлигини олишимиз мумкин. Миждозларнинг диққатини тортиш учун ҳар бир каталогда реклама махсулотлари берилган. Агарда электрон каталог босма нашрнинг ўрнини эгаллаётган ҳақида гапириладиган бўлса электрон каталогнинг қўллашини жуда осон ва қулайдир. MUPAKL пикчерс студияси ўзига энг муҳим вазифа қилиб ўзларининг қўлланиш иш режасини тузиб, уни ечиб, электрон каталокка тавсия этади. MUPAKL каталогини компьютерда установка қилиш шарт эмас. MUPAKL каталоги автоматик равишда тушади. Бу каталог ўзида мусиқа, овоз, анимация ва видео кўргазмаларни мужассам этади.

MUPAKL электрон каталоги нима?

Бу:

1. Электрон брошюра;
2. Махсулот ва хизматларнинг тақдимути;
3. Маълумот базаси;
4. Тижорат таклифи ва пресс–релиз;

5. Сайёҳлик атласи;
6. Мамлакат ва шаҳарлар бўйича йўл кўрсатгич;
7. ресторан ёки кафенинг менюси;
8. Модабоп кийимларнинг каталоги;
9. Жихозларнинг каталоги.

У қуйидаги қўлланма асбобидир:

1. Сизнинг сотувчилар учун хизматингиз (маслаҳат);
2. Сизнинг дилер ва дистрибут билан ишингиз;
3. келишув ўтказмалари;
4. Кўргазма ва тақдимот (электрон каталог орқали тақдимот вақтида кўргазма уюштириш, шу билан бирга ҳар бир мижозга тарқатиб чиқиш мумкин).

Электрон каталог инсталляцияга муҳтож эмас;

Электрон каталог автомат равишда тушади.

Электрон каталог қўлланишда жуда қулай.

Мана ўн йилдирки, россия кутубхоналари автоматлаштирилган ва компьютер тизимида электрон каталогдан фойдаланиб келади. Хозирги кунда бизнинг мамлакатимизда электрон каталоглар мавжуддир. Яъни 100000 ёзувни ўзида мужассам этган жуда яхши кўрсаткичдир. Аммо минг афсуслар билан шуни айтишимиз мумкинки, биз китобхонларга қанча гапирмайлик, тушунтирмайлик улар ўзларига керакли маълумотларни электрон каталогдан топа олмаётдилар. Ахир қидирув йўли билан каталогдан маълумотларни олишнинг иложи бор-ку. Бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби шундаки, электрон каталог бу янги дастур. Ундан тўлалигича фойдаланиш учун биз кутубхона ишида каталогларга бирмунча ўзгартиришлар киритишимиз мумкин. Яъни осонлик йўли билан ўқий ва топа оладиган библиографик ёзувни киритишимиз мумкин. Шундагина китобхонлар ўзларига керакли маълумотларни китобдаги керакли бетларни топа олишлари мумкин. Бунинг учун диққат билан кетма – кет қидирув йўлига эътибор бериш керак: муаллиф, сарлавха, нашриёт ва х.к.

Китобхон ўзига керакли излаётган маълумотни тартиб бўйича танлаши лозим. Масалан, “муаллиф”–“Пушкин”. Албатта китобхон бунга жуда диққатлилиқ билан ёндошиши, керакли бўлимга тўғри келадиган маълумотларни бериши лозим. Бунга бир қанча мисолларни олишимиз мумкин:

1. Сарлавха титул варағида берилиши ҳам мумкин. Белгиланган каталогда иккинчи сарлавха ҳар эҳтимолга қарши эътибор учун ёзилади. Электрон каталогда бу шарт эмас. Китобхонлар учун эса бу ҳам сарлавха. Унинг ҳаёлига бу иккинчи сарлавха эканлиги келмайди. Натижада қидириладиган китоб чиқмайди.
2. Қисқартма. Китобхоннинг яқинда ўзгарган қисқартмалардан хабари бўлмаслиги мумкин, шунинг учун электрон каталогда қандай қисқартмаларнинг ўзгарганидан хабари бўлмайди. Агарда китобхон

электрон каталокка киритилган қисқартмалардан билиб фойдаланса, тезда ўзига керакли маълумотни топа олади. Белгиланган каталогнинг ўқилиши қийин бўлган ёзувларни қисқартмайди. Бунга кўра тўғридан – тўғри кўрсатмалардан фойдаланиш мумкин.

3. Коллектив авторлар. Улар эслатмаларда ҳам берилиши мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бита коллектив авторлар иккита китобда берилган. Бита китобда бу коллектив авторлар майдонида биттасида эса эслатмаларда берилиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, биз электрон каталогда олдиндан хатоларимизни тўғирлашимиз мумкин.

Шундай қилиб ахборот технологиясикутубхоначиларга янгидан – янги имкониятларни ваш у билан бирга бир қанча қийин вазифаларни юкламоқда. Замонавий бошқарувчи электрон каталогни қандай бошқаришни билиши, уни тушуниши, ёзувларни ўқий олиши лозим. Шундагина биз пухта, мукаммал ишланган электрон каталогни қўлга киритишимиз мумкин.

2.7. Каталогларни ретроспектив конверсиялаш (ташкилий ва технологик масалалар)

Карточкали ва китоб шаклидаги каталогларнинг рекроконверсиялашни турли усуллари мавжуд:

Карточкали ёки китоб шаклидаги каталоглардаги библиографик ёзувларни бевосита машина ўқий оладиган шаклга ўтказиш;

MARC форматига тўлиқ конверсия, бундай ҳолда чизикли матн (матнли маълумотлар) қўлда терилади ва MARC формат майдонлари белгилаб чиқилади (иш жараёнида бир пайтнинг ўзида бажарилади ёки кодлар, карточкадаги ёзувларга кейинчалик клавиатура орқали киритиш учун ёзиб қўйилади);

Матнли ахборотларни клавиатурадан фойдаланиб киритиш ва электрон ёзувлар структурасини автоматик тарзда яратиш (тиниш белгиларини, белгилар кетма–кетлигини аниқлаш, махсус луғатлар ва лексиконлардан фойдаланиш).

Каталог карточкаларини машина (рақамли) образларини яратиш ва кейинчалик машина ўқий оладиган библиографик ёзувларни ҳосил қилиш мақсадида сканерлаш:

- Сифатли босиб чиқарилган каталог карточкаларига ишлов бериш белгиларини оптик аниқлаш (оптическое распознавание) ва ёзувларни маълумотлар базасининг стандарт шаклига қўлда ёки автомаштирилган ҳолда ўтказиш;

- Матнли ахборотларни клавиатура ёрдамида MARC–формат майдонига карточканинг дисплейдаги образи асосида киритиш;

- Бошқа электрон каталоглардаги библиографик ёзувлардан (оптик дисклар ёки тармоқлар орқали олинган) фойдаланиш ва уларга кутубхона ўзининг маълумотларини қўшиб қўйиши (таснифлаш индекслари предмет рубрикалари сақлаш шифрлари ва бошқалар;

- Микрофишалардаги библиографик карточкалар нусхаларини аввалдан тайёрлаб қўйиш, махсус сканерлардан фойдаланиб уларни сканерлаш ва юқорида кўрсатилганидек уларга қўлда ёки дастур ёрдамида ишлов бериш.

Одатда ёзувларни машина ўқий оладиган шаклга ўтказишда юқоридаги икки усулдан фойдаланиш каталог фрагментининг сифатига боғлиқ равишда танланади.

Катта кутубхоналар каталогларни ретроконверсиялаш ёзувларни клавиатура ёрдамида қўлда териш жуда катта меҳнат сарфини ва вақтни талаб қиладиган машаққатли иш ҳисобланади. Аммо бу усул жуда кенг тарқалган. Ўзбекистон кутубхоналарида каталогларни машина ўқий оладиган шаклга ўтказиш асосон мазкур усулда олиб борилмоқда.

Бу соҳада жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки–бундай машаққатли ишни бажариш учун талабалар, мактаб ўқувчилари жалб қилинган.

Ретроковерсиялаш жараёини бошлаган чет эллардаги бир қатор йирик кутубхоналар арзон иш кучини қидириб бундай машаққатли ишни бажаришга талабаларни бошқа мамлакатлардан арзон ишчиларни ва ҳатто оператор монахларни таклиф қилганлар. Бундай технология асосида иш олиб борилганда ўртача бир оператор 40-50 каталог карточкаларни машина ўқий оладиган шаклга ўтказа олади аммо меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва оператор тажрибасининг ортиши билан бу кўрсаткич кескин ортиши мумкин.

Чет элларда кейинги йилларда каталог карточкаларни юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган сканерлар ёрдамида сканерлаш йўлга қўйилмоқда. Бунда каталог карточкаларининг пачкаси сканернинг қабул қилувчи қурилмаси орқали автоматик равишда узатилиб турилади. Сканерлаш натижасида кампьютер хотирасида каталог карточкалари олд ва орқа қисмларининг факсималь образлари массиви шаклланади. Бундай сканерлаш жуда тез бажарилади. Бундай усулда карточкада нусха олиш биринчи муаммони–каталогдаги библиографик ахборотни ишончли сақлашни таъминлайди. Бундан ташқари кейинчалик яшиқлардаги карточкалардан фойдаланмасдан уларнинг электрон фойдаланиш имконияти ҳам яратиладики бу ҳолат каталог карточкаларини асл ҳолича сақланишда муҳим рол ўйнайди.

Карточкаларни бундай электрон образи расм шаклида бўлиб уларни сақлаш, дисплейда кўриш мумкин аммо уларга матн сифатида қараб ишлов бериш мумкин эмас. Бу ерда яна бир жиддий муаммо ҳам борки у ҳам бўлса қандайдир бир кидирув белгилари яратмасдан туриб (уларни матн шаклида компьютер тизмига киритмай) образлар массивидан библиографик ёзувларни кидириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам машинадаги карточка образини қандайдир ёзувлар (ҳарфлар, рақамлар ва бошқа бегилар) билан боғлаш лозим. Бунда энг содда вариант–ҳар бир карточкага, ҳудди карточкали каталоглаги сингари ҳар бир карточканинг бош ҳарфи ёки сарлавҳа тавсифидаги алфавит ҳарфларидан бир неча ҳарфни мос қўйиш мумкин. Албатта бу усулда электрон каталог яратиш сканерлаш жараёни учун сарф қилинган ҳаражатларга нисбатан ўзини оқламайди.

Масала моҳиятига яна чуқурроқ қирайлик: каталог карточкасининг олд ва орқа қисмлари ва образлари учун маълумотлар элементларининг машина ўқий оладиган бир неча муҳим қидирув майдонларини шакллантирайлик. Масалан, дастлаб индивидуал ва жамоавий муаллифлар, сарлавҳалар, нашр этилган йил, майдонлари билан чекланиш мумкин. Маблағларнинг пайдо бўлиши билан бу соҳадаги ишларнинг кенгайтириш мумкин. Бу соҳадаги ишларнинг мукамал варианты бу библиографик ёзувларнинг тўлиқ формати (MARC формат типидеги) эришишдир.

Электрон каталог ресурсларига киришни таъминловчи каталог карточкалари образига мос, машина ўқий оладиган библиографик ёзувлар элементларини шакллантириш усули, кейинги йилларда эски каталогларни конверсиялашнинг рационал ва тежамли усули сифатида қаралмоқда. Бундай

ишларнинг мазмуни шундан иборатки, оператор дисплей экранида бир пайтнинг ўзида каталог карточкасининг олд ва орқа қисмларини ва MARC форматида асосланган библиографик ёзув элементларини киритувчи макетини куради. Карточка образига қараб, оператор клавиатура орқали маълумотларни бирин–кетин форматнинг мос майдонларига кирита бошлайди. Бундай соҳада ишловчи фирмалар, меҳнат тақсимотини туғри йўлга қўйиб ва ўз операторларини тор ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бир–бирига бир–икки майдон ва майдон остини тўлдиришни топширишади. Демак, оператор форматдаги барча майдон ва майдон ости маълумотларини тўлиқ ўзлаштириши шарт эмас. Ҳар бир оператор ўзига беркитилган майдонларни тўлдиради. Шундай қилиб формат майдонларини тўлдириш жараёнида, оператордан операторга ўтган сари библиографик ёзувлар мукамаллашиб боради. Шундан сўнг бир қатор дастурий назорат ва библиограф томонидан тўлиқ ёки танлаб текширув ўтказилади.

Каталогларни ретроконверсиялашда белгилар образларини дастурий аниқлаш усулларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Умуман олганда бу усул қўйидагича бажарилади: машина дастурига, ҳужжатларда учраши мумкин бўлган турли туман белгилар образлари киритилади. Образларни аниқлашга мўлжалланган махсус дастур, ҳужжат саҳифаси образини (масалан, карточка образини) ўқийди ва у ерда учратган барча белгиларни ўзининг хотирасидаги белгилар образлари билан таққослайди. Дастур ўз ишининг натижаси сифатида экранда «аниқланган» матнни акс эттиради. Бу матнда дастур танимаган белгилар ҳам учрайди. Албатта бу образнинг бирор-бир қисмини, дастур, умуман «танимаслиги» мумкин. Баъзи бир ҳолларда, каталог карточкаларининг сифати юқори бўлганда, масалан карточкалар китоб шаклида бўлганда, кучли дастурий таъминот ва батафсил тузилган маълумотнома, луғатлардан фойдаланиш ҳисобига вақтдан ютиш ва маблағлардан иқтисод қилиш мумкин. Аммо, бизнинг кутубхоналардаги каталог карточкаларининг сифати жуда кўп ҳолларда бундай талабга жавоб бермайди, чунки карточкалардаги ёзувларнинг бир қисми ёзув машинкасида қолган қисми эса қўлда ёзилган, чизилган, бўялган, ноаниқ ёзилган қисмлар бор. Кутубхоначилик амалиётидан яхши хабардор бўлмаган мутахассисларнинг бундай каталог карточкаларини тўғри «тушунадаган» дастур яратиши амалда мумкин эмас. Бундан ташқари белгиларни дастурий воситалар ёрдамида «таниш»да 2–5% ҳатоликка йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам умуман олганда карточкаларга автоматик равишда ишлов бериш, қўлда ишлов беришга нисбатан қимматга тушиши мумкин.

Ретроконверсия билан шуғулланувчи Россиянинг икки фирмасини фаолияти билан танишиб чиқайлик. *ГИПЕР* фирмаси карточкали каталогларни ретроконверсиялаш бўйича жиддий тажрибаларга эга. Бу фирма, белгилар графикасини аниқлаш ва уларни MARC формат майдонларига жойлаштириш жараёнларини максимал автоматлаштиришни, саводхонликни назорат қилишни, ретроконверсия жараёнида инсон қатнашувини минималлаштириш йўлидан бормоқда. Бу йўналишда иш олиб

бораётган фирма «Чет эл адабиётлари Бутун Россия Давлат кутубхонаси» каталогини электрон шаклга ўтказиш билан шуғулланмоқда. Карточкалар образларига автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш, асосан олинаётган маълумотларнинг турли дастурлар назорат қилиш ва аниқлаш тизимларини катъий мослаш ҳисобига амалга оширмоқда. Булар—белгилар график тасвирининг эталон—файллари, маълумотномалар формат майдонлари бўйлаб ахборотни тўғри жойлаштирувчи классификаторлар, тўғри ёзишни назорат қилувчи тил маълумотномалари, очкич сўзлар маълумотномалари ва бошқалардир.

«ПроСофт—М» фирмаси кутубхоналар карточкаларини ретроконверциялаш жараёнида ўзларининг юқори малакали ходимларига қаттиқ суяниб ишни ташкил қилган. Бу ерда библиографик ёзувлар, карточкаларнинг экрандаги тасвирларидан фойдаланиб, формат майдонларига қўлда терилади ва алоҳида жараёнлар технологияси жуда қаттиқ автоматлаштирилган ҳолда назорат қилинади, ишлаш учун максимал қулай шароит яратилади. Бу фирма Россия Давлат кутубхонасининг 1826—1917 йиллардаги Рус китоблари йиғма каталогини ретроконверциялаш билан шуғулланган ва бу соҳада жуда юқори натижаларга эришган.

Бу икки фирманинг карточкали каталогларни ретроконверциялаш технологиясини россия давлат кутубхонаси (РДК) текшириб кўрган ва уларнинг ўзларига топширилган ишни жуда юқори даражада бажарганлиги, ишга маъсулият билан ёндошганлигини таъкидлаганлар. Фирмалар, қоғоз карточкалардан тўғридан—тўғри клавиатура орқали маълумотларни киритиш технологиясидан фойдаланмаганлар. Улар қўллаган технологияда каталог карточкаларни дастлаб махсус сканерларда ўқиб, карточкаларнинг машина (рақамли) тасвирлари ҳосил қилинган ва кейинчалик машина ўқий оладиган ёзувлар, карточкалар образлари асосида, турли технологияларни қўллаш ёрдамида шакллантирилган. Аммо эски карточкаларни сифати жуда кўп ҳолларда талабга жавоб бермаслиги, карточкалардаги белгиларни автоматлаштирилган ҳолда аниқлашга имкон бермайди. Демак бундай ҳолларда «ПроСофт—М» фирмаси қўллайдиган технологиянинг афзалликлари кўринади. Ҳудди шундай технологияни Франциянинг «ЖУВ» фирмаси ҳам таклиф этган.

Каталогларни ретроконверциялашда, бошқа ҳар қандай жиддий ишлардаги сингари, муваффақиятга эришиши учун, бу соҳа бўйича катта тайёргарлик ишларини олиб бориш ва технологик жараёнларни самарали бошқарувга эришиш талаб этилади. Бунда, автоматлаштирилаётган объектни (каталог карточкасини) текширишни ташкил қилиш, масаланинг кўйилишини аниқ ишлаб чиқиш, қаердадир объект фрагментларининг электрон нусхалари бўлса, уларни излаб топиш, иш усулини ва бажарувчиларни танлаш, жуда муҳим ҳисобланади.

Карточка ёки босма (китоб) шаклдаги каталогларни ретроспектив конверциялаш, яъни уларнинг электрон шаклга ўтказиш, каталогдан фойдаланувчиларнинг қаерда жойлашган-лиги ва қачон уларга мурожаат

килишларига боғлиқ бўлмайди шунингдек библиографик маълумотларни сақлашни ҳамда қидиришнинг янги имкониятларини таъминлайди. Россияда РДК ва бошқа бир қатор кутубхоналарда «Электрон кутубхоналар яратиш» ва «Хужжатларни электрон усулда етказиб бериш» лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Бу лойиҳаларни амалга оширишда, электрон хужжатлар массиви учун маълумот кидирув аппаратининг йўқлиги, узоқдан туриб библиографик ёзувларни қидириш ва буюртма бериш воситаларини тўлиқ ишга туширилмаганлиги катта қийинчиликлар тўғдиради.

Каталогларни ретроконверциялаш одатда, босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда кутубхоналар ўз кучлари билан ёки бошқа ташкилотларни бу ишга жалб қилган ҳолда, ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, мамлакатнинг етакчи кутубхоналарини бу соҳадаги фаолиятларини мувофиқлаштириб ретроконверцияни амалга оширадilar. Каталогларни ретроконверциялашни режалаштиришда аввало мавжуд кадрлар ва молиявий имкониятлар чамалаб кўрилиши зарур. Мақсадни аниқ қўйиш, қатъий йўриқнома ва график асосида иш жараёнини назорат қилиш лозим бўлади. Мавжуд электрон каталоглардан ва бошқа электрон ресурс(заҳира)лардан фойдаланишнинг имкониятлари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Ретроконверцияни нормал ташкил қилиш учун кафолатланган йиллик молиявий маблағларга эга бўлиш талаб этилади. Ишнинг босқичма-босқич олиб борилиши (каталогни танлаш) фақат уни фойдаланувчилар тақдим қилишга боғлиқ бўлмай, балки ишни тугаллаш учун зарур бўлган молиявий имкониятларга ҳам боғлиқдир. Албатта тугалланмаган бир неча ишларнинг юзага келишига йўл қўйилмайди. Ретроконверцияни йил давомида узлуксиз равишда маблағ билан таъминлаш имконияти бўлмаганда, каталогнинг қандайдир бир маънода тугалланган қисм ретроконверция учун танлаб олиш мумкин. Масалан, маълум бир муаллифлар гуруҳини (Ўзбек ёзувчиларини), аниқ бир жамоанинг муаллифлар (олий ўқув юртлари, давлат органлари), маълум бир мавзудаги нашрларни танлаш мумкин.

Ретроконверция жараёнини амалга оширишда қўйидаги асосий ишлар бажарилаши лозим:

Каталогни танлаш, маълумотлар оқимини ва тузилишини; библиографик ёзувлар элементларини ва уларни ифодаловчи форматни тавсифлаш;

Бошқа кутубхоналардаги ёки бошқа манбалардаги машина ўқий оладиган ёзувлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

Ишни ташкил қилишнинг энг қулай вариантини, энг қулай технология, дастурий ва техник таъминот танлаш;

Ишни молиялаштириш тартибини, бажарувчиларни ва иш бажариш графигини аниқлаш;

Техника воситаларини сотиб олиш;

Каталогни ретроконверция учун таёрлаш;

Машина ўқий оладиган библиографик ёзувларни шакллантиришга мўлжалланган йўриқномаларни ишлаб чиқиш, ёзувларнинг баъзи бир элементлари учун луғатлар, кодификаторлар тайёрлаш, каталог карточкалари мазмунини бевосита машина ўқий оладиган шаклга ўтказиш, сифатини назорат қилиш, таҳрирлаш;

Маълумотлар базасига локаль ва Интернет тармоқлари орқали киришни таъминлаш;

Каталогларнинг ретроконверциялашни умумий тамойилларини ажратиш кўрсатиши мумкин:

Ахборот карточка оригиналида қандай кўринишда берилган бўлса шундай киритилади;

Машина ёзувига ҳеч бир қўшимча ахборот киритилмайди;

Мавжуд маълумотларнинг анъанавий вариантыдан машина ўқий оладиган баъзи бир элементларини олиш мумкин (бу ретроспектив каталоглаштириш эмас, балки ёзувларни бошқа шаклга—электрон шаклга ўтказиш);

Ахборотларни халқаро стандартларга мос ҳолда структураларга ажратиш тавсия қилинади.

Каталогларни ретроконверциялаш лойиҳасини тузаётганда масалани аниқ қўйиш жуда муҳимдир. Хусусан, дастлаб, ретроконверцияланаётган каталогни тозалаб олиш керакми? Фонддан йўқолган китоблар карточкаларини конвертация қилмаслик учун, эҳтимол фондни инвентаризация қилиш лозимдир. Бу босқичда олинган натижа кутубхона каталоглар тизимининг батафсил тавсифи: каталогнинг фондга мос келиши, каталогларнинг типи (алфавит, предмет, тизимий, топографик), каталогдаги карточкалар кўриниши (кўлёзма, принтерда босилган, ёзув машинкасида босилган, турли ёзувлар ёпиштирилган карточка) бўлиши лозим.

Жаҳон тажрибасида ретроконверцияни ўтказиш учун танланадиган каталогларнинг устиворлиги қўйидагиларда кўринади:

Тўлиқ ва аниқ ахборот манбаларига эга каталоглар;

Фонднинг энг муҳим ва фойдаланувчилар томонидан энг кўп фойдаланилаётган қисмини акс эттирувчи каталоглар;

Бошқа каталоглар билан энг кўп кесишмаларга эга бўлган каталоглар (агарда битта китобнинг ўзи кутубхонанинг турли каталогларида акс этса).

Ретроконверцияни мувоффақиятли олиб бориш учун кейинги қадам бу—танланган каталогни компьютерга киритишга таёрлашдан иборат. Бунда конверция учун карточкалар танланади ва каталог карточкаларидаги ахборотларни компьютерга киритишга тайёрланади. Библиографик ёзувларни шакллантириш асосий карточкалар орқали бажарилади, агарда улардаги ахборот етарли бўлса (қўшимча ёзувлар ёки сарлавҳа, ҳужжатнинг барча нусхалари шифрларининг мавжудлиги) акс ҳолда барча карточкаларга ишлов берилади. Аммо бу ҳолда маълумотлар базасини такрор ёзувлардан тозалаб туриш керак бўлади. Карточкадаги маълумотлар базасига киритиш керак ўлмаган ҳамма ахборотларни ўчириш керак ёки киритилиши керак

бўлмаган бундай ахборотлар руйхатини йўриқномада кўрсатиш лозим бўлади (масалан, бошқа каталогларга боғланиш, каталоглаштирувчининг номлари ва бошқа маълумотлар). Бундан ташқари бир хил ахборот карточканинг бир неча жойларида такрорланмаяптими (масалан, муаллиф номи турли шаклда).

Агарда босма каталоглар ретроконверцияланаётган бўлса, қўйидагиларни бажариш зарур:

Библиографик ёзувларнинг аниқ бир схема бўйича йиғилаётганлигини аниқлаш керак (такрорланган номларни ўчириш; агарда иерархик структура берилмаган бўлса – уларни номерлаш);

Агарда библиографик ёзувларда кесишган боғланишлар (перекрестные ссылки) учраса, уларни маълумотлар базасига киритиш керак ёки керак эмаслигини аниқлаш;

Агарда библиографик ёзувларнинг барчаси киритилмаса, керак бўлмаганларини ўчириш лозим; кўрсаткичларни таҳлил қилиш: бир қатор маълумотлар учун умумий кўрсаткич: индивидуал муаллифлар номлари, жамоавий муаллифлар номлари, предмер рубрикалари, аноним муаллифлар асарлари номлари (ҳар бир маълумотни идентификация қилиш учун кодлаштириш тизимини ишлаб чиқиш);

Библиографик ёзувлар билан боғланиш учун уларни фарқлаб турувчи белги сифатида қандайдир номерлардан (кодлар, шифрлар) фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш. (Масалан, ёзув номери ёки сақлаш шифри).

Кутубхонада ишлатиладиган барча каталоглар учун турли намунадаги сақлаш шифрларини (токча(полка) индекслари) тўплаш фойдалидир.

Сўнгра ёзувлар структурасини ифодалаш ва ёзув элеменларини ифодалочи форматни аниқлаш лозим. Албатта бундай ҳолда, кутубхонадаги бошқа электрон каталоглар формати ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Тайёргарлик ишлари тугагач, бажарувчиларни танлашга ўтиш мумкин. Кўпгина кутубхоналар ретроконверцияни ўз кучлари билан ўтказишни истайди. Аммо жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки ретроконверцияни малакали мутахассисларга жалб қилинадими ёки кутубхона ўз кучи билан бажарадими, бундан қатъий назар, натижага қўйилган талаблар, аниқ тасдиқланган ва расмийлаштирилган ҳужжат кўринишида бўлиши зарур. Ҳалқаро амалиётда бунда ҳужжат «спецификация» деб ном олган.

Агарда кутубхона ретроконверцияни ихтисослашган бирор фирмага топширмоқчи бўлса, одатда танлов (тендер) эълон қилади ва танлов натижасига кўра энг қулай таклифни қабул қилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам пудратчи қўйилган масалани мукамал тушунадиган ва белгиланган муддатда «спецификация»да кўрсатилган ишларни аъло даражада бажара оладиган бўлиши лозим. Бунда «нарх-сифат» муносабатлари энг қулай бўлишига эътибор бериш яхши натижа беради.

Пудратчига қўйилган масала сифатида тақдим қилинадиган ҳужжатда қўйидагиларни тасвирлаш лозим:

Кутубхонани автоматлаштириш объекти сифатида тасвирлаш (фонд, кутубхоналар, ахборот оқимлари ва бошқалар ҳақидаги статистик маълумотлар);

Ретроконверсиялашга мўлжалланган каталогларни тасвирлаш;

Карточкалардаги библиогарфик ахборотлар ва уларни ифодалаш усуллари тасвирлаш; бошқа майдонлардан олиниб ёки маълумотномалардан олиниб тўлдирилаётган майдонни тасвирлаш (масалан, мамлакатлар кодлари, тиллар кодлари);

Чеклашлар;

Талаб қилинаётган сифат даражаси (аниқ бир ёзувлар массивида йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳатоликлар сони, ҳатоликлар сонини маълум бир сондан ошгач массив қайтадан тўлдирилади);

Зарур ҳолларда қўшимча конвертация қилинган ёзувларнинг ихтиёрий кўриниши тасвирланиши лозим;

Мажбурий жараёнлар: юклашни ва киритишни тестдан ўтказиш, талаб қилинаётган форматларни ва стандартларни тестдан ўтказиш.

Ҳужжатдаги каталог карточкаларидан намуналар илова қилиниши лозим. Фирмага, кутубхона каталогидан олинган маълумотлар массиви асосида тест ишлови ўтказишни таклиф қилиш ва у асосида бажарувчининг талабни бажара олиш қобилиятини кўриш тавсия қилинади.

Маълумотларнинг катта массивлари сифатини назорат қилиш, агарда библиографик ёзувлар массивларни тўлиқ текшириш имконияти бўлмаганда, тасодифий танлаб текшириш орқали бажарилади. Маълумотлар массивини текшириш режаси ва сифат даражасини аниқлаш тамойиллари ISO2859 да кўрсатилган. Агарда танлаш орқали текширилганда сифат даражаси талабга жавоб бермаса, аниқланган ҳар бар тип ҳатолик учун расмий ҳужжат тузилади ва карточкалар массиви қайта ишлов бериш учун жўнатилади. Массив қайта тўлдирилгандан сўнг яна танлаб назорат ўтказилади. Ретроконверцияни сифатли ўтказиш учун аниқ ва батафсил тузилган йўриқнома тайёрлаш лозим. Бу йўриқномада, ҳар бир майдон учун конвертация қилинаётган маълумотларни тасвирлаш, уларни карточкаларда ифодалаш ва электрон шаклга ўтказиш қоидалари кўрсатилиши лозим. Хусусан қўйидагилар тасвирланиши керак:

Белгиларни киритиш қоидалари;

Карточкаларда учраши мумкин бўлган ортиқча ахборотларни аниқлаш белгилари;

Формал белгилар асосида ахборотларни майдонлар ва майдон остига тақсимлаш қоидалари;

Шифрлар ва кодларни машина ўқий оладиган шаклга ўтказувчи стандарт қоидалари (масалан, сақлаш шифрлари);

Махсус ҳолларда ишлаш қоидалари (даврий нашрлар, кўп томликлар ва ҳ.к.з.).

Йўриқномада, турли майдонларни тўлдириш намуна сифатида кўрсатилиши ва уларга мос карточкаларнинг тўлиқ намунаси илова

килиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Ретроконверсия билан бир каторда, муаллифлар номлари, жамоалар номлари, географик номлар ва бошқалар учун авторитет/норматив ёзувларни ҳам шакллантира бориш фойдалидир. Бундай библиографик ёзувлар бўйича назорат олиб бориш керак бўлади. Ретроконверсия билан бир пайтда сақлаш birlikлари учун штирх-кодлар ҳам юритила бошланади.

Шундай қилиб кутубхона ўзи танлаган фирмага, каталог карточкаларидаги библиографик ёзувларни беради (бу–тизимга кирувчи ахборотлардир). Технологик жараёндан чиқишда эса, фирма томонидан, фақатгина карточкаларнинг образи (расми) эмас, балки машина ўқий оладиган шаклдаги библиографик ёзувлар таъминланади, бу ердаги ёзувларнинг ҳар бири белгиси худди клавиатурада терилганидек бўлади. Ҳали бу ҳам ҳаммаси эмас: библиографик ёзув элементлари аниқ бир формат (масалан, USMARC) майдонларига тарқатилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, каталогларни ретроконверсиялаш жараёни технологиясини кўриб чиқдик. Юқоридагалардан маълум бўлдики каталогларни ретроконверсиялаш, қимматбаҳо дастурлар, юқори сифатли техника воситалари ва кучли мутахассислар талаб қилинадиган жараён экан. Шунинг учун ҳам жаҳондаги кўплаб кутубхоналар бу вазифани ихтисослаштирилган фирмаларга топширишни ёки тайёр библиографик маълумотлар базаларини олишни мақул кўришади.

Назорот учун саволлар

1. Карточкали ва китоб шаклидаги каталогларни ретроконверсиялашнинг турлари қандай?
2. Ретроконверсия билан шуғулланувчи қанақа фирмалар бор ва улар иш жараёнини қанақа кўринишда ташкил қилган?
3. Ретроконверциялашнинг амалий аҳамияти қандай?
4. Ретроконверсия жараёнини амалга оширишда бажарилиши лозим бўлган асосий ишлар нималар?
5. Карточкаларнинг ретроконверциялашнинг умумий тамойиллари қанақа?
6. Жаҳон тажрибасида ретроконверсияни ўтказиш учун танланадиган каталогларнинг устиворлиги нималарда кўринади?
7. Босма каталогларни ретроконверсияланадиган бўлса қандай ишларни амалга ошириш керак?
8. Пудратчига қўйиладиган масала сифатида тақдим қилинган ҳужжатда тасвирланиши керак бўлган нарсалар нима?
9. Белгиларни киритиш қоидалари нималар?

ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ ФАНИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

Вариант №1

1. Электрон каталогнинг асосий вазифалари неча қисмдан иборат?

A. 5 та; B. 4 та; C. 6 та; D. 7 та;

2. Электрон каталогнинг асосий вазифалари қайси жавобда тўлиқ ва аниқ келтирилган?

A. Кутубхона фонди таркиби ва мазмунини ҳар томонлама очиб бериш ҳамда кутубхона фондида мавжуд ҳужжатлар шаклидаги ахборотларни кўп қиррали тезкор қидирувини таъминлаш;

B. Кутубхона ресурсларини Интернет тармоғи орқали жаҳон ахборот захиралари билан интеграциялашувини таъминлаш ва ахборотларни ҳимоя қилиш;

C. Фойдаланувчилар учун ахборотлардан фойдаланиш учун ҳамда ахборотлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш;

D. A, B ва C жавоблар.

3. Англия ва Ирландия университетларининг йиғма электрон каталоги COPAC қайси протокол асосида ишлайди?

A. Z39.50; B. HTTP; C. FTP; D. TCP/IP.

4. Ohio College Lidrарy Center (OCLC) қачон ва қаерда ташкил қилинган?

A. 1976 йилда АҚШдаги Огайо штатида;

B. 1976 йилда Канадада;

C. 1967 йилда АҚШдаги Огайо штатида;

D. 1967 йилда АҚШда.

5. Европа ҳамжамиятининг 4-дастури қандай номланган?

A. «NSF»; B. «KEC»; C. «ELIB»; D. «NASA».

6. Карточкали каталогдан электрон кўринишли каталогга ўтиш йўллари неча турда амалга оширилади?

A. 2; B. 3; C. 4; D. 5.

7. Йиғма ЭК яратишнинг асосий шарти нима?

A. Корпоратив ахборот тизимини яратиш;

B. Интернет ахборот тизимини яратиш;

C. Интранет ахборот тизимини яратиш;

D. A ва B жавоблар.

8. Йиғма каталогнинг самарадорлиги нималарда кўринади?

A. Кутубхоналар ўз локал электрон каталогини шакллантириш имкониятига эга бўлади ва йиғма каталогни шакллантиришда кооперацияга кирган ҳар бир иштирокчи кутубхонага бошқа иштирокчи кутубхонанинг ахборот кутубхона захиралари (ЭК)дан фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

B. Йиғма каталогнинг тайёр ёзувларидан фойдаланиш йўли билан нашрларни каталоглаштиришга сарфланадиган оғир меҳнат қисқартирилади ва тезкор библиографик қидирув имконияти пайдо бўлади;

C. Ахборот фондлари ва захираларини самарали айирбошлаш имконияти яратилади ва ҳар хил ахборот маҳсулотлари (кўрсаткичлар, бирор мавзу

бўйича маълумотлар базаси ва ҳ.к.) хусусан, миллий нашр сономасини яратишга имкон туғилади;

D. A, B ва C жавоблар. \

9. Йиғма ЭК таркибига қандай ички тизимлар киритилган?

A. Нашрларнинг библиографик тасвирини ўз ичига олувчи йиғма реляцион маълумотлар базасини юритиш ва кооператив каталоглаштириш;

B. Меъёрий маълумот ахборотларини, калит сўзлар ва синонимлар луғати, дескриптор луғат – тезауруслар, унификацияланган тасниф тизимларини, библиографик элементлар қийматларининг меъёрий (авторитет) ёзувларини ўз ичига олган лингвистик маълумотлар базаси яратиш ва юритиш;

C. Йиғма ва лингвистик маълумотлар базасига WWW- тармоқ орқали он-лайн режимида қирувчи библиографик фаолиятини амалга ошириш ва ахборот хизматини кўрсатиш; Унификациялашган библиографик тасвир ва библиографик ёзувларни айирбошлаш формати;

D. A, B ва C жавоблар.

10. «MARC1» лойиҳаси нечанчи йилда ишлаб чиқилган?

A. 1967 йилда; B. 1966 йилда; C. 1976 йилда; D. 1965 йилда.

11. «MARC –UBCIM» халқаро тармоғини яратиш бўйича халқаро дастур нечанчи йилда ишлаб чиқилган?

A. 1969 йилда; B. 1971 йилда; C. 1974 йилда; D. 1977 йилда.

12. MARC форматни ривожлантириш лойиҳаси қайси йили ва IFLAнинг нечанчи сессиясида кўриб чиқилди?

A. 1969 йили 35 сессиясида; B. 1969 йили 37 сессиясида;
C. 1967 йили 35 сессиясида; D. 1969 йили 33 сессиясида.

13. Халқаро «UNIMARC» универсал коммуникатив формати қайси гуруҳ томонидан ишлаб чиқилди?

A. CPA; B. IFLA; C. RLG; D. A ва C жавоблар.

14. «UNIMARC AUTHORITIES» формати нечанчи йилда эълон қилинган?

A. 1991 йилда; B. 1990 йилда;
C. 1994 йилда; D. 1987 йилда.

15. Англия ва Ирландия университетларининг йиғма электрон каталоги да қидирувни қандай чеклаш мумкин?

A. Вақт оралиғи орқали; B. Ҳужжат тили орқали;
C. A ва B жавоблар; D. A, B ва яна «*» белгиси орқали.

16. Сканер - бу

A. Ахборот ва дастурий ресурслардан биргаликда фойдаланиш мақсадида ўзаро бирлаштирилган компьютерлар мажмуидир;

B. Бу ахборотларни жўнатувчи ва қабул қилувчи махсус қурилма;

C. Матнли ва график ахборотларни компьютер хотирасига киритувчи қурилма;

D. Бу қурилма бир пайтнинг ўзида бир неча СД-дискларни жойлаштириш ва турли манбаларга мурожаат қилиш имкониятини беради.

17. Локал тармоқ нима?

- A. Ахборот ва дастурий ресурслардан биргаликда фойдаланиш мақсадида ўзаро бирлаштирилган компьютерлар мажмуидир;
B. Бу ахборотларни жўнатувчи ва қабул қилувчи махсус қурилма;
C. Матнли ва график ахборотларни компьютер хотирасига киритувчи қурилма;
D. A ва B жавоблар.

18. CD tower нима?

- A. Бу ахборотларни жўнатувчи ва қабул қилувчи махсус қурилма;
B. Бу қурилма бир пайтнинг ўзида бир неча СД - дискларни жойлаштириш ва турли манбаларга мурожаат қилиш имкониятини беради.
C. Матнли ва график ахборотларни компьютер хотирасига киритувчи қурилма;
D. Ахборот ва дастурий ресурслардан биргаликда фойдаланиш мақсадида ўзаро бирлаштирилган компьютерлар мажмуидир.

19. Махсус дастурий таъминотнинг таърифи қайси жавобда тўғри келтирилган?

- A. Бу бирор предмет соҳаси билан боғлиқ;
B. Аниқ амалий масалаларни автоматлаштириш учун мўлжалланган дастур ёки дастурлар мажмуи;
C. A ва B жавоблар;
D. Бу амалий масалалар дастури.

20. Автоматлаштирилган иш жойи бу -

- A. аниқ кутубхона жараёнларининг (мисол учун, каталоглаш, фондни тўлдириш ва бошқалар) бажаришни автоматлаштириш учун мўлжалланган махсус дастур модуллари;
B. аниқ кутубхона жараёнларининг (мисол учун, каталоглаш, фондни тўлдириш ва бошқалар) бажаришни автоматлаштириш учун мўлжалланган махсус дастур модуллари;
C. аниқ кутубхона жараёнларининг (мисол учун, каталоглаш, фондни тўлдириш ва бошқалар) бажаришни автоматлаштириш учун мўлжалланган махсус дастур модуллари, ташкилий техникавий ва ҳисоблаш техникаси воситаларининг керакли жамланмасини ўз ичига олувчи техник дастурий комплексдир;
D. Ташкилий техникавий ва ҳисоблаш техникаси воситаларининг керакли жамланмасини ўз ичига олувчи техник дастурий комплексдир.

21. Автоматлаштирилган иш жойларини яратиш тамойиллари неча қисмдан иборат?

- A. 5; B. 2; C. 3; D. 4.

22. Китобхоннинг автоматлаштирилган иш жойи қандай хусусиятларга эга?

- A. У махсус билимга эга бўлмаган китобхонларга мўлжалланган бўлиб, қулай ва мувофиқ интерфейсга эга ҳамда ЭКни ташкил этувчи бир неча маълумотлар базалари билан ишлаш имконияти;

В. Библиографик тасвир барча асосий элементлари ва улар комбинациялсум асосида ЭК маълумотлар базасида тезкорлик билан қидирувни таъминловчи воситаларининг мавжудлиги ҳамда буюртмаларни шакллантириш ва ҳужжатларни беришда қоғозсиз технологиянинг мавжудлиги;

С. Фойдаланувчилар тайёргарлик даражасини турличалиги ҳисобга олинган, яъни бир хил натижага икки йўл билан эришиш мумкин: тажрибаси кам фойдаланувчилар эса бир операциянинг ўзидаёқ мақсадга эришишлари мумкин;

Д. А,В ва С жавоблар.

23. Каталоглаштирувчининг АИЖ нимага мўлжалланган?

А. ЭК маълумотлар базасини шакллантирувчи кутубхона ходими бажарадиган барча функцияларни (Маълумотлар базасини тўлдириш ва тўғирлаш, автоматлаштирилган ҳолда бажаришга мўлжалланган;

В. ЭК маълумотлар базасини шакллантирувчи барча функцияларни бажаришга мўлжалланган;

С. А ва В жавоблар;

Д. ЭК маълумотлар базасини шакллантирувчи кутубхона ходими бажарадиган барча функцияларга мўлжалланган.

24. Автоматлаштирилган кутубхона тизимларида қанақа қўшимча АИЖ яратиши мумкин?

А. «Кутубхонани бошқариш», «Кадрлар»;

В. «Кутубхонани бошқариш», «Бухгалтерия»;

С. «Кутубхонани бошқариш», «Кадрлар», «Бухгалтерия».

Д. В ва С жавоблар.

25. Китоб берувчининг АИЖ қандай хусусиятларга эга?

А. Буюртмаларни навбат билан бажарувчи ва берилган ҳужжатлар ҳисоботини олиб борувчи қулай ва содда технология ҳамда буюртма берилган адабиётларнинг фондда борлиги ҳақидаги ахборотларнинг аниқ вақтда тезкорлик билан таъминланиши; Берилган адабиётлар ва уни олган китобхон ҳақидаги ахборотларни аниқ вақт ичида тезкорлик билан таъминлаш ҳамда қайтариб топширилаётган ҳисобга олувчи содда технология;

В. Берилган ва қайтариб топширилган адабиётларни китобхон карточкасида ҳисобга олиш имкониятига эга ҳамда китоб бериш ва қайтариб олиш жараёнлари ҳақидаги статистик маълумотларни олиш имконияти: хусусан, қайтарилган ва берилган китоблар сони ҳақидаги маълумотларни олиш;

С. Китоб бериш ва қайтариб олишни тезлаштиришга мўлжалланган технологиянинг мавжудлиги, китобхонлар билетлари ва нашр экземплярларида қўйилган бўлади.

Д. А, В ва С жавоблар.

26. Маъмурнинг АИЖ қандай АИЖ ҳисобланилади?

А. Автоматлаштирилган кутубхона ахборот тизими маълумотлар базалари устида операциялар бажариши, маълумотлар базасининг доимо ишга тайёр бўлиши ва ишончли сақланишига жавобгар бўлган юқори малакали

мутахассиснинг АИЖДир; В. Маълумотлар базасининг доимо ишга тайёр бўлиши ва ишончли сақланишига жавобгар бўлган юқори малакали мутахассиснинг АИЖДир;

С. Автоматлаштирилган кутубхона ахборот тизими маълумотлар базалари устида операциялар бажарувчи АИЖДир;

Д. А ва С жавоблар.

27. Автоматлаштирилган кутубхоналар учун кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?

А. «Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари» таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ўқув режасини амалиётга татбиқ қилиш самарасини кескин ошириш яъни ўқув режасидаги фанлар мазмунини замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш ва барча фанларни янги ахборот технологиялари асосида ўқитишга эришиш;

В. Институт кутубхонасини тўлиқ автоматлаштиришга эришиш. Тўлиқ автоматлаштирилган кутубхона тизими билан талабаларни ва кутубхона ходимларини ишлай олишга ўргатиш; Хорижий мамлакатларда кутубхоналарни автоматлаштиришга оид чоп этилган адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш, тайёрланаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг нашр этишни қўллаб қувватлаш ҳамда республика университетларида кутубхоналарни автоматлаштириш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлашга киришиш;

С. Автоматлаштирилган кутубхоналар учун кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш масалаларини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда кутубхоналарни автоматлаштириш бўйича махсус курслар ташкил қилиш: «Компьютер саводхонлиги», «ИРБИС тизимини ўрганиш», «Кутубхоналарда Интернетдан фойдаланиш», «Сканерлаш усуллари» ва бошқалар;

Д. А, В ва С жавоблар.

28. Ахборот қидируви нима?

А. В ва Е жавоблар;

В. Ҳужжатларни қидириш жараёнидир;

С. Бу АҚТнинг сақлаш қурилмасида сўровга мос келувчи ҳужжатларни қидириш жараёнидир;

Д. Сўровга мос келувчи ҳужжатларни қидириш жараёнидир.

29. Ҳужжатли қидирув деганда нима тушунилади?

А. Бу олинган сўровга мос келувчи ҳужжатни АҚТнинг сақлаш қурилмасидан топишга ва кейинчалик ҳужжатнинг ўзини ёки нусхасини беришга мўлжалланган ахборот қидирувидир;

В. АҚТнинг сақлаш қурилмасидан топишга ва кейинчалик ҳужжатнинг ўзини ёки нусхасини беришга мўлжалланган ахборот қидирувидир;

С. Бу олинган сўровга мос келувчи ҳужжатни АҚТнинг сақлаш қурилмасидан топишга мўлжалланган ахборот қидирувидир;

Д. Ҳужжатнинг ўзини ёки нусхасини беришга мўлжалланган ахборот қидирувидир.

30. Кутубхонавий қидирув нима?

- А. Бу бирламчи ҳужжатни кутубхонанинг фондидан топиш мақсадида амалга ошириладиган ҳужжат қидирувидир;
- В. Қидирувга мос келувчи АҚТ эса кутубхона ахборот қидирув тизими дейилади;
- С. Ҳужжатли қидирувда ахборот истеъмолчиси ҳужжатдан ўзини қизиқтирган фактларни ўзи ажратиб олади;
- Д. А ва В жавоблар.

31. Фактографик тасвир деганда нима тушинилади?

- А. Объект (жараён, ҳодиса)га мос келувчи маълумотлар (белгилар, таснифлар) тўпламидир;
- В. Қандайдир объект (жараён, ҳодиса)га мос келувчи маълумотлар (белгилар, таснифлар) тўплами тушинилади;
- С. А ва В жавоблар;
- Д. Қандайдир объект (жараён, ҳодиса)га мос келувчи маълумотлардир.

32. Дискрет ташувчиларнинг вазифалари нима?

- А. Ахборот ташувчилар ёзувларнинг олдиндан ўрнатилган кетма - кетлигига эга ва бунда саралаш талаб қилинмайди (магнит ленталар, дисклар, микрофильмлар);
- В. Бу алоҳида ёзувлар бўлиб, қидирув жараёнида уларни сархиллаш ҳам мумкин бўлади (микрокарта, перфокарта);
- С. Ахборот ташувчилар ёзувларнинг олдиндан ўрнатилган кетма - кетлигига эга;
- Д. Бу алоҳида ёзувлардир.

33. АҚТнинг асосий компоненталари қайси жавобда тўғри келтирилган?

- А. Ахборот қидирув тилидан ташкил топган мантикий семантик аппарат ҳамда ахборот қидируви амалга ошириладиган объектларнинг ахборот қидирув массиви;
- В. Объектларнинг ахборот қидирув массивларини сақлаш ва қидиришни амалга оширадиган воситалар;
- С. Система билан мулоқотда бўладиган одамлар;
- Д. А, В ва С жавоблар.

34. Сўров қидирув образи нима?

- А. Бу ҳужжатнинг ахборот қидируви учун ишлатиладиган асосий мазмуний мундарижасини ахборот қидирув тилида ифодаловчи матн;
- В. Бу ахборот сўровининг мазмуний мундарижасини ифодаловчи матн;
- С. Бу ахборот сўровининг мазмуний мундарижасини ахборот қидирув тилида ифодаловчи матндир;
- Д. В ва С жавоблар.

35. Ҳужжатларни индекслаш жараёнини қисмлари қайси жавобда тўлиқ келтирилган?

- А. Берилган бирикмаларининг синтактик таҳлили ҳамда берилган сўзлар билан мазмунан мослик алоқаси бўлган тушунчаларни тезаурусдан қидириш;
- В. Ҳужжатнинг қидирув образини шакллантириш;

С. Берилган матндан индекслаш бўлакларини (сўзлар, сўз бирикмалари, гапларни) ажратиб олиш ҳамда ҳужжатларнинг формал тасвирлари сўзларининг морфологик таҳлили;

D. A, B ва C жавоблар.

36. Автоматлаштириш нима?

A. Жараёнларни амалга ошириш учун автоматлаштириш воситаларини татбиқ этиш;

B. Инсон меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида бу меҳнатнинг бир қисмини ЭХМ орқали бажариладиган тадбирлар тизими;

С. Жараёнларни амалга ошириш учун автоматлаштириш воситаларини татбиқ этиш: инсон меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида бу меҳнатнинг бир қисмини ЭХМ орқали бажариладиган тадбирлар тизими;

D. B ва C жавоблар.

«ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ» ФАНИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

Вариант №2

1. Электрон каталогнинг таърифи қайси жавобда тўғри келтирилган?

A. Машина ўқий оладиган кутубхона каталоги;

B. Реал вақт режимида ишлайди;

С. Кутубхона маълумот қидирув аппарати таркибий қисми ва автоматлаштирилган кутубхона ахборот тизимининг марказий звеноси ҳисобланилади;

D. A, B ва C жавоблар.

2. Электрон каталогнинг бажарадиган асосий функциялари неча қисмдан иборат?

A. 6 та;

B. 7 та;

C. 8 та;

D. 9 та.

3. Автоматлаштирилган кутубхона таърифи қайси жавобда тўғри келтирилган?

A. Автоматлаштирилган кутубхона – бу шундай кутубхонаки, унинг функцияси айниқса кутубхона ахборот хизмати асосан автоматлаштириш (компьютерлар, серверлар, ташкилий техника воситалари, дастурий комплекслар) ва телекоммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилади; B. Автоматлаштирилган кутубхона – бу шундай кутубхонаки, унинг функцияси яъни кутубхона ахборот хизмати компьютерлар ва серверлар ёрдамида амалга оширилади;

С. Автоматлаштирилган кутубхона – бу шундай кутубхонаки, унинг функцияси яъни кутубхона ахборот хизмати компьютерлар ёрдамида амалга оширилади;

D. A ва B жавоблар.

4. «ELIB» қайси мамлакатнинг миллий дастури?

A. Буюк Британиянинг;

B. Германиянинг;

С. Канаданинг;

D. АҚШнинг.

5. Электрон каталогнинг самарадорлигини асосий кўрсаткичи нималарда кўринади?

А. Карточкали каталогларга нисбатан электрон ёзувларда юқори тезликда қидириш;

В. ЭКни тез суръатларда кўпайтириш имкониятининг мавжудлиги, яъни зарурат туғилганда ЭКни керакли нусхада кўпайтириш ҳамда ЭКга масофадан туриб кириш;

С. А ва В жавоблар;

Д. ЭК қисқа вақт оралиғида катта ҳажмдаги ахборотларни кўриб чиқиш ва керакли адабиётни танлаб олишга имкон беради.

6. Карточкали каталогдан электрон кўринишли каталогга ўтишнинг йўллари қайси жавобда тўғри, аниқ ва тўлиқ келтирилган?

А. Матн библиографик карточкадан ЭК маълумотлар базасига клавиатура билан терилади; Библиографик карточка (БК) нусхаси сканер қилинади ва ЭКда библиографик ёзувлар бўйича қидирувни амалга ошириш ҳамда мос библиографик карточкаларнинг тасвирини қоғозга босиб чиқариш учун уларнинг асосий элементлари клавиатура орқали таҳрир қилинади;

В. Библиографик ёзувлар БКдан ёки кейинчалик аниқлаш мақсадида босма каталоглар саҳифаларини сканерлаш йўли билан киритилади;

С. Карточка тасвирини сканерлаш йўли билан киритиш ва уларни ЭКда оддий қидирув белгилари (алифбодаги ҳарфлар, ББК индекслари) бўйича содда, кетма-кет кўриб чиқиб қидирилади;

Д. А, В, ва С жавоблар.

7. Корпоратив ахборот тизими нималарни таъминлаши зарур?

А. Етакчи кутубхоналарга келиб тушувчи нашрларни ҳамкорликда каталоглаштириш ва классификациялаш;

В. Кутубхоналарнинг библиографик ёзувларини MARC форматида айирбошлаш;

С. Библиографик маълумотларнинг йиғма базасини шакллантириш ва кузатув назоратини олиб бориш ҳамда уларга интернет воситалари билан тармоқ режимида он-лайн мулоқотини бериш;

Д. А, В ва С жавоблар.

8. Йиғма каталогни шакллантириш ва ундан фойдаланишда қандай вазифалар ҳал этилиши зарур?

А. Меърий ёзувлар ва лингвистик маълумотлар базасини яратиш ва юритиш ҳамда муаммога йўналтирилган маълумотлар базаси, кўрсаткичлар, шу жумладан, миллий библиография яратиш; Лойиҳа иштирокчиси билан кутубхоналар ўзларига келиб тушган ҳужжатларни он-лайн режимида кооператив каталоглаштириш ва келиб тушган жорий ҳужжатлар библиографик ёзувлари файлларини миллий айирбошлаш форматида каталогнинг йиғма маълумотлар базасига киритиш;

В. Библиографик ёзувлар файлларини USMARC ва UNIMARC форматидан миллий форматга ва аксинча ўзгартириш ва ҳамда кутубхоналар локал системасида жамланган ретроспектив жамғармаси библиографик ёзувларини миллий форматга ўтказиш;

С. Фойдаланувчилар (кутубхона, кутубхоначи)нинг WWW - тармоқ воситасига ва йиғма маълумотлар базасига он-лайн киришни таъминлаш ҳамда кутубхоналарнинг локал каталогини тўлдириш учун он-лайн сўрови бўйича айирбошлаш миллий форматида библиографик ёзувлар файлларни яратиш;

D. A, B ва C жавоблар.

9. Йиғма каталог яратиш учун нима қилмоқ керак?

A. Нашрларнинг унификацияланган библиографик тасвирини ва ҳалқаро MARC (UNIMARC, USMARC. форматлари асосида библиографик ёзувларни айирбошлаш бўйича миллий форматни ташкил қилиш ҳамда нашрларни индекслаш, таснифлаш тизими ва кооператив каталоглаштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

B. Локал каталогларнинг ахборот яқдиллигини таъминлаш, индекслаш ва қидирув системалари яратиш мақсадида лингвистик таъминот (табiiй тил синонимлари ва ўзакларинг луғати, дискрептор луғати ва авторитет файллар) ишлаб чиқиш шунингдек интернетга чиқиш имконияти билан Intranet технологияси бўйича кутубхоналарнинг ахборот корпоратив компьютер тармоғини яратиш; USMARC ва UNIMARC форматларида мамлакатимизда ва чет элларда кутубхоналар орасида библиографик ахборотлар айирбошлашни таъминлаш;

C. Маълумотларнинг концептуал ва мантиқий моделини, каталогнинг йиғма библиографик маълумотлар базасини юритиш технологияси ва инструментал воситасини яратиш ҳамда WWW - тармоқ стандарт воситаси орқали фойдаланувчиларнинг каталог маълумотлар базасига он-лайн усулида киришини таъминлаш;

D. A, B ва C жавоблар.

10. «MARC1» лойиҳаси қайси мамлакатда ишлаб чиқилган?

A. AQШда; B. Англияда; C. Германияда; D. Канадада.

11. «MARC – UBCIM» (Universal Bibliographic Control) халқаро тармоғини яратиш бўйича ҳақаро дастур ишлаб чиқишда нечта мамлакат вакиллари қатнашишди?

A. 10та; B. 11та; C. 12та; D. 17та.

12. Халқаро «UNIMARC» универсал коммуникатив формати нечанчи йилда ишлаб чиқилди?

A. 1977 йилда; B. 1971 йилда; C. 1974 йилда; D. 1979 йилда.

13. «MARC» аббревиатураси нима маънони англатади?

A. Машина ўқий оладиган каталог;

B. Машина ўқий оладиган формат;

C. Каталоглаштиришнинг машина ўқийдиган формати;

D. Каталоглаштиришнинг машина ўқийдиган кўриниши.

14. «UNIMARC AUTHORITIES» формати қандай ёзувлар учун мўлжалланган?

A. Муаллиф номларини ёзиш учун;

B. Авторитет ёзувлар учун;

- C. Авторитет кўринишларни ёзиш учун;
D. Библиографик ёзувларни ёзиш учун.

15. Сервер нима?

- A. Бу компьютер бўлиб, у бевосита кутубхона жараёнларини автоматлаштириш (каталоглаштириш, фондни бутлаш ва ҳ.к)да фойдаланилмайди;
B. У умумий тизимли ресурсларга (ташқи хотира, маълумотлар базаси, дастурлар кутубхонаси, принтерлар, факслар ва бошқалар) кириш учун имкон берувчи ва бу ресурсларни тақсимловчи компьютердир;
C. Бу компьютер бўлиб, у бевосита кутубхона жараёнларини автоматлаштириш (каталоглаштириш, фондни бутлаш ва ҳ.к)да фойдаланилмайди, аммо у умумий тизимли ресурсларга (ташқи хотира, маълумотлар базаси, дастурлар кутубхонаси, принтерлар, факслар ва бошқалар) кириш учун имкон берувчи ва бу ресурсларни тақсимловчи компьютердир.
D. A ва B жавоблар.

16. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Асосий кутубхонасида электрон каталогни шакллантириш нечанчи йилдан бошланган?

- A. 1995 й; B. 1994 й; C. 1997 й; D. 1991 й.

17. Франциянинг йиғма электрон каталоги SUDOCда сўров учун қўшимча имкониятларни қайси менюдан олиш мумкин?

- A.View; B.Options; C.Filter; D. Вставка.

18. Автоматлаштирилган тизимнинг дастурий таъминоти неча қисмдан иборат?

- A. 2; B. 3; C. 5; D. 4.

19. Умумий дастурий таъминотнинг таърифи қайси жавобда тўлиқ келтирилган?

- A. Бу дастур ҳам махсус мақсадлардаги, ҳам умумий мақсадлардаги дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан шуғулланувчи мутахассислар ўрганадиган предметдир.
B. Бу дастур ҳам махсус мақсадлардаги, ҳам умумий мақсадлар учун мўлжалланган дастур;
C. Умумий мақсадлар учун мўлжалланган дастурдир;
D. A ва B жавоблар.

20. Автоматлаштирилган кутубхона тизимлари ўз ичига қайси АИЖларини олади?

- A. «Китоб берувчи», «Маъмур», «Кутубхона фондини бутловчи»;
B.«Китобхон», «Китоб берувчи», «Каталоглаштирувчи», «Кутубхона фондини бутловчи» ва «Маъмур»;
C. «Китобхон», «Маъмур», «Кутубхона фондини бутловчи»;
D. «Китобхон», «Китоб берувчи», «Каталоглаштирувчи», «Маъмур».

21. Автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) қанақа тизимларнинг асоси ҳисобланилади?

- A. Интеграл ахборот - кутубхона тизимларининг (ИААКТ);
- B. Интеграл схемаларнинг;
- C. Операцион тизимларнинг;
- D. MARC форматларнинг.

22. Франция Миллий кутубхонасининг каталогида сўровнинг неча шакли таклиф қилинади?

- A. 2та;
- B. 4та;
- C. 3та;
- D. 5та.

23. «Китобхон»нинг автоматлаштирилган иш жойи нималарга мўлжалланган?

- A. Кутубхонадан фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида кутубхонанинг ЭКдан фойдаланиш мумкин;
- B. Кутубхонадан фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида кутубхонанинг ЭКдан фойдаланиш, керакли хужжатларни қидириб топиш учун ЭК маълумот базаларида қидирувни бажариш мумкин;
- C. Кутубхонадан фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида кутубхонанинг ЭКдан фойдаланиш, керакли хужжатларни қидириб топиш учун ЭК маълумот базаларида қидирувни бажариш, топилган хужжатларга буюртмалар бериш мумкин;
- D. A ва C жавоблар.

24. «Китоб берувчи»нинг автоматлаштирилган иш жойлари нималарга мўлжалланган?

- A. Китоб берувчининг АИЖ хужжатлари, миждозларга китоб бериш мўлжалланган;
- B. Китоб берувчининг АИЖ хужжатлари, миждозларга китоб бериш ва келишилган вақтдан сўнг қайтариб олишга мўлжалланган;
- C. A ва D жавоблар;
- D. Китоб берувчининг АИЖ хужжатлари, миждозларга китоб бериш ва келишилган вақтдан сўнг қайтариб олиш учун кутубхона ходимининг фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган.

25. «Кутубхона фондини бутловчи»нинг АИЖ нималарга мўлжалланган?

- A. Кутубхона фондини бутловчининг АИЖ - кутубхона фондини ҳисобга олишга мўлжалланган;
- B. Кутубхона фондини бутловчининг АИЖ - кутубхона фондини ҳисобга олувчи ва фондини бутловчи кутубхона ходимининг фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган;
- C. Кутубхона фондини бутловчининг АИЖ - бутловчи кутубхона ходимининг фаолиятини автоматлаштиришга мўлжалланган;
- D. A ва B жавоблар.

26. Шведциянинг йиғма каталоги LIBRISдан фойдаланиш учун ... га мурожаат қилиш керак.

- A. Advanced Search;
- B. Search tips;
- C. Search Multiple Terms;
- D. Expanded Search.

27. Ахборот қидирув тизими (АКТ) нима?

А. Бу ахборотларни сақлаш ва қидиришга мўлжалланган функционал тизим ҳисобланилади;

В. Бу ҳужжатлар, улар ҳақида маълумотлар, айрим фактларни сақлаш ва қидириш учун мўлжалланган усуллар ва воситалар тўпламидир;

С. Бу маълумотлар, айрим фактларни сақлаш ва қидириш учун мўлжалланган усуллар ва воситалар тўпламидир;

Д. Бу ҳужжатлар, улар ҳақида маълумотлар ва уларни қидириш учун мўлжалланган усуллар ва воситалар тўпламидир.

28. Белгиянинг йиғма каталогида қидирувни бошлаш учун ... танланади.

A. Advanced Search;

B. Search tips;

C. Search Multiple Terms;

D. Expanded Search.

29. Библиографик қидирув нима?

A. Бу бирламчи ҳужжат ҳақидаги маълумотлар қидирувидир;

В. Ҳужжатнинг манзилини топиш мақсадида амалга ошириладиган қидирувдир;

С. Бу бирламчи ҳужжат ҳақидаги маълумотларни ва унинг манзилини топиш мақсадида амалга ошириладиган ҳужжат қидирувидир ва D жавоблар;

D. A ва B жавоблар.

30. Фактографик қидирув нима?

A. Фактографик АҚТ – фактографик ахборотларни сақлаш ва қидиришни амалга оширадиган ахборот қидирув тизимидир;

В. Фактографик АҚТ – фактографик ахборотларни сақлаш тизимидир;

С. Бу сўровга мос келувчи фактларни қидиришдир;

D. A ва C жавоблар.

31. Испания Миллий кутубхонаси каталоги ARIADNA нечанчи йилдан бошлаб нашр қилинган ёзувларни акс эттиради?

A. 1831;

B. 1871;

C. 1971;

D. 1931.

32. АҚТ нечта асосий компонентани ўз ичига олади?

A. 6та;

B. 4та;

C. 7та;

D. 5та.

33. Ҳужжат қидирув образи (ХҚО) нима?

A. Бу ҳужжатнинг ахборот қидируви учун ишлатиладиган асосий мазмуний мундарижасини ахборот қидирув тилида ифодаловчи матн;

В. Бу ахборот сўровининг мазмуний мундарижасини ахборот қидирув тилида ифодаловчи матндир;

С. A ва D жавоблар;

D. Бу ахборот сўровининг мазмуний мундарижасини ифодаловчи матндир.

34. Австралия университетларининг йиғма каталоги UNILINC қандай қидирувларни тақдим қилади?

A. Basic;

B. Advanced;

C. Basic ва Advanced;

D. Basic ёки Advanced.

35. «Автоматлаштирилган интеграл ахборот системалари» (АИАС)нинг ичида нималар мужассамлаштирилган?

A. Ахборот манбалари; лингвистик таъминот; дастурий таъминот;

В. Техника таъминоти; мутахассислар таъминоти; тизимни бошқариш қисми;

С. Ахборот манбалари; техника таъминоти; дастурий таъминот; лингвистик таъминот;

D. А ва В жавоблар.

36. Калифорния Университети кутубхонасининг йиғма каталоги қандай номланади?

A. «COPAC»; B. «LIBRIS»; C. «Melvyl»; D. «Сигла».

«ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ» ФАНИ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

Вариант №3

1. Россия Миллий кутубхонасининг каталогида сўровнинг неча шакли ва қайсилар таклиф қилинган?

A. уч шакли: «базавий», «кенгайтирилган», «комплекс»;

B. тўрт шакли: «базавий», «кенгайтирилган», «комплекс», «касбий»;

C. икки шакли: «базавий», «кенгайтирилган»;

D. уч шакли: «базавий», «кенгайтирилган», «касбий».

2. «Subject-Name-Title-Call» қидирувни қандай ташкил этади?

A. Муаллиф фамилияси бўйича;

B. Муаллиф фамилияси, китоб номи, предмет соҳаси ва сақлаш шифри бўйича;

C. Предмет соҳаси бўйича;

D. Китоб номи ва муаллиф фамилияси бўйича.

3. Қайси жавобда ретроконверсия билан шуғулланувчи Россиянинг икки фирмасини номи тўғри келтирилган;

A. «Гипер» ва «ПроСофт-М»; B. «ПроСофт-М» ва «Жув»;

C. «Гипер» ва «Жув»; D. «ПроСофт-М» ва «IFLA».

4. Жаҳон тажрибасида ретроконверсияни ўтказиш учун танланадиган каталогларнинг устиворлиги нималарда кўринади?

A. Тўлиқ ва аниқ ахборот манбаларига эга каталоглар;

B. Фонднинг энг муҳим ва фойдаланувчилар томонидан энг кўп фойдаланилаётган қисмини акс эттирувчи каталоглар;

C. А ва В жавоблар; D. А, В ва С жавоблар.

5. Маълумотлар банки таркибига нималар киради?

A. Бир ёки бир нечта маълумотлар базаси киради;

B. Бир ёки бир нечта маълумотлар базаси, маълумотлар базаси маълумотномаси, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, сўровлар кутубхонаси ва амалий дастурлар киради;

C. Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари киради;

D. Сўровлар кутубхонаси ва амалий дастурлар киради.

5. Виртуал кутубхона нима?

A. Ахборотлардан биргаликда фойдаланиш учун ўзаро алоқаларга эга бўлган кутубхона;

B. Турли ҳудудларда жойлашган электрон кутубхоналар тизими;

C. А ва В жавоблар;

D. В ва С жавоблар.

6. Сигла йиғма каталоги тизими қандай қидирув шаклига эга?

- A. «Оддий» ва «Кенгайтирилган»; B. «Оддий»;
C. «Кенгайтирилган»; D. «Оддий» ёки «Кенгайтирилган».

7. Россиянинг ГПНТБ каталогида 2004 йилнинг ўрталарида қанча ёзув бўлган?

- A. 440 000; B. 280 000; C. 340 000; D. 370 000;

9. Россия давлат кутубхонасининг каталогида қайси белги ёрдамида атамаларни қисқартириш мумкин?

- A. «#»; B. «*»; C. A ва B жавоблар; D. A ёки B жавоб.

10. Я.Л. Шрайбергнинг фикрича Россияда MARC форматлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар нечанчи йилларда бошланган ва неча босқичдан иборат?

- A. 1980 йилларда, 3 босқичдан; B. 1970 йилларда 2 босқичдан;
C. 1970 йилларда 4 босқичдан; D. 1970 йилларда 3 босқичдан.

11. Жанубий Урал Давлат университети кутубхонасининг каталогида қидирувнинг ... вариантыни танлаш тавсия қилинади?

- A. Оддий қидирув; B. Кенгайтирилган қидирув;
C. Универсал қидирув; D. КАСбий қидирув.

12. Россия Фанлар Академиясининг Сибир бўлими геология ва минерология институтининг каталогида қидирувнинг қайси бири оптимал ҳисобланилади?

- A. «Стандарт»; B. «Оддий»; C. «Эксперт»; D. «Мульти».

13. Ingenta маълумотлар базаси нечанчи йилдан тўлдирила бошланган?

- A. 1998; B. 1987; C. 1988; D. 1888.

14. MEDLIN библиографик маълумотлар базаси нечанчи йилдан тўлдирила бошланган?

- A. 1976; B. 1966; C. 1986; D. 1996;

15. Электрон кутубхона таърифи қайси жавобда тўғри келтирилган?

- A. Электрон кутубхона каталоглари ва ахборотларни тасниф этиш;
B. Кодлаштиришнинг ягона тизими билан боғланган аннотацияли матнлар тўплами;
C. Электрон кутубхона каталоглари ва ахборотларни тасниф этиш ҳамда кодлаштиришнинг ягона тизими билан боғланган аннотацияли ва тўла матнли маълумотлар мажмуи;
D. A ва C жавоблар.

16. Z39.50 протоколи (қайдномаси) нима?

- A. Ахборот узатишнинг етти даражали моделини қўллаш;
B. Қидирув бажариш ва турли дастурлар ишини бошқариб турувчи дастур;
C. Ахборот узатишнинг етти даражали моделини қўллаб, юқори даражада ишловчи, фойдаланувчиларга маълумотлар базасида тўлиқ қидирув бажариш ва турли дастурлар ишини бошқариб турувчи дастур;
D. A ва B жавоблар.

17. ISSN нима?

- A. Даврий нашрларнинг халқаро стандарт рақами;

- В. Реал вақт режимида Интернетга кириш;
- С. Бир компьютердан бошқасига ахборот жўнатиш усули ва жараёни;
- Д. А ва С жавоблар.

18. Абонент нима?

- А. Китобхонларга китоб бериш ва қайтариб олишни назорат қилиш билан боғлиқ кутубхона бошқаруви функцияси;
- В. Интеграл кутубхона тизими модулларида бири ҳисобланади;
- С. А ва В жавоблар;
- Д. Китобхонларга китоб бериш ва қайтариб олишни назорат қилиш билан боғлиқ кутубхона бошқаруви функцияси. Интеграл кутубхона тизими модулларида бири ҳисобланади.

19. ON LINE нима?

- А. Реал вақт режимида Интернетга кириш;
- В. Ҷамоатчилик томонидан фойдаланиладиган тезкор каталог;
- С. Бир компьютердан бошқасига ахборот жўнатиш усули ва жараёни;
- Д. Электрон кутубхона каталогидаги қидирув тизими.

20. АҚШда библиографик, авторитет, классификациялаш, фонд ҳақидаги маълумотлар ва ҷамиятга тегишли ахборотларни фойдалаш ва машина ўқий оладиган шаклдаги алмаштириш стандартларининг нечта коммуникатив формати мавжуд?

- А. 4та; В. 2та; С. 3та; Д. 5та.

21. ISBN нима?

- А. Даврий нашрларнинг халқаро стандарт рақами;
- В. Китобларнинг халқора стандарт рақами.
- С. Ҷамоатчилик томонидан фойдаланиладиган тезкор каталог;
- Д. Реал вақт режимида Интернетга кириш.

22. OPAC нима?

- А. Ҷамоатчилик томонидан фойдаланиладиган тезкор каталог;
- В. Электрон кутубхона каталогидаги қидирув тизими;
- С. Ҷамоатчилик томонидан фойдаланиладиган тезкор каталог. Электрон кутубхона каталогидаги қидирув тизими;
- Д. А ва В жавоблар.

23. Каталог нима?

- А. Кутубхона фондидаги барча ҳужжатлар рўйхати. Автоматлаштирилган тизимда библиографик маълумотлар базасини ташкил қилади;
- В. Кутубхона фондидаги барча ҳужжатлар рўйхати;
- С. А ва В жавоблар;
- Д. Автоматлаштирилган тизимда библиографик маълумотлар.

24. Библиографик маълумотлар базаси нима?

- А. Кутубхонада сақланаётган китоблар, журналлар ва бошқа ҳужжатлар таснифини;
- В. Кутубхонада сақланаётган китоблар, журналлар ва бошқа ҳужжатлар таснифини акс эттирган ёзувлардан иборат маълумотлар базаси;
- С. Ёзувлардан иборат маълумотлар базаси;

D. Кутубхонада сақланаётган китоблар ва журналлар таснифи.

25. Корнеги – Меллон Университети кутубхонасининг каталоги нечанчи йилдан Web интерфейсида ишлайди?

A. 1996; B. 1986; C. 1966; D. 1977.

26. Британия кутубхоналарининг каталоги нечанчи йилдан буёнги нашрларни ўзида акс эттиради?

A. 1965; B. 1975; C. 1995; D. 1977.

27. Электрон кутубхонанинг асосий вазифаси нима?

A. Ахборот ресурсларининг интеграцияси;

B. Самарали навигация;

C. Ахборот ресурсларининг интеграцияси ва уларда самарали навигацияни бажаришдир;

D. A ва C жавоблар.

28. Каталогларнинг ретроконверциялашни умумий тамойиллари қайси жавобда тўлиқ келтирилган?

A. Ахборот карточка оригиналида қандай кўринишда берилган бўлса шундай киритилади ҳамда машина ёзувига ҳеч бир қўшимча ахборот киритилмайди;

B. Ахборотларни халқаро стандартларга мос ҳолда структураларга ажратиш тавсия қилинади;

C. Мавжуд маълумотларнинг анъанавий вариантыдан, машина ўқий оладиган баъзи бир элементларини олиш мумкин;

D. A, B ва C жавоблар.

29. «UNIMARC» хақаро коммуникатив формати миллий библиографик агентликлар орасида ахборотларни алмаштиришда қанақа рол ўйнайди?

A. Воситачи; B. Алмаштирувчи; C. Ҳамкорлик; D. Боғловчи.

30. Электрон каталог тушунчаси қайси мамлакатдан кириб келган?

A. Россия; B. Германия; C. Буюк Британия; D. АҚШ.

31. ГОСТ 7.76-96 га асосан Электрон каталог қандай таърифланади?

A. Вақтнинг реал режимда ишлайдиган ва кутубхона китобхонлари ихтиёрига тақдим қилинган машина ўқий оладиган кўринишдаги кутубхона каталогидир;

B. Кутубхона китобхонлари ихтиёрига тақдим қилинган машина ўқий оладиган кўринишдаги кутубхона каталогидир;

C. Вақтнинг реал режимда ишлайдиган кутубхона каталогидир;

D. Кутубхонанинг электрон каталоги–машина ўқий оладиган кутубхона каталоги бўлиб, у реал вақт режимда ишлайди.

32. АҚШ Конгресс кутубхонаси каталогининг бош менюсида қидирув неча вариантда бажариш ташкил этган?

A. 2; B. 1; C. 4; D. 3.

33. Корнеги – Меллон Университетининг CAMEO кутубхонасини каталоги нечанчи йилдан бошлаб Web – интерфейс орқали ишлайди?

A. 1995; B. 1997; C. 1996; D. 1998.

34. Гарвард университетининг HOLLIS каталоги қуйида келтирилган қидирувлардан қайси бирини энг оптимал деб ҳисоблайди?

A. Complex Search; B. Modify Search;

C. Guided Search; D. Expanded Search.

35. АҚШ Конгресс кутубхонасида ... функцияси мавжуд бўлиб, у қидирувни саналари, материал тили, нашр қилинган жойи бўйича чекланган ҳолда бажаришни таъминлайди.

- A. Full Record; B. Search Limits;
C. Guided Search; D. Brief Record.

36. калифорния университети кутубхонаси MELVYL йиғма каталогида атамаларни қисқартириш учун қайси белгилардан фойдаланилади?

- A. «#»; B. «*»; C. «#» ёки «*»; D. «#» ва «*».

А д а б и ё т л а р

1. Библиотеки и Интернет. Библиотечный сервис и каталоги в системе Интернет. Зингерман М.П. *АОЗТ «Мир Знаний», Москва, Россия.*
2. Гончаров М.В., Шрайберг Я.Л. Введение в Интернет. В 9 частях. М.: ГПНТБ. 2000.
3. Жижимов О.Л., Мазов Н.А., Болванов А.Ю. Опыт построения распределенной информационной системы на базе протокола Z39.50 // Библиотеки и ассоциации в меняющемся мире: новые технологии и новые формы сотрудничества: Материалы 6-й Международной конференции «Крым-99» (Судак, Автономная Республика Крым, Украина, 6–14 июня 1999 г.). - Симферополь: Издательство «Таврида», 1999. - С. 249-253.
4. Ершова Т.В., Хохлов Ю.Е. Межведомственная программа «Российские электронные библиотеки»: подходы и перспективы // Информационное общество. - 1999. - N. 3. - С. 21-27.
5. Материалы Международных конференций «Крым 97», «Крым 98», «Крым 99», «Крым-2000». Библиотеки и ассоциации в меняющемся мире: новые технологии и новые формы сотрудничества.
6. Фонотов А.Г., Якуцени П.П.. Роль электронных библиотек в передаче технологий // Электронные библиотеки: научный электронный журнал. 1999, т.2, вып. 3. – URL: <http://www.iis.ru/el-bib/1999/199904/fonotov/fonotov.ru.html>
7. Создание электронных каталогов: Из опыта работы Российской государственной библиотеки /Сост. О.А.Лавренова. М.: Рос. гос. б-ка, 1996. 80с.
8. Шрайберг Я.Л., Воройский Ф.С. Автоматизированные библиотечно-информационные системы России: состояние, выбор, внедрение, развитие. – М.: Либерия, ГПНТБ Россия, 1996 – 273 с.: ил.
9. Шрайберг Я.Л. , Гончаров М.В. , Шлыкова О.В. Интернет – ресурсы и услуги для библиотек. Учебное пособие. М.: ГПНТБ. 2000.
10. Шрайберг Я.Л. Основные положения и принципы разработки автоматизированных библиотечно-информационных систем и сетей: Гл. тенденции окружения, осн. Положения и предпосылки, базовые принципы: Моногр. – М.: ГПНТБ России, 2000. – 130 с.
11. UNIMARC: Вводный курс /Пер. с англ. С.А. Беляниной, И.В. Мельник, А.Н. Пака; Под общ. Ред. Я.Л. Шрайберга; ГПНТБ России. – М.: 1995. – 28 с.
12. Земсков А.И. , Шрайберг Я.Л. Электронные библиотеки. Учебное пособие для студентов ун-тов и вузов культуры и искусств и др. учебных заведений. М., 2001 . 72 с.
13. M. Rakhmatullaev. Advanced Information Library Infrastructure: As an Important Social Tool for the Prevention of Crisis Situations in Central Asia В журнале Library Hi Tech News. Vol. 19. N 9 , 2002. MCB University Press. England. 12-14 p.p. <http://www.mcb.co.uk/liblink/nethome.htm>
14. Н.Андреева, М.Рахматуллаев. «Библиотечное образование и современные информационные технологии. В Профессиональном журнале

- «Библиография». М.: Российская книжная палата, Бук Чемберлен Интернэшнл, N4, 2000 г., 129-131 стр.
15. Рахмонкулова С.И., Розиев Ф.З. Виртуал кутубхона. -Т.: -2000, -80б.
 16. Марахимов А.Р. Рақмонкулова. С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари: Ўқув қўлланма. -Т., 2001. -176б.
 17. Рахматуллаев М.А. Информационные технологии в библиотеках. Методическое пособие по разработке проектов с использованием новых информационных технологий в библиотеках. Ўқув қўлланма. -Т. 2003. -272 с.
 18. Форматы USMARC . Краткое описание: В 3 ч.—Ч.1 Формат USMARC для библиографических данных / Б-ка конгресса. Служба развития сети и стандартов MARC; Под общ.ред. А.И.Земскова и Я.Л. Шрайберга. —М: ГПНТБ России, 1996. -176с.
 19. Руководство по UNIMARC: Руководство по применению международного коммуникативного формата UNIMARC / Перс англ. Авт. Коллектива под руководством А.И. Земскова, Я.Л. Шрайберга. -М.: ГПНТБ России, 1992. -320 с.
 20. Рахматуллаев М.А. ва бошқалар. Автоматлаштирилган кутубхона. Ўқув қўлланма. —Т. 2003. -266 б.
 21. Сукиасян Э.Р. Электронные каталоги. Библиотека. — 2003. — № 2. — С.38-
 22. Положение о международных принципах каталогизации. Проект, одобренный 1-й Конференцией экспертов по Международным правилам каталогизации ИФЛА (Франкфурт, Германия, 2003).
 23. Сукиасян Э.Р. Какие АБИС применяются в России? Нужна объективная информация.
 24. Байтингер, Г. А. Этапы создания электронного каталога / Г. А. Байтингер, О. А. Дубовицкая, И. О. Ильиных // Научные и технические библиотеки. — 2005. - № 12. — С. 36-41.
 25. Карауш А.С. Утилиты для проверки и коррекции электронных каталогов / А.С. Карауш, Д.Ю. Копытков, А.С. Макаревич // Библ. дело. —2005.-№6.— С.21-24.
 26. Миниярова З.М. Электронный каталог—особая поисковая среда // Науч. и техн. б-ки. - 2005. - № 9. — С. 67-72 ; То же [Электронный ресурс]. - URL: <http://ellib.gpntb.ru/?journal=ntb&year=2005&num=9&art=11>
 27. Организационно-технологическая документация ГПНТБ СО РАН : система электронных каталогов и баз данных / Гос. публ. науч.-техн. б-ка Сиб.отд-ния Рос.акад.наук; отв.ред. Р.А.Черныхаева]. - Новосибирск: ГПНТБ СО РАН, 2005.-50с.
 28. Селиванова Ю.Г. Электронный каталог: формирование и поиск: тенденции соврем. каталогизации / Ю.Г. Селиванова, Т.Л. Масхулия // Библ.дело.—2004.-№8.—С.20-21.
 29. Скоробогатов В.М. Каталоги карточный и электронный: общее и особенное. (Диалог профессионалов) /В.М. Скоробогатов, Э.Р. Сукиасян // Науч. и техн. б-ки. — 2005. - №12. — С.15-24; То же [Электронный ресурс]. - URL: <http://ellib.gpntb.ru/?journal=ntb&year=2005&num=12&art=2>

30. Сукиасян Э.Р. Электронный каталог и читатель // Науч. и техн. б-ки. – 2000. – №9. – С.79-85; То же [Электронный ресурс].-URL: http://www.gpntb.ru/win/ntb/ntb2000/9/f09_09.html
31. Горшкова Г.А. Организация электронного каталога библиотеки: теория и практика. / XI междунар. конф. «Крым –2004». ([http://www. Gpntb.ru/ win/ inter–evets/crimea 2004/](http://www.Gpntb.ru/win/inter-evets/crimea2004/)).
32. Горшкова Г.А. Роль электронного каталога библиотеки в информационном обеспечении учебных и научных потребностей вуза. /Библиотеки и образование: сб. материалов 1–й междунар. конф. – Ярославль, 2005 – С. 29 – 32.
33. ГОСТ 7.76–96. Комплектование фонда документов. Библиографирование. Каталогизация. Термины и определения. ([http://low. edu.ru/doc](http://low.edu.ru/doc)).
34. Примерное положение об электронном каталоге вуза. Утверждено ЦБИК Минобразования России октябрь 2001 года.
35. Сысойкина М. Протокол Z39.50–обоснование необходимости использования ([http://www.bookresearch.ru/Z39.50 usage.htm](http://www.bookresearch.ru/Z39.50usage.htm)).
36. [http://www. Bookchamber.ru/download/gost–1996–7.76 doc](http://www.Bookchamber.ru/download/gost-1996-7.76doc).
37. [http://www. glossary.ru/cgi–bin/](http://www.glossary.ru/cgi-bin/).
38. Ретроспективная конверсия библиотечных каталогов. <http://www.prosoft-m.ru/biblio/catalogue.shtml>.
39. Кочетова Л. Б., Петрова Н. В. Ретроспективная конверсия библиотечных каталогов. http://www.scandocs.ru/page.jsp?pk=node_100019
40. Лаврёнова О.А. Ретроспективная конверсия каталогов. Организация и технология. <http://artinfo.ru/eva/EVA2000M/eva-papers/200008/Lavrionova-R.htm>
41. Максимов Н.В. Сысойкина М.А. О реализации электронной библиотеки с использованием протоколов HTTP и Z39.50
42. Сысойкина М. А. Протокол **Z39.50** для гуманитариев // Теория и практика научной информации, Т.18, 2002 г.
44. <http://lcweb.loc.gov/z3950/agency/>
45. <ftp://ftp.loc.gov/pub/z3950/defs/bib1.txt>
46. Жижимов О.Л. Введение в **Z39.50**. - Новосибирск: Изд-во НГОНБ, 2000.
47. Материалы **Z39.50** Maintenance Agency <http://lcweb.loc.gov/z3950/agency/>
48. Колосов К. А. Новые возможности на основе протокола Z39.50 для пользователей ИРБИС.
49. Анорова Ш.А. Электрон каталог яратиш тарихи, муаммолари ва истиқболлари. Фан, техника ва таълимда инфокоммуникацион ва ҳисоблаш технологиялари Халқаро илмий конференция. Тошкент, 2004.

50. Каримов У.Ф., Мухаммадиев А.Ш., Анорова Ш.А. Республика кутубхоналарида электрон каталог яратишнинг долзарб муаммолари. Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Учинчи халқаро конференция «CENTRAL ASIA - 2004». Тошкент, Самарқанд, 2004, 101-104 б.
51. Анорова. Ш.А. Электрон каталог фанидан намунавий дастур. 2006 йил 8 бет.

Босишга рухсат этилди 12.09.2007 й.
Формат 60X84 . Шартли босма табағи .
Адади: 100 нусха. Буюртма № 37.
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат
маданият институти босмахонаси.
700164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127^a – уй.